

63

Ж. ТОШҚУЛОВ


Ўзбекистон халқлари
сиёсий-хуқуқий фикрлари
тариҳидан

„УЗБЕКИСТОН“

Ж. ТОШҚУЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ
СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ
ФИКРЛАРИ ТАРИХИДАН

(XVII-XIX асрлар)



63.3(5Y)

Т 71

Тақризчилар:

Хуқуқ фанлари номзоди, доцент *Ҳ. Бобоев*,
Хуқуқ фанлари номзоди, доцент *Ҳ. Назиров*

Мұхаррір: *А. Ҳакимжонова*

Товғұлов Ж.

Т 71 Үзбекистон халқлари сиёсий-хуқуқий фикрлари тарихыдан (XVII—XIX асрлар).—Т.: "Үзбекистон", 1995.—128 б.

ISBN 5-640-01969-7

Ұнибұ құлланымда XVII—XIX асрларда Үзбекистон ҳудудида будын давлатлариниң ижтимоий, іктиисодий, маданий, сиёсий ва әмбебаптың қасиет қақиғатта умумий маълумотлар, бу даврда шағынлайша ғана ривожланған сиёсий-хуқуқий фикрларнинг асосий оқымлари, үларнинг күзға күріншілік вакилларнинг давлат-шығ келип шықыны, моҳияти, вазифалары, уни бошқарыши, қокимиюят вакиллары, ҳуқуқ, қонуғийлик, адолат, уруш ва тиңчилик қақиғаты қарашлары ёритилған.

Құлланма тарихчилар, талабалар, аспирантлар ва Үзбекистонда давлатчилік, сиёсий-хуқуқий фикрлар тарихи билан қизиқувчиларға мүлжалланған.

63.3(5Y)+67.3

№ 586-95

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

T 0503020904-117
M 351 (04) 95 96-

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ РИВОЖЛАНИШИНинг МАҲНАВИЙ-ХУҚУҚИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Миллий ўзбек давлатчилигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос йўли қуйидаги маънавий-хуқуқий негизларга асосланади. Булар, биринчидан, умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга содиқлик; иккинчидан, ҳалқимизнинг маънавий-хуқуқий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг намоён қилиниши; тўртинчидан, қонун устуворлиги ва демократик ҳуқуқий давлатга нисбатан ватанпарварлик.

Мустақил ўзбек давлатининг куч-қудрат манбаи — ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Шунинг учун миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган имон ва инсоф, меҳр-оқибат, виждан ва андиша, ҳаёв ва ор-номус, адолат ва тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварлик, бағри кенглик ва меҳмондўстлик, мардлик ва тантлилк каби улуғ хислат ва қадриятларини қайта тиклаш ва уларга янги мазмун бағишлаш керак.

Мустақил ўзбек давлатининг маънавий-хуқуқий пойдевори — миллий давлатчилигимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкамдир. У салкам З минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Бизнинг давлат ўзида кўҳна Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ва ўзбек хонликларининг давлат бошқарув тажрибасини, ҳалқимиз бутун миллий тарихий, ҳуқуқий, маънавий амалиётини ҳамда унинг ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган.

Мустақил ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий равишда уйғулаштирган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ қабул қилиш ва шахсни ҳурмат қилиш ёш давлатимизнинг обрўйини ошириди. Жамиятимизда инсон ҳуқуқлари фақат

қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг ўз-ўзини англаш, унинг эзгулик соҳасидаги ахлоқий-ҳуқуқий таж-рибаси билан ҳам мустаҳкамланади.

Кўҳна ва навқирон ўзбек давлати азалдан Буюк ипак йўли, яъни савдо-сотиқ, маданият, турли миллат ва динлар кесишиган заминда жойлашган. Шунинг учун машҳур кар-вонсаройларда доимо турли миллат вакилларининг турли тиллардаги суҳбатини эшлиши мумкин бўлган. Тарихан бизнинг ўлкада аҳоли турли динларга эътиқод қилган. Аммо уларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта турмуш кечи-ришининг муҳим омили — ўзи яшаётган она заминга ҳурмат, садоқат, муҳаббат бўлган. Ватанпарварлик туйғуси барча-барчани жипслаштирган.

Бизнинг миңтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бу ерда яшаб ўтган авлод-аждодларимизнинг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят улкан ҳиссалари ҳозирги кунда ҳам турмушнинг барча жабҳаларига сези-ларли таъсир ўтказмоқда.

“Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”¹.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол шарофати ўлароқ Ўзбекистон ўзининг маънавий-ҳуқуқий қадриятларини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгартиришлар даврига қадам қўйди.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — ўзбек халқи маънавий-ҳуқуқий меросининг ажralmas таркибий қисми-дир. Бу тарих бир қанча авлодларнинг давлат ва ҳокимият, сиёsat ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик, бошқарув ва қонун-чилик ҳақидаги ғоялари ва қарашларини ўзида мужассам-лаштирган. Бу таълимотлар фақат ўтмишгагина тааллуқли бўлиб қолмай, балки турли йўллар билан бизнинг ҳозирги давлат ҳуқуқий турмушимизга ҳам таъсир ўтказмоқда. Шу туфайли сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихига қизиқиши сўнгги йилларда ниҳоятда ошди.

Афсуски, ўзбек халқининг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури тарихига бағишиланган кўп қиррали йирик асарлар деярли йўқ. Бармоқ билан санарли бир қатор ҳуқуқшунос олим-ларигина бу соҳада тадқиқот олиб бормоқдалар. Зеро, кўп

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, сиёсий мафкура. “Ўзбекистон”, 1993, 40-41-бетлар.

асрлик бу таълимотларни атрофлича чуқур тадқиқ қилиш — давр талабидир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш илмий-назарий, амалий ва ўқув-тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки авлод-аждодларимизнинг бой сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси ва мероси мустақил ўзбек давлати тараққиётida мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

Буюк аждодларимиз томонидан илгари сурилган илғор тараққиётпарвар ғоялар фақат улар яшаб ижод этган давр учун аҳамият касб этибгина қолмасдан, ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз улардан ўзимизнинг миллий, сиёсий-ҳуқуқий мафкурамизни шакллантиришда назарий манба сифатида фойдалансак, айни муддао бўлади. Ушбу асарнинг асосий қиммати ҳам ана шундадир.

А. Х. САИДОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори,
профессор.

XVII-XVIII АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ФИКРЛАР

1. Ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура

XVII-XVIII асрларда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт парокандалик ва тарқоқликнинг, жабр-зулмнинг, тож-тахт, моддий бойликлар, ерлар учун ўзаро урушларнинг кучайиши, мавжуд сиёсий муносабатлар ва тартибларнинг муттасил тус олиши билан характерланади. XVII асрда Ўзбекистон ҳудудида иккита мустақил давлат — Бухоро ва Хива хонликлари мавжуд эди. XVIII асрнинг бошларига келиб, Қўқон хонлиги Бухоро хонлигидан мустақил давлат сифатида ажralиб чиқди. Бу уч хонликнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тузумида умумий ўхшаш жиҳатлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд эди. Бу хусусиятлар, айниқса, уларнинг сиёсий тузумида яққол кўзга ташланади.

XVI асрнинг охириларида ўзбек уруғларидан бири бўлган — Астрахон хонларининг авлодлари аштархонийлар Бухорода ҳокимиятни қўлга оладилар. Аштархонийлар давлатида ҳокимият бутун хон урганинг мулки ҳисобланиб, уруғ аъзолари хонни сайлар эди. Мамлакат бир неча йирик қисмларга, улар эса, ўз навбатида, амлокларга бўлинган эди. Хонлик таркибига кирувчи ўзбек қабилалари бирмунча мустақил бўлиб, уларнинг амир унвонига эга бўлган бошлиқларининг давлатни бошқаришда тутган ўрни ва роли катта бўлган. Аштархонийлар сулоласидан бўлган баъзи хонларнинг (масалан, Имомқулихоннинг) давлатни марказлаштириш ўлида қилган уринишлари зос кетди. XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб, Аштархонийлар давлатида сиёсий тарқоқлик, барқарорсизлик авжига чиқди, хон амирлар қўлидаги қўғирчоққа айланди.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмидаги Бухоро хонлигининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири темурйилар ва шайбонийлардан мерос қолган, лекин баъзи бир ўзаришларга учраган давлат органлари тизимининг мавжудлиги эди. Бу тизимда хондан кейин биринчи ўринда оталиқ (хоннинг амакиси ёки мураббийси) туради. У би-

ринчи вазир вазифасини бажарар эди. Оталиқдан кейинги мансаб девонбеги бўлиб, у хирож тўплаш, солиқ рўйхатларини тузиш, хорижий давлатлар элчиларининг ёрлиқларини қабул қилиш ва уни хонга топшириш билан шуғулланарди. Бундан ташқари, марказий бошқарув аппаратида парвоначи — инъом олган шахсларга ёрлиқлар топширувчи, додҳоҳ номига ёзилган аризаларни қабул қилувчи ва аризалар бўйича қабул қилинган қарорни аризачига етказувчи, кўкалдош — сиёсий полицияни бошқарувчи, катта иноқ — ўзбек қабилаларини бошқарувчи, қушбеги — хон қароргоҳининг бошлиғи, тўпчи боши — хон гвардияси бошлиғи, шайхулислом — олий дин арбоби, қози, қози аскар, кутубхоначи, ясовуллар — алоҳида топшириқларни бажарувчилар ва бошқалар бор эди.

Вилоят ва шаҳарлар хоннинг ҳарбий вассаллари томонидан бошқариларди. Бухоро шаҳрини бошқариш маҳсус ҳоким — доругага топширилган эди. Бу ерда полиция ва зифасини мишло бажааради.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигига ҳужум қилиб, уни ўзига бўйсундиради ва хонлик тахтига ўзининг тарафдорларидан Муҳаммад Ҳаким оталиқни ўтқазади. Отаси ўрнига тайинланган Муҳаммад оталиқ 1753 йилда ўзини Бухоро амири деб эълон қиласи ва бу ерда манғитлар сулоласига асос солади. Манғитлар Бухорада 1920 йил сентябрь инқилобигача ҳукмронлик қиласидар.

Бухоро амирлигига бутун ҳокимиият амир қўлида бўлиб, барча масалаларни ҳал этишда у охирги сўзни айтар эди. Амир ҳузурида йирик ер эгалари, давлат хизматчилари ва руҳонийлар вакилларидан иборат маслаҳат кенгаши бўлган. Амир саройида удайчилар — амирга ахборот берни турувчилар, шифаул — амирнинг шахсий котиби, амир ёрдамчиси, миরза-мунший — амирнинг шахсий қабулхонаси бошлиғи, девонбеги — кирим-чиқум ва хўжалик ишлари бошлиғи, мираббоши — полиция қисмининг бошлиғи, юрчи — амирнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларида олдида йўл бошловчи, шарбатдор — озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти бошлиғи ва бошқа хизматчилар бор эди. Мамлакатни идора этишда асосий ролни маъмурий-бошқарув аппарати ўйнар эди. Бу аппарат қушбеги — молия ишларига раҳбарлик қилувчи, бошқарув органлари фаолиятини назорат қилувчи, солиқларнинг тўпланишини кузатувчи олий мансабдор томонидан бошқарилар эди. Ундан кейинги мансабдор девонбеги бўлиб, у бевосита молия-солиқ ишларига раҳбарлик қилувчи, бошқарув органлари фаолиятини назорат қилувчи, солиқларнинг тўпланишини кузатувчи олий мансабдор томонидан бошқарилар эди.

рини бошқарар эди. Бундан ташқари, марказий давлат аппаратида қозикалон — суд ва дин ишларини бошқарувчи, биш раис — назорат ва қидирув ишлари бошлиғи ва бошқа мансабдорлар бор эди. Юқори мансабдор шахслар ҳузурида алоҳида маҳкамалар ташкил этилган бўлиб, уларда кўп сонли давлат хизматчилари ишлар эди.

Маъмурий-ҳудудий жиҳатидан Бухоро амирлиги 29 вилоятга, вилоятлар амлокдорликларга бўлинган бўлиб, улар қушбеги тақдимиға биноан амир томонидан тайинланадиган беклар ва амлокдорлар томонидан бошқарилар эди.

Хива хонлигининг сиёсий тузуми ҳақида сўз боргандা, бу ерда сиёсий барқарорсизлик ва тарқоқликнинг илдизлари бирмунча чуқур эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Илгари темурийлардан Султон Ҳусайнга қарашли бўлган Хоразмни 1505 йилда Шайбонийхон қўшинлари босиб олади. Бу ерда ҳокимият кейинчалик ўзбек сулоласининг шайбонийлар қўшилмаган бошқа шохобчаси қўлига ўтади. XVI аср бошларида Элбарсхон мустақил Хива хонлигини ташкил қиласди. 1593 йилда Хивадаги ўзаро урушлардан фойдаланган Абдуллахон II Хива хонлигини босиб олади. 1598 йилда Хива хонлиги яна мустақилликка эришади. 1698 йилда Хива хонлиги Бухоро хони Субхонқулихон томонидан босиб олиниб, Шоҳниёз хон этиб тайинланади. 1740 йилда Хива хонлиги Эрон шоҳи Нодиршоҳ қўшинлари томонидан босиб олинади. 1747 йилда Хива хонлиги яна мустақилликка эришади. 1763 йилда Хивада ҳокимият ўзбек уруғларидан бўлган қўнғирот сулоласи қўлига ўтади. Бу сулоланинг вакиллари Хоразмда 1920 йилгача ҳукмронлик қиласдилар.

Хива хонлиги унчалик кучли бўлмаган тарқоқ давлат эди. Хонлик ҳудуди хон хонадонига мансуб бўлган кишилар ўртасида тақсимланган бўлиб, улар ўзларига тегишли ерларни мустақил бошқарар эдилар. Хонликнинг давлат органлари тизими унчалик мураккаб эмас эди. Давлат расмий равишда хон уруғининг мулки ҳисобланаб, хон томонидан бошқарилар эди. Хон томонидан тайинланадиган вазир — меҳтар, қушбегилар, Хивага келиб истиқомат қилувчи қабила бошлиқлари (5 киши) хоннинг маслаҳатчилари ҳисобланарди. Хон ҳузурида икки ва ундан ортиқ оталиқ ҳамда иноқлар бўлиб, улар қабила бошлиқларидан тайинланар эди. Булардан ташқари, хон саройида ясовуллар — хонларни кутиб олиш, уларга жой тайёрлаб бериш билан шуғулланувчилар, хазиначилар, мингбошилар, юзбошилар ва бошқа амалдорлар бор эди.

Жойларда ҳокимият маҳаллий оқсоқоллар қўлида бўлиб, қишилоқ жойларида давлат ишларини бажариш ер эгалари-га юклаб қўйилар эди.

Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаёти учун хос бўлган асосий хусусиятлар — сиёсий тарқоқлик ва ҳарбий заифлик эди. 1710 йилда минглар сулоласи вакили Шоҳруҳбий Чодак (Чуст шаҳридан 40 км шарқда) хўжалар ҳокимиятини ағдариб, дастлаб Фарғона водийсида Бухоро амирлигидан мустақил кичик бир давлатга — Қўқон хонлигига асос солди. Кейинчалик бу давлатнинг ҳудуди Хўжанд, Марғилон, Андижон, Тошкент, Чимкент, Сайрам, Туркистон шаҳарлари, Олой тоғининг Жанубий этакларидаги Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон, Рӯшон ва Вохон бекликларининг бўйсундирилиши эвазига кенгайтирилди. Лекин Қўқон хонлиги кучли марказлашган давлат даражасига кўтарила олмади. Бунинг сабаблари ички урушлар, чет давлатларнинг хонликка қилиб турган тинимсиз тазиқлари эди.

Қўқон хонлиги бошқариш шаклига кўра монархия бўлиб, олий ҳокимият хон қўлида тўпланган эди. Лекин хоннинг ҳокимияти Қўқон шаҳри ва унинг атрофи доирасидагина кучга эга эди. Хонликнинг қолган қисмлари ва шаҳарлар мустақил бўлган қушбегилар ёки ҳокимлар томонидан бошқарилар эди. Хоннинг уларга таъсири унчалик кучли эмас эди. Хон саройида мингбоши — бош вазир, отабек — ҳарбий қўшин қўмондони, дастурхончи — сарой ахлларига овқат тайёрлатиш ва меҳмон кутиш билан шуғулланувчи лавозимли шахс, рисолачи — бош котиб, қозикалон — олий судья ва бошқа лавозимдаги мансабдорлар бор эди. Хива ва Бухоро хонликларидан фарқли улароқ ҳолда Қўқон хонлигига доимий ҳарбий қўшин йўқ бўлиб, хоннинг шахсий гвардияси бор эди, холос.Faқат уруш вактларида хонликда ҳалқ лашкари тузилар эди. Ҳар бир қушбеги ёки ҳоким хоннинг фармойишига биноан маълум миқдордаги қўшин билан келиб, ягона қўмондонлик раҳбарлиги остида бошқалар билан биргалашиб, жанг олиб бориши керак эди. Суд ҳокимияти бу ерда ҳам қозилар қўлида эди. Қўқон хонлиги маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 15 вилоятга бўлинган бўлиб, вилоятлар хон томонидан тайинланадиган беклар, Тошкент шаҳри бекларбеки унвонига эга бўлган ҳоким томонидан идора этилар эди. Хонликдаги кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлари бийлар томонидан бошқарилар эди.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ижтимоий муносабатлар асосан шариат нормалари билан тартибга солинарди. Бу мамлакатларда ислом динининг йирик оқими — суннийларнинг ҳанифийлар мактаби (мазҳаби) ҳуқуқий таълимоти ҳукмронлик қиласади. Ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда Мовароуннаҳдан етишиб чиққан ислом ҳуқуқшуносларининг асарларидан, айниқса Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асаридан кенг фойдаланилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиздирки, мусулмон дунёсида йирик ҳуқуқшуносларнинг асарлари оддий қўлланма сифатида эмас, балки ҳуқуқнинг муҳим манбаи сифатида хизмат қилган. Хонликларнинг асосан чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи ҳалқлар — қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар истиқомат қиласадиган ҳудудларида ижтимоий муносабатлар одат нормалари билан тартибга солинарди. Ҳар учала хонликнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ислом дини тўла ҳукмронлик қиласади. XVII-XVIII асрларда Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг таъсири кучайди.

Хонликлarda сиёсий барқарорсизлик тарқоқликнинг, ўзаро урушларнинг кучайишига, мутаассиб кучларнинг қаршилигига қарамасдан XVII-XVIII асрларда адабиёт, фан, меъморчилик, тасвирий санъат соҳаларида айрим ютуқларга эришилди. Шеърият соҳасида Султонмуҳаммад Мутрибий Самарқандийнинг "Тазкирати-шуаро", адабиёт ва тарих соҳасида муаллифи ҳозиргacha номаълум бўлган "Таварихи гузидаги Нусратнома", Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Абдулғозийнинг "Шажараи тарокима" ва "Шажараи турк", Муҳаммад Юсуф Муншийнинг "Тарихи Муқимхоний", Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома", Мулло Фарҳод Самарқандийнинг "Тарихи Роқимий", сиёсий-ҳуқуқий масалаларга бағишлиланган Турсун Пойанди, Замини ал-Холидийнинг "Туқфа ал-Амир", Мир Муҳаммад Салимнинг "Силсилат ас-Салатин", Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Кариманагийнинг "Түхфат ал-Хони", Абдуллоҳ ибн Ҳўжа Ориф ал-Бухорийнинг "Рисола фи таҳқик арази ушрийа ва-л хараджийа", жўғрофия соҳасида Амин Аҳмад Розийнинг "Ҳафт иқлим", Муҳаммад ал-Мирақий ас-Самарқандийнинг тиббиёт ва доришуносликка бағишлиланган рисоласи ва бошқалар майдонга келди. Бу даврда мусиқа, ҳусниҳат ва тасвирий санъат соҳаларида маълум бир ютуқларга эришилди. Самарқандда Шайбонийхон, Абдураҳим садр, Шердор, Тилақори, Бухорода Мирараб, Абдуллахон ва Кўкалдош мад-

расалари, Масжиди Калон, Болоҳовуз масжиди, Хивада Арабмуҳаммад, Муҳаммад Ризобек мадрасалари бунёд этилди.

Ўрганилаётган даврда хонликлар хўжалик ҳаётининг айрим соҳаларида жонланиш юз берди: каналлар қазилиб янги ерларга сув чиқарилди, ҳунармандчилик, тўқимачилик, қулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бир мунча ўди, ички ва ташки савдо (айниқса Ҳиндистон, Эрон, Волга бўйи, Сибир, Қашқар, Россия билан) ривожланди. Хонликларнинг маданий ва иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгаришлар сиёсий-ҳуқуқий фикрларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, албатта.

Сиёсий барқарорсизлик, тарқоқчилик ва ўзаро урушларнинг, ижтимоий зулмнинг кучайиши XVII-XVIII асрларда меҳнаткашлар оммасининг — деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар аҳволининг янада оғирлашувига олиб келди. Бу эса ҳукмрон доиралар билан меҳнаткаш халқ ўртасида зиддиятни янада кескинлашувига олиб келди. Меҳнаткашлар оммасининг жамиятнинг ҳукмрон доираларига, уларнинг манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий-ҳуқуқий тартиб ва қоидаларига қарши норозилиги кучайди. Хонликларда меҳнаткаш халқнинг бир неча маротаба норозилик қўзғолонлари бўлиб ўтди.

Ҳукмрон доиралар билан меҳнаткашлар оммаси ўртасида тоббра кескинлашиб бораётган кураш сиёсий-ҳуқуқий мафкурада ҳам ўз ифодасини топди. XVII-XVIII асрларда Ўзбекистон ҳудудида сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг икки оқими: хонлар, беклар, йирик ер эгалари ва руҳонийлар манфаатларини ифодаловчи ҳукмрон, расмий сиёсий-ҳуқуқий мафкура ва кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифодаловчи илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкура шаклланди.

Расмий сиёсий-ҳуқуқий мафкура вакиллари мутаассиб руҳонийлар, сарой шоирлари ва тарихчилари меҳнаткашлар онгига ижтимоий тенгсизлик, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий тартибларнинг абадий ўзгармаслиги ҳақидаги ғояларни сингдиришга ҳаракат қилгандар. Улар хон — худонинг ердаги сояси, ҳокимият унга худо томонидан берилган, шунинг учун ҳам унинг ҳокимияти чекланмагандир, у ўз фуқароларининг ҳаёти ва мулкининг тӯла хўжайинидир, фуқаро ҳукмдорга, мамлакатда жорий этилган тартибларга сўзсиз бўйсуниши шарт, мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат динсизликди, бундай ҳаракатни содир қилган шахс бу

дунёда ҳам, у дунёда ҳам энг оғир жазога сазовордир, деган ғояларни тарғиб қилиш билан шуғулланганлар. Ҳукмрон мафкура вакиллари меҳнаткашлар оммасини тақдирга тан бериб, мавжуд тартибга бўйсунишга, ўз ҳукмдорларига сидқидилдан хизмат қилишга чақирганлар. Улар ўзлари яшаб турган жамиятни, унинг давлатини, ҳуқуқини, давлат бошлиқлари ва уларнинг атрофидаги амалдорларни энг адолатли, инсонпарвар ва халқпарвар қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Ҳукмрон мафкура вакилларининг мақсади мавжуд тузумни ҳар қандай норозиликларидан, таҳдидлардан ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий тартибларни абадийлаштириш ва уларнинг ўзгармас, мустаҳкам, енгилмас эканлигини меҳнаткашлар онгига сингдиришдан иборат эди.

2. Илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий фикрлар

Ҳукмрон мафкурага қарама-қарши бўлган демократик мафкура вакиллари эса ўз асарларида мавжуд тузумнинг иллатларини фош қилиб ташлашга, ҳукмрон доираларнинг олиб бораётган сиёсатининг меҳнаткаш халқ оммасининг манфаатларига зид эканлигини, унинг зўравонлик, талончилик, босқинчлилик сиёсати эканлигини исботлашга, жабрзулмга асосланган тузумнинг абадий эмаслигини ва уни ўзгартириш йўлларини ўз имкониятлари доирасида кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

XVII-XVIII асрлардаги илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг шаклланиши ва ривожланишида Турди Фароғий, Сайдо Насафий, Бобораҳим Машраб, Хўжа Самандар Термезий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби мутафаккирлар муҳим роль ўйнаганлар.

Турди **Фароғий** — XVII асрда Бухоро хонлигига яшаб ижод этган шоир, ижтимоий-сиёсий фикрнинг кўзга кўринган вакили бўлиб, у мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтади: ўзбекларнинг "юз" уруғ бошлиқларидан бирининг хонадонида туғилди. Турди аввал мактабда, сўнг мадрасада таҳсил кўриб, ўз фаолиятининг дастлабки даврларида сарой шоирлари билан яқин алоқада бўлади. Кейинчалик Субхонқулихонга (1681—1701) қарши бош кўтарган исёнчилар қаторига ўтиб кетади.

Турди ўз ижодининг дастлабки даврида ҳукмдорларга бағишилаб мадҳиялар ёзади. XYII асрнинг 80-йилларидан бошлаб, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари кескин танқидий тус олади.

Турди асарлари у яшаб ижод этган жамият ва унинг сиёсий қонун-қоидаларини қаттиқ таңқид қилиш руҳи билан суғорилгандир. У ўзи яшаган жамиятда яхшилик, күрсандчилик, тинчлик, осойишталик, ҳақиқат, адолат, кишилар ўртасида ўзаро ишонч, иззат-ҳурмат йўқлигидан, унда фақат жаҳолат, адолатсизлик, талончилик, босқинчилик, ўзбошимчалик, қонунсизлик, жабр-зулм ҳукмронлик қилишидан нолийди. Турди тенгсизликни, жабр-зулмни, бойлик кетидан қувиш, зеб-зийнат, айш-ишрат каби иллатларни кескин қоралайди.

У ўзи яшаб турган жамият аъзоларининг бой ва камбағалларга бўлинганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эди. Турдининг фикрича, жамиятдаги барча иллатларнинг асосий сабаблари хон ва унинг амалдорларидир. Хон барча ёвузлик, адолатсизлик, қонунсизлик, золимликларнинг сардори, унинг амалдорлари эса бу борада давлат бошлигидан қолишмайди; улар фақат ўзларининг шахсий манфаатларини, бойлик ортиришни ўйладилар. Ўзларининг бу мақсадларини амалга ошириш учун улар ҳалқни талайдилар, қонунсизликка йўл қўядилар, порахўрлик билан шуғулланадилар, мансабларини сунистсемол қиласдилар, ҳалқ ва мамлакат ободончилиги ҳақида заррача ҳам ўйламайдилар: "Аждаҳодек порага турмуш очиб оғзини, юртдин йўқ хабари барчасининг фикри тамоқ".

Турди ўз замонасидаги хон ва унинг амалдорларининг ҳалқа қаратилган талончилик, босқинчилик сиёсатини англаб етган эди: "Фуқаро бўлди бу шоҳ (Субхонқулихон — Ж. Т.) асрида кўп зору наҳиф, зулмдин бўлди раият элиним, хору заиф"¹.

Турдининг фикрича, у яшаб турган мамлакатда жабр-зулм, зўравонлик, адолатсизлик ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, меҳнаткаш ҳалқ бошқа чидай олмай, у ўз эркини қўлга олишга интилмоғи лозим. Бунинг бирдан-бир йўли адолатли, маърифатли шоҳ бошчилигидаги давлат тузумини жорий қилишdir. Шундагина мамлакатда тинчлик-осойишталик, адолат, ҳақиқат тантана қиласди, ҳалқнинг қорни нонга тўяди, усти бутун бўлади, давлатни ва жамиятни бошқаришга донолар, ҳалқпарвар кишилар жалб қилинади, мамлакат ва ҳалқ фаровонлиги таъминланади.

¹ Турди. Танланган асарлар. Тошкент, Ўззадабийнашр, 1958, 34-бет.

² Турди. Танланган асарлар, 35-бет.

Шоир ўзаро урушларни, таҳт учун талашларни, жанжалларни қаттиқ қоралайди, барча ўзбек қабилаларининг ягона қонун-қоида асосида бирлашиши зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Сайидо Насафий. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида Бухорода яшаб ижод этган Сайидо Насафий Ўзбекистондаги илғор сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган мутафаккирдир. Сайидо Насафийнинг ҳаёти ва амалий фаолияти ҳақида бизга жуда ҳам оз маълумотлар етиб келган. Биз унинг XVII асрнинг иккинчи ярмида Қарши шаҳрига яқин жойда камбағал оиласда таваллуд топгани, кейин Бухоро шаҳрида ўқигани ва яшагани, дастлабки даврларда Бухоро хонлигининг айрим мансабдорлари билан яқин алоқада бўлгани, ҳатто Абдулазизхон ва Субхонқулихонларга бағишлиб қасидалар ёзгани, 1707-1711 йиллар орасида Бухорода вафот этгани ҳақида маълумотларга эгамиз, холос.

Сайидо Насафий тарихга меҳнаткаш халқнинг, биринчи навбатда, ҳунармандларнинг раҳнамоси сифатида танилган бўлиб, ана шу ижтимоий табақанинг нуқтаи назаридан туриб ҳукмрон доираларга, мавжуд сиёсий-ҳуқуқий тартибларга, адолатсизликка, ҳукмдорларнинг олиб бораётган сиёсатига, ижтимоий тенгсизликка қарши ўз норозилигини билдиради. Мулкий тенгсизликни, бойлик орқасидан қувишни қаттиқ танқид остига олиб, ҳукмдорларни жоҳилликда, ёвузликда, талончиликда, қонунсизликда, адолатсизликда айблайди, меҳнаткашлар оммасининг ҳуқуқсизлигини, қашшоқлигини, жабр-зулм остида азоб чекаётганлигини кўрсатади.

Давлат бошлиғи ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабат масаласига Сайидо алоҳида эътибор беради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, шоҳ ҳокимиятининг таянчи — халқдир. Халқсиз ҳукмдор бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлат бошлигининг асосий вазифаси — фуқарога ғамхўрлик қилиш, ўз мамлакатининг гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўришдир: "Ўз мамлакатининг ишларига ғамхўрлик қилмайдиган шоҳнинг, ўрмонда ётган ўлик арслондан фарқи йўқ"¹. Мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги йўлида ғамхўрлик қилмайдиган ҳукмроннинг ҳокимияти мустаҳкам була олмайди, узоқ яшай олмайди. Агар шоҳ ўз халқига зулм ўтказса, мамла-

¹ Сайидо Насафий. Асархойи мунтажаб. Душанбе, "Дониш", 1977, 477-бет.

катни вайрон қилса, халққа қарши сиёсат олиб борса, буннинг билан у ўз ҳокимиятининг ҳалокатини тезлаштиради.

Ҳамма мусибатлар, баҳтсизликлар ва ёвузликларнинг сабабчилари, Сайдонинг кўрсатишича, халқ меҳнати эвазига роҳат-фароғатда, айшу ишратда ҳаёт кечираётган ҳукмдорлардир. Унинг фикрича, бу золимлардан муруват, халқ ҳақида ғамхўрлик кутиш мумкин эмас, улар ҳозиргача халқни эзиб, талаб келди, агар улар ер юзидан супуриб ташланмас эканлар, бу разилликларини давом этираверадилар. Золимларни ер юзидан супуриб ташлашга қодир бўлган куч, Сайдонинг таъкидлашича, бу халқдир. Бу улкан вазифани халқ мустаҳкам иттифоққа бирлашган ҳолдагина бажариши мумкин. Чунки халқнинг қудрати иттифоқлик ва бирликдадир. Сайдо халқни очиқдан-очиқ ҳукмдорларга қарши курашга чақирмаса-да, уларга қарши курашиш учун ҳар ҳолда тайёр туриш керак деган фикрни илгари суради¹.

Сайдо ўзаро урушларни кескин қоралайди. Бу урушлар, мамлакатнинг вайронага айланиши ва халқнинг қашшоқлашиши ва хонавайрон бўлишининг асосий сабабларидан биридир. Урушлар иқтисод ва маданиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилади. Сайдо агар ўзаро урушларга чек қўйилмаса², инсоният ҳалокатга учрайди, деган фикрни илгари суради.

Бобораҳим Машраб. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларидаги ўзбек халқининг илфор ижтимоий-сиёсий фикрларининг яна бир вакили Бобораҳим Машрабдир. У 1640 йилда Намангандон Андижон қишлоғида бўзчи оиласида таваллуд топади. Унинг болалик йиллари Намангандон Андижонда ўтади. Машраб мактабда ўқиб хат-саводини чиқаради. Дастлаб мулло Бозор Охунд, кейин Мулло Офоқхўжа Эшонлардан сабоқ олади. Хурфикрлилиги, танқидий мулоҳазалари, канизакларидан бирига муҳаббат қўйгани учун Офоқхўжа Машрабни кофириликда айблаб, 1672 йилда ўз даргоҳидан қувиб юборади. Шу воқеадан сўнг Машраб баҳт ахтариб жуда кўп вилоят, шаҳар ва қишлоқларни кезади. Қаерда бўлмасин Машраб адолатсизлик, жабр-зулм, жаҳолатга қарши қаратилган шеърлари учун ҳукмрон доираларнинг таъқибига учрайди.

¹ Қаранг: Мирзаев А. Сайдо Насафий и его место в истории таджикской литературы. Сталиабад, Таджикгосиздат, 1954, 103-бет.

² Қаранг: Сайдо Насафий. Асархойи мунтахаб, 409-бет.

Машраб аштархонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бўлган Балх ҳокими Маҳмуд Қотоғоннинг буйруғига биноан 1711 йилда Қундуз шаҳрида дорга осиб ўлдирилади.

Машраб асарлари эркин фикрлилик руҳи билан суғорилган бўлиб, шоир ўз асарларида ёвузлик, жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонлик, ўзбошимчалик, фирибгарлик ва мунофиқликка қарши кескин фикрлар билдиради. Ижтимоий тенгсизлик, бойлик кетидан қувиш, таъмагирлик каби иллатларни аёвсиз фош қиласди.

Машраб асарларида жабр-зулм остида оч-яланғоч, ҳуқуқсиз, ҳимоясиз эзилаётган меҳнаткаш халқнинг noctor аҳволи холисона баён қилинади:

Дили тифи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдин ёра бўлгон халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлгон халқни кўрдим,
Мұхаббат даштида овора бўлгон халқни кўрдим,
Жунун түген этибдур ҳар бириси бехабар танҳо¹.

Машраб дин ниқоби остида ўз манфаатларини ўйлаб меҳнаткаш халқни талаётган муллалар, шайхлар, сайдиллар, зоҳидлар, мутаассибларнинг икки юзламачилигини, мунофиқлигини, очқузлигини қаттиқ танқид остига олади, уларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди.

Машраб меҳнаткашларга зулм ўтказаётган, талаётган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилаётган золим ҳукмдорларни, бадкор муфтиларни, қозиларни шафқатсиз танқид қиласди, уларни зўравонликда, ўзбошимчаликда, талончиликда, порахўрликда айблайди. Унинг фикрича, жамиятда бу золимлар сақланиб қолар экан, халқнинг жабр-зулмдан қутулиши, озодликка, фаровон ҳаётга эришиши амри маҳол. Машрабнинг таъкидлашича, халқни эзиш, унга зулм ўтказиш май ичгандан, Қуръон ва Маккага ўт қўйгандан ҳам оғир жиноятдир².

Дастлаб, Машраб подшоҳ, беклар ва уларнинг амалдорларига мурожаат қилиб, уларни ҳақиқатга, адолатга, раҳм-шафқатга, инсофга чақиради, уларнинг тӯғри, адолатли ўйл тутиши, халқ ва мамлакат фаровонлиги учун хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида орзу қиласди:

¹ Машраб. Девон, Тошкент, Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 309-бет.

² Қаранг: Машраб. "Стих Машраб", Литорг, изд. 1898, 46-бет.

Адолатли амирим, балки ҳоқоним деб, арз қилдим,
Бало кўброқ тегарда шоҳи султоним деб, арз қилдим,
Сўрар аҳволи зоримни Сулаймоним деб, арз қилдим,
Вужудим кишиварига мамлакатдоним деб, арз қилдим,
Йироқдин арз қилдим, тўшини кар қилди-ю кетти¹.

Ўзининг илтижоларини эътиборсиз қолдирилганини кўрган Машраб умидсизликка тушади. Жамиятда жабрзулм, ҳақсизлик, адолатсизлик кундан-кунга авжига чиқаётганлигини алам билан ёзди, дунёнинг ноз-неъматларига қизиқмаслик, тарки дунёчиликка берилади.

Хўжа Самандар Термезий. XVII асрда Ўзбекистондаги сиёсий фикрлар тарихида сезиларли из қолдирган шоир ва тарихчи — Хўжа Самандар Термезийдир. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизга жуда кам маълумот етиб келган. Шунингдек, шоирнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳам бизга маълум эмас. Ҳозирча бизга Термезийнинг узоқ вақт дарвеш сифатида саёҳат қилгани, Қарши шаҳрида яшагани ва бу ерда икки марта шаҳар раиси лавозимига тайинланганлиги, Абдул Азизхон (1645-1680) ва Субхонқулихон (1680-1702)ларнинг ҳарбий юришларида иштирок этганлиги маълум. Бизгача Термезийнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий қарашлари баён қилинган "Дастур-ал-мулук" ("Ҳукмдорларга насиҳат") номли асари стиб келган.

Давлатнинг келиб чиқиши масаласида Термезий ҳукмрон мафкура — ислом доирасидан четга чиқа олмаган эди. Унинг фикрича, подшоҳга ҳокимият худо томонидан берилган, подшоҳ худонинг ердаги вакили, сояси. Инсоннинг, шу жумладан, подшоҳнинг тақдири, келажаги худо томонидан белгиланган. Худонинг ёрдамида ўткир ақл ва кучли иқтидор эвазига бахт-саодатга эришиш мумкин. Подшоҳнинг оддий инсонлардан фарқи шундаки, у фақат ўз тақдири, осойишталиги, бахт-саодати тўғрисида ўйлаш билан чекланиб қолмасдан, бутун мамлакатнинг, аҳолининг тақдири ҳақида қайғуриши лозим. Лекин ҳар қандай киши ҳам ҳокимият эгаси бўла олмайди. Раҳбарлик қилиш ва ҳокимиятга эга бўлишга ҳар қандай қийинчилкларни енгишга ва халқ осойишталигини таъминлашга қодир бўлган кишигина лойиқдир.

Подшоҳлик қилиш, мамлакатни бошқариш Термезийнинг кўрсатишича, ниҳоятда мураккаб вазифа. Бу вазифани фақат адолатли ҳукмдоргина улдалай олиши мумкин.

¹ Машраб. Декр. 200-бет.

Умуман, адолат ҳокимиятни амалга ошириш, бошқарувнинг асосий қоидасини ташкил қилмоғи лозим. Агар "адолат чироғи" бутун мамлакатни бирдай ёритмас экан "зўравонлик зимиstonи" мамлакатни қоплайди. Подшоҳнинг мақтовор сазовор бўлган хусусияти унинг адолатлилигидир. Агар подшоҳ адолатсиз бўлса, зўравонлик авжига чиқади, мамлакат инқирозга учрайди. Шунинг учун, биринчидан, подшоҳнинг ўзи адолатли бўлмоғи, иккинчидан, барча мансабдор шахслардан адолатлиликни талаб қилмоғи лозим. Акс ҳолда, адолат талабгорларнинг исёни подшоҳни таҳтдан афдаради¹.

Термезийнинг таъкидлашича, бошқарувда қатъий тартиб ўрнатиш орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш мумкин. Мамлакатни бошқариш қатъий қонун асосида амалга оширилмоғи лозим. Акс ҳолда бутун олам асосларига птуретади.

Подшоҳнинг асосий вазифаларидан бири мамлакат аҳволидан доимо хабардор бўлиш ва халққа ғамхўрлик қилишдир. Агар подшоҳ халққа ғамхўрлик қилишдан, мамлакатни душманлардан ҳимоя қилишдан, жабр-зулмга барҳам беришдан бош тортиб, айш-ишратга берилиб кетса, унинг қўлидан ҳокимиятнинг кетиши муқаррардир.

Термезий подшоҳ билан фуқаро ўртасидаги муносабат масаласига алоҳида эътибор беради. Унинг ёзишича, подшоҳ шифокор бўлса, фуқаро даволанувчидир. Агар касал ўзининг дардини шифокорга тўлиғича баён қилмаса, унинг касаллигини шифокор аниқлай олмайди. Натижада касал киши даволанмайди. Шунинг учун фуқарога ўзининг ариза, шикоятини аниқ баён қилиш имконияти яратилмоғи лозим. Подшоҳ фуқаронинг ариза, шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб тегишли чора кўриши керак. Подшоҳ мамлакатда шундай тартиб жорий қилиши лозимки, токи ҳеч ким бошқа бир кишининг ҳаётига, манфаатларига, мулкига ва ҳуқуқларига тажовуз қила олмасин, зўравонлик ва адолатсизликка барҳам берилсин.

Термезийнинг таъкидлашича, худо олий ахлоқли кишиларни яхши кўради ва эзгулик ишларни қўллаб-қувватлади. Шунинг учун ҳам олий ахлоқий фазилатлар соҳиби эътиборга лойиқ, ҳурматга сазовор бўлиши мумкин. Давлатни бошқариш мураккаб иш. Бу ишни ягона подшоҳнинг

¹ Қаранг: *Ходжа Самандар Термези*. Дастур ал-мулук. М., "Наука", 1971, 27-бет.

үзи уддалай олмайди. Албатта у ёрдамчиларга муҳтож бўлади. Подшоҳ давлатни бошқаришга виждонли, олиҳиммат, пок ва машҳур кишиларни жалб қилиши керак. Фақат ана шундай кишиларгина давлат сирини сақлашга, халқни ҳимоя қилишга қодирлар. Шунинг учун подшоҳ ўта ҳушёр бўлиб, давлатни бошқариш ишларига виждонсиз, маккор, пасткаш, разил, қабиҳ кишиларни яқинлаштирмаслиги ва ўз атрофига ишончли кишиларни тўпламоғи лозим. Чунки ишончли кишилар давлатни мустаҳкамлашга сидқидилдан хизмат қиласди. Подшоҳ қобилиятили кишиларни тарбиялашга ғамхўрлик қилиши лозим. Ҳамма вақт ва ҳар қандай ҳолатда зийрак ақл ва фикр инсон табиатига баҳо беришда адолатли ҳакамлик вазифасини ўтамоғи лозим. Подшоҳ давлатни бошқаришни амалга оширишда турли хизматчиларга муҳтож бўлади. Подшоҳ қанчалик даражада улуғ лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, шу нарсанни эсидан чиқармаслиги лозимки, ундан қўйида турувчи у ёки бу мансабдор шахс бевосита маълум бир муҳим давлат ишини бажаради. У ўз фаолиятини амалга оширишда давлатга фойда ёки зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам подшоҳ бирор кишини у ёки бу мансабга тайинлашда, унинг қобилиятини ҳисобга олиши керак.

Термезий жазолаш ва афв этиш масалаларига алоҳида эътибор беради. У подшоҳдан давлат хизматчиларига нисбатан ниҳоятда сабр-тоқатли бўлишни талаб қиласди. Термезийнинг фикрича, подшоҳ давлат хизматчиларини ҳар хил майда-чуйда салбий хатти-ҳаракатлари учун жазолашга шошилмаслиги керак. Ҳар бир хизматчининг айбини аниқлаб, узоқ фикр-мулоҳаза қилиб, кейин жазолаш ёки афв этиш масаласини ҳал қилмоғи керак.

Термезий бирор кишини у ёки бу жиноятни содир қилишда гумонсираб айблаб ва жазолашга кескин қарши чиқади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, ҳукм аниқ далилларга асосланиб чиқарилиши лозим.

"Дастур ал-мулук"да давлатлараро муносабатлар масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Термезийнинг фикрича, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатишда элчилар асосий ролни ўйнамоғи ва элчи танлаш масаласига подшоҳ алоҳида эътибор бермоғи лозим. Чунки элчи подшоҳнинг давлатлараро мулокотдаги "тилидир". Подшоҳ ҳукмдордан ранжиган, мулки мусодара қилинган, мансабдан бўшатилган, ўз фойдасини кўзлайдиган (подшоҳнинг зарари эвазига) кишини элчи қилиб тайинламаслиги керак.

Чунки бундай киши имконият вужудга келиши билан сотқинликка юз тутади, давлат сирини душманга ошкор қиласы¹. Шунинг учун әлчилик лавозимиға билимдон, тажрибали, довюрак, гапга уста, ақлли кишини тайинлаш керак. Элчи давлатлараро муносабатларни яхшилашда, душманларни дўстлаштиришда бутун билимини, қобилиятини ишга солиши даркор.

Термезий уруш ва тинчлик масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Мутафаккир умуман урушни инкор этмайди. Унинг фикрича, тинч ҳаётга қилинган ҳар қандай тажовузга қарши курашиш қонунийдир. Уруш даврида тинчликка интилиш, тинчлик даврида урушишга интилиш ақлли кишининг иши эмас. Ўз вақтида эълон қилинмаган уруш ҳам, тинчлик (сулҳ) ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди.

Подшоҳ ҳар доим мамлакатни душмандан ҳимоя қилишга тайёр бўлмоғи лозим. Бу вазифани бажариш учун у кучли қўшинга эга бўлиши керак. Қўшин етарли озиқовқат билан таъминланган бўлиши лозим. Ҳарбий бошлиқлар жасур, кучли кишилар бўлиши керак. Агар қўшинга раҳбарлик қилиш пасткаш, разил кишиларга юклатилса, мамлакат ичкарисида тўқнашувлар юз беришига олиб келади. Подшоҳ тинчлик даврида қўшин ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Ана шундагина бундай қўшин билан урушда ғалаба қилиш мумкин.

Мамлакатни бошқариш билан боғлиқ бўлган ишлар энг мураккаб ишлардир. Бу ишларни подшоҳнинг якка ўзи ҳал қила олмайди. Мазкур ишларни ҳал қилишда подшоҳ, Термезийнинг фикрича, донолар билан маслаҳатлашиб иш тутмоғи, оғир шароитда ва олдиндан кўзда тутилмаган воқсалар юз берганда албатта доно ва тажрибали кишилар билан маслаҳатлашмоғи шарт.

Подшоҳ давлат сирларини сақлашга алоҳида эътибор бермоғи лозим. Давлат сири, айниқса, ишончсиз дўстлардан ва душманлардан махфий сақланиши керак. Давлат сирининг душманларга ошкор бўлиши подшоҳ ҳокимиyatининг инқирозга йўл тутишига олиб келади.

Мирзо Абдулқодир Бедил — Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда илғор фикрларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган мутафаккир бўлиб, 1644 йилда Бенгалияниң Азимобод шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида

¹ Қаранг: Ҳоджа Самандар Термези, 40-41-бетлар.

дунёга келди. Бедил дастлаб мактабда хат-саводини чиқаради, сўнг мадрасада ўқиши давом эттиради. Мадраса тълимидан қониқмаган Бедил ўқиши тугалламасдан у ердан кетишга мажбур бўлади ва Бедил шайх Камол, Шофозил, Мирзо Абдулқосим каби олимлардан сабоқ олади. Кейинчалик Бедил маълум бир вақт мобайнида Ҳиндистонда кенг тарқалган дарвешлик ҳаракатида қатнашади. Бирмунча вақт у ҳарбий хизматда ҳам бўлади. Ҳарбий хизматдан кетгандан сўнг Бедил умрининг охирига қадар фан ва адабиёт билан шуғулланади. Мирзо Бедил 1721 йилда Деҳли шаҳрида вафот этади.

Мирзо Бедил ўзидан бой адабий, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий мерос қолдирди. Бедил Ҳиндистонда яшаб ижод қилган бўлса-да, унинг меросининг таъсири Ўрта Осиёда жуда ҳам кучли бўлган. Бу ерда XVII-XVIII асрларда Бедил таълимотини ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланувчи "бедилчилик" номи билан тарихга кирган таъсирчан фалсафий ва ижтимоий-сиёсий оқим шаклланаади. XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган шоир, файласуфлар учун Бедилнинг асарлари муҳим маънавий манба сифатида хизмат қиласи.

Бедилнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари асосан унинг "Ирфон" ("Билим") деб номланган асарида баён қилинган. Мутафаккирнинг давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари унинг ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Бедилнинг фикрича, кишилик жамияти ўз тараққиётидан бир неча босқичларни босиб ўтади. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида меҳнат тақсимоти, бойлар ва камбағаллар, эзувчилар ва эзилувчилар, ҳукмдор ва маҳкумлар бўлмаган. Улар кишилик жамияти тараққиётининг кейинги босқичларида вужудга келган. Одамлар, Бедилнинг фикрича, дастлабки даврларда тарқоқ ҳолда, кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Инсон ҳар қандай тирик организм каби озиқ-овқатсиз ҳаёт кечира олмайди. Бу эса инсонни яшаш учун зарур бўлган ноз-неъматларни ишлаб чиқариш устида ўйлашга мажбур қиласи. Кишилар ўзларига зарур бўлган озиқ-овқатларни топиш йўлларини қидира бошлайдилар. Аста-секин улар деҳқончилик маҳсулотларини, биринчи навбатда, ғалла етиширишни ўрганадилар. Бу одамлар турмушининг бирмунча яхшилашишига олиб келади. Лекин бундай яхши ҳаёт узоқ давом этмайди. Нонга олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни айирбошловчи (алмаштирувчи) кишилар — ҳунармандлар, савдогарлар ва қимматбаҳо металларни қидирувчилар, шу-

нингдек, ўзларининг дуоларини нонга айирбош қилувчилар — коҳинлар ва тиламчилар пайдо бўлдилар. Бора-бора бекорчи, ахлоқсиз, беадаб кишилар пайдо бўлиб, улар моддий неъматларни ишлаб чиқаришда иштирок этмасдан, деҳқонлар стиштирган маҳсулотларининг бир қисмини ўзлаштира бошлайдилар. Улардан ўрнак оловчилар пайдо бўла бошлайди. Шундай қилиб, талончилик ва босқинчилик билан шуғулланувчилар пайдо бўлди. Бунинг натижасида айрим кишилар бошқаларга нисабатан бойроқ бўлиб қолдилар. Сўнгра бойлар ўз мулкларини босқинчилар ва талончилардан ҳимоя қилиш, бошқаларнинг бойликлари ва ерларини босиб олиш мақсадида ҳарбий қисмлар ташкил қилдилар. Аста-секин кишилар ўртасида уруш бошланиб кетди. Урушда айрим кишилар бошқалар устидан ғалабага эришдилар. Ғолиблар мағлубиятга учраганлар устидан ҳукмронлик қила бошладилар. Очкӯзлик, бойлик кетидан қувиш, бошқалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилиш давлатнинг пайдо бўлишига олиб келди: "Ҳар тарафда аскарлар ташкил топди, ерларни босиб олиш ва одамларни эзиш бошланди... бир-бирларига қарши курашлар, енгилиш ва ғалабалар бошланиб кетди: ҳокимлик тилаги камолга етди — салтанат, яъни давлат келиб чиқди"¹. Лекин бу давлат ҳали кичик ва қурдатсиз эди. Йирик ва кучли давлатнинг ташкил топиши мулкий тенгсизликнинг чуқурлашуви билан боғлиқ. Мулкий тенгсизликнинг дастлабки сабаби Бедилнинг фикрича, деҳқонларнинг бойликларини ва уларга тегишли бўлган ерларни айрим кишилар томонидан босиб олинишидир. Мулкий тенгсизликнинг чуқурлашуви эса кишилар якка ҳукмдорга бўйсuna бошлаши билан боғлиқ: "Мамлакат тартиби маҳкам бўлди, шахслар қўлида бойликлар тўпланди. Юқори табақаларнинг ерларини деҳқонлар ҳайдаб экадилар. Подшоҳлар иқболи мана шундай ўйнади. Султонларнинг мағрурлиги деҳқонларнинг оғир аҳволларидан келиб чиқди"². Бу жамиятдаги ҳукмрон доиралар ўртасида курашнинг кескинлашувига, подшоҳ қўлида бойликтининг тўпланишига ва унинг ҳокимиётининг кучайишига олиб келди. Бедил бу ҳақда шундай деб ёзди: "Фиръавн ва намурдларнинг ҳаракатлари ҳар томонга ёйилди. Ғафлат

¹ Материалы по истории прогрессивной общественного-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, "Фан" 1976, 515-бет.

² Уни жойда.

қандай ҳаракатларни қилмади! Кумуш ва олтин ўлжа қилиш нималарни юзага чиқармади! Бекорга ҳашаматли бинолар солиш ва худолик даъвосини қилишилик муфт иш бўлиб қолди. Хирс қийнаб адл номини олди, у ўзини деҳқонларнинг ҳомийси қилиб кўрсатди. Деҳқонга ҳеч ким ситам қилмасин, яъни подшоҳ молидан олмасин, деди. Маъмурлик ҳаракати шу даражага бориб стдики, деҳқон ўз ерига мардикор бўлиб қолди¹.

Бедилнинг таъкидлашича, йирик давлатнинг ташкил топиши мамлакатда маълум бир даражада тинчлик ўрнатишга олиб келган бўлса-да, деҳқонларнинг аҳволини яхшиламади, аксинча уларнинг аҳволини оғирлаштириди. Подшоҳлар ғараз мақсадларда, ўз қўлларида имконияти борича янада кўпроқ бойлик тўплаш ниятида деҳқонларни бошқалар томонидан эзишни тақиқлади.

Ўзи яшаб турган жамият аъзолари Бедил иккита катта гуруҳга: эзувчилар ва эзилувчиларга бўлинганилиги ҳақидағи фикрни илгари суради. Биринчи гуруҳга подшоҳлар, амалдорлар ва бойларни киритади. Иккинчи гуруҳ деҳқонлар, ҳунармандлар, фан ва санъат арбоблари, савдогарларни бирлаштиради. Мутафаккир биринчи гуруҳга мансуб бўлган кишиларга нисбатан ўзининг ўта салбий муносабатини билдиради. Уларни моддий неъматларни яратувчи меҳнаткашларни эзишда, золимликда, талончиликда айблайди.

Бедил меҳнаткашлар оммасининг, биринчи навбатда, деҳқонларнинг оташин ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Деҳқонлар, мутафаккирнинг таъбирича, энг олий ҳурматга сазовор кишилардир. Чунки улар бутун жамият аъзоларининг боқувчилариdir. Бутун жамият уларнинг сахийлиги олдида қарздордир. Аммо улар жамиятда энг ҳурматли бўлиш ўрнига жабр-зулм, зўравонлик, стишмовчилик, очлик, қашшоқлик, адолатсизлик қурбони бўлмоқда. Деҳқонларнинг бундай ачинарли аҳволда бўлишининг сабаби, Бедилнинг фикрича, бир томондан подшоҳлар, уларнинг амалдорлари, бойлар бўлса, иккинчи томондан, золимларга сўзсиз итоат қилувчи, уларнинг хоҳиш-истагини ҳеч қаршиликсиз бажарувчи заиф ва ноуддабурон уларнинг ўзларидир.

Бедил ҳалқ билан ҳокимиёт ўртасидаги муносабат ма-саласига алоҳида эътибор беради. Бедилнинг тасаввурicha,

¹ Материалы по истории..., 515-бет.

подшоҳ ҳокимиятининг асосини халқ ташкил қиласи. Ўз халқига ғамхўрлик қилувчи, кучсизлар ва эзилувчиларни ҳимоясига олувчи давлат бошлигининг ҳокимияти мустаҳкам, абадий яшайди. Бунинг акси бўлган ҳукмдор мамлакатни узоқ бошқара олмайди, унинг ҳокимияти мустаҳкам ва абадий эмас.

Бедил асарларида эзилган халқни очиқдан-очиқ эзилувчилар, золимларга қарши курашга ундиайдиган чақириқ йўқ. Лекин мутафаккирнинг бир рубоийсида (тўғридан-тўғри эмас, балки кинояли шаклда) эзилувчиларнинг ўз золимларига қарши фаол курашиши зарурлиги ҳақидаги фикр илгари сурилган:

Ожизни эзмоқда золими иркит
Қонли либос кияр бир қонхўр тахлит.
Тошюракка даҳшат бўлсин шиоринг,
Қизиган темирни темира иргит¹.

Бедил шарқ сиёсий фикрларининг илғор анъаналарини давом эттириб, давлатни бошқаришнинг энг яхши шакли сифатида доно, адолатли ва комил ҳукмдор бошчилигидаги маърифатли монархияни ёқлаб чиқди. Мутафаккирнинг фикрича, фақат юксак билимга, ақл-заковатга ва илм-фанга асосланиб, давлатни бошқарувчи адолатли давлат бошлиғигина зулм, жаҳолат, ўзбошимчалик, зўравонликка барҳам бериши, мамлакатнинг осойишталигини, халқнинг фаровонлигини, илм-фаннинг, деҳқончиликнинг, ҳунармандчиликнинг, савдо-сотиқнинг ривожланишини таъминлаши, тинчлик ва адолат ўрнатиши, халқни талончилар ва золимлардан ҳимоя қилиши, одил судловнинг тантана қилиши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

Бедилнинг "Ирфон" номли асарида, билвосита бўлса-да, марказлашган кучли давлатни ташкил қилиш ғояси илгари сурилган. Бундай давлатни ташкил этиш, мутафаккирнинг фикрича, маърифатли монарх ҳокимиятини мустаҳкамлаш имкониятини беради, тинчликни таъминлайди. Бунинг билан марказлашган кучли давлат мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти учун шарт-шароит яратади.

Илғор демократик мафкура вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига умумий якун ясад, шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, улар мустабидлик, зўравонлик,

¹ M. A. Бедил. Рубоийлар. Тошкент, Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 91-бет.

ўзаро урушлар, жабр-зулм, адолатсизлик жамият ҳаётининг оддий қоидасига айланган даврда бу иллатларга қарши ўз имкониятлари доирасида кураш олиб бордилар, жамиятни, давлатни, халқни ҳалокатга олиб бораётган бу иллатларнинг сабабларини қидириб топишга, уларга барҳам бериш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Турди, Насафий, Машраб, Термезий, Бедиллар ўз асарларида тинчлик, осойишталик, адолат, тенглик, эркинлик, меҳр-шафқат, биродарлик, ҳамкорлик каби умуминсоний қадриятларни тараппаним этдилар. Улар халқ билан давлат ўртасидаги муносабатлар, қонунийлик, марказлашган давлатни ташкил қилиш, давлат бошлиғи ва мансабдор шахсларнинг халқقا бўлган муносабатлари, кадрларни танлаш мезонлари билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ўртага қўйдилар ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Буюк аждодларимиз томонидан илгари сурилган бу гоялар фақат улар яшаб ижод этган давр учун аҳамият касб этибгина қолмасдан, ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз улардан ўзимизнинг миллий сиёсий-ҳуқуқий мафкурамизни шакллантиришда назарий манба сифатида фойдалансак айни муддао бўлади.

XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ФИКРЛАР

1. Ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура

XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий ва маънавий ҳаёти турли ижтимоий гуруҳлар, бу ерда мавжуд бўлган учта хонлик ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг янада кескинлашуви билан характерланади. Бу даврда хонликларнинг иқтисодий ҳаётида феодал-патриархал, айрим ҳудудларда ҳатто уруғчилик тузуми асоратлари таъсири кучли бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари тўла ҳукмронлик қиласади. Ижтимоий ҳаётда иккита асосий гуруҳ йирик ер эгалари, чорвадорлар, қабила ва уруғлар бошлиқлари, мусулмон руҳонийларидан иборат ҳукмдорлар ва деҳқонлар, ҳунармандлардан ташкил топган мазлумлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кескинлашиб боради. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, хонлар, амирлар, беклар ва бошқа амалдорларнинг зўравонлиги, адолатсизлиги, жабр-зулмидан ва беҳисоб солиқлардан азоб чекаётган, сабр косаси тўлган меҳнаткаш халқ ўз ҳукмдорларига қарши Марвда, Каркида, Миёнқолда, Қўқонда қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолонлар ҳукмрон доиралар томонидан ўта қаттиққўллик билан бостирилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларида бир оз ўсиш юз берган бўлса-да, Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлмади. Хонликлarda пахта, ғалла, мева-сабзавотлар етиштириш, ипакчилик, тўқимачилик, ҳунармандчилик соҳаларида айрим ютуқларга эришилди. Бу даврда Қоратегин ва Фарғонада олтин, Ўратепа, Андижон, Бухоро, Шайхжалил тоғларида (Хоразм), Кўҳитандарё водийсида қўрғошин ва кумуш, Қоратовда, Чирчиқ дарёси бўйларида, Лаълином атрофига (Фарғона), Ҳисор ва Бойсунда темир, Қаршида, кўҳна Урганчда, Жумабозорда, Ўратепада ва Чинозда селитра, Қўқонда нефть, Бухорода кўмир, новшадил, аччиқтош ва тўтиё қазиб чиқарилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўрганилаётган даврда суғориш

иншоотлари қуриш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Тошкент вилоятида Хонариқ, Фарғонада Улуғнор (тұғриси: Улуғнахр), Хивада Қиличиңиәзбөй, Хонбод каналлари қазилиб ишга туширилди. Бу даврда хонликларда ички савдо, улар билан Россиянинг Марказий шаҳарлари, Сибирь, Урал ва Волга бўйидаги шаҳарлари ўртасидаги ташқи савдо алоқалари бирмунча ривожланди. Ҳунармандчилик, тўқимачилик, ички ва ташқи савдода оз бўлсада юз берган ўсиш Шеробод, Каттақўрғон, Чимкент, Қўқон, Наманган, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарларининг кенгайишига, аҳолисининг ўсишига, маданиятининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг сиёсий-ҳуқуқий тузумида деярли ўзгариш юз бермади. Бу даврда XVIII асрда амалда бўлган сиёсий-ҳуқуқий институтлар асосан сақланиб қолди. Фақат айрим мансабдор шахсларнинг ваколатлари кенгайтирилди, баъзиларники эса чекланди. Жумладан, XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Хива хонлигига қушбегининг роли ошди. У бевосита хоннинг ўзидан фармойиш оладиган, хонликнинг жанубий қисмидаги аҳолини бошқарадиган бўлди. Қушбегидан кейинги мансабдор меҳтар бўлиб, унга хонликнинг шимолий қисмини бошқариш юклатилди. Бу даврга келиб, иноқ (амир буйругини етказиш, амир номига келган хатларни ўқиб эшитгириш билан шуғулланувчи лавозимли шахс) ўз ролини йўқотди. Хонлик маҳаллий округларга бўлинниб, уларни бошқариш ҳокимлар, баъзан эса қозиларга юклатиладиган бўлди. Қўқон хонлигига Шералихон даврида (1842-1845 йиллар) амир лашкар (бош қўмондон) ва мингбоши (биринчи вазир) вазифалари бир кишига Мусулмонқулга юклатилди. У Қўқон ҳарбий гарнizonини қипчоқ йигитларидан тузади, давлат аппаратидаги муҳим лавозимларга қипчоқларни тайинлаб, бутун ҳокимиётни ўз қўлига олади. Бу оқибат натижада хоннинг қипчоқлар қўлида қўғирчоққа айланишига олиб келади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида маданият, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида маълум бир ютуқларга эришилди. Бу даврда Муҳаммад Ёқубнинг "Гулшан-ул-мулук", Муҳаммад Мир Олимнинг "Тарихи амир Насрулло", Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифларнинг "Тарихи амир Ҳайдар", Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг "Мунтажабут таворих", Мулла Аваз Муҳаммаднинг "Тарихи Жаҳоннумойи", Мул-

ла Ниёз Муҳаммаднинг "Тарихи Шоҳруҳи" каби асарлари яратилди. Бу даврда хонликларнинг йирик шаҳарларида маъмурий бинолар, мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, бозорлар, расталар қурилди. Бу бинолар ўзининг жимжимадорлиги, рангдорлиги, нағислиги, гўзаллиги билан бошқа даврларда қурилган бинолардан ажралиб туради.

Юқорида баён қилинган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий муҳит таъсири остида сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг асосий оқимлари шаклланди. XIX асрнинг биринчи ярмида сиёсий-ҳуқуқий фикр асосий оқимларининг вакиллари XVII-XVIII асрлардаги ўзларининг ўтмишдошларининг фикрларини давом эттирудилар, уларни янги ғоялар билан бойитдилар.

Ҳукмрон сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг вакиллари Султонхон Тўра, Адо, Фазлий, Намангоний, Мулло Ниёз-муҳаммад Мунший, Мулло Нужон Холис ва бошқалар мавжуд ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий тузумни, тартибларни идеаллаштиришга, ўткир ижтимоий зиддиятларни, қашшоқлик ва азоб-уқубатларни кўриб-билиб, кўрмасликка олишга ҳаракат қиласар эдилар: бойлар билан камбағалларни келиштириш сиёсатини, тақдирнинг азалдан худо томонидан белгиланганлиги ҳақидаги ғояни халқ оммаси онгига сингдиришга ҳаракат қиласар эдилар.

Ҳукмрон мафкура вакиллари хонлар ва амирларга мадҳиялар ўқир, уларни кўкларга кўтариб мақтар, мулкдорлар ҳокимияти асосларини ҳар томонлама ҳимоя қиласар, бу ҳокимиятни барқарор ва абадий деб исботлашга уринар, ўз ҳукмдорларини адолатпарвар ва халқпарвар қилиб кўрсатар, меҳнаткаш аҳоли ўртасида мавжуд тартибларга ва ҳукмрон доираларга бўйсуниш ғояларини ташвиқ этиб, уларни сабр-тоқатли бўлишга, жабр-зулмга, қийинчиликларга, йўқчиликка чидамли бўлишга чақирав эдилар. Уларнинг асарлари меҳнаткаш халқнинг ўзининг аҳволини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатини, мавжуд тартибларни ўзгартириш ҳақидаги уринишларини, ижтимоий тараққиётни кескин қоралаш руҳи билан суғорилган эди.

Ҳукмрон мафкура оқибат натижасида меҳнаткаш халқ манфаатларига зид эди. Унинг асосий мақсади ўз даврини ўтаб бўлаётган тузумни, унинг сиёсий-ҳуқуқий институтларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиш, уларни ҳеч қандай ўзгаришларсиз сақлаб қолиш ва абадийлаштириш, шу йўл билан меҳнаткашлар оммасини итоатда тутиб

туриш, ҳукмрон гурухлар манфаатлари йўлида хизмат қилдириш эди.

2. Илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкура

Меҳнаткашлар оммаси билан ҳукмрон доиралар ўртасидаги кураш жараёнида шаклланган илғор демократик мафкура вакилларининг асарлари мавжуд тартибларни, давлат ва ҳуқуқни, ҳукмдорларнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини танқид қилиш руҳи билан суғорилган бўлиб, жабр-зулм ва ҳақсизликка чек қўйиш, сиёсий-ҳуқуқий институтларни ҳалқ манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, мамлакатда тинчлик, осойишталик, адолат, инсонпарварлик, ҳақиқат тантанасини таъминлашга қаратилган эди. Илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг XIX аср биринчи ярмида кўзга кўринган вакиллари Ҳозиқ, Гулханий, Мунис, Нодира, Махмур, Оғаҳийлар эди.

Жунайдулло Исломшайх ўғли Ҳозиқ — илғор демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган шоирдир. Ҳозиқ XVIII асрнинг охирида Ҳирот шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топди. У 1799—1800 йилларда Бухорога келади. Бу ерда сарой аҳллари билан келиша олмай, 1820 йилда Қўқонга келади. Аммо кўп ўтмай Ҳозиқ Хоразмга келиб, у Оллоқулихон (1825—1842) топшириғига биноан Мунис Хоразмий томонидан бошланган "Равзат-уссафо" таржимасини давом эттиради. Кейинчалик Ҳозиқ Хоразмдан Қўқонга қайтади. Бухоро амири Насруллохон 1842 йилда Қўқонни босиб олгач, Ҳозиқ унинг таъқибидан қочиб, Шаҳрисабзга келади. Амир Насрулло топшириғига биноан Ҳозиқ 1843 йилда Шаҳрисабзда ўлдирилади.

Ҳозиқ ҳаётининг бундай фожиали тугашига унинг ўзи яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий-сиёсий тартибларга, амир, хон ва уларнинг амалдорларига бўлган танқидий муносабатда бўлганлиги сабаб бўлди. Ҳозиқ асарларида текинхўрликка, очқўзликка, зўравонликка, талончиликка кескин қарши чиқади. Ноҳақлик, тенгсизлик, зулм ва бедодликнинг асосий сабабчилари бўлмиш хон, амир, беклар, амалдорлар, бойларни қаттиқ танқид остига олади ва уларнинг жирканч башараларини фош қилиб ташлайди.

Ҳозиқ сиёсий қарашлари учун хос бўлган муҳим ижобий аҳамият касб этувчи хусусиятлардан бири шундаки, у

моддий бойликтининг, жумладан, олтиннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ролини, асосан тўғри тушуниб етган эди. Шоирнинг қайд қилишича, олтин кундалик ҳаётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий кучдир.

Ҳокимиятнинг келиб чиқиши масаласига қарашда Ҳозиқ ислом мафкураси доирасидан чиқиб кета олмаган эди. Унинг фикрича, подшоҳ ҳокимияти худо томонидан тартиб-интизом жорий қилиш мақсадида ўрнатилган. Давлатнинг асосий мақсади фуқаронинг мол-мулкини, шахсини ва ҳаётини ўғри, талончи, босқинчилардан ҳимоя қилишдир. Шоҳнинг асосий вазифаси ҳалқ ғамини ейишдир. Ҳозиқнинг таъкидлашича: "Халқнинг молу жони сultonандир, агар бу нарса йўқолса, нуқсон бўлади".

Кўпчилик Шарқ мутафаккирлари каби Ҳозиқ шоҳларнинг адолатли, ҳалқпарвар бўлишига ишонган. Унинг фикрича, ҳалқсиз шоҳ бўлиши мумкин эмас, ҳалқ шоҳнинг асосий бойлиги — таянчидир, шунинг учун ҳам шоҳ ҳалқпарвар бўлиши керак, акс ҳолда унинг шон-шавкатига зарар етади.

Ҳозиқнинг фикрича, ҳалқ фаровонлигини ва мамлакат ободончилигини таъмин этиш учун биргина давлат бошлигининг одил, ишбилармон ва ҳалқпарвар бўлиши етарли эмас. Подшоҳ давлатни бошқариш ишларига ўзи каби адолатпарвар, ҳалқпарвар, ўз манфаатларидан ҳалқ манфаатларини юқори қўювчи доно кишиларни жалб қилиши ва улар билан маслаҳатлашиб иш юритиши керак.

Ўзаро феодал урушларнинг қонли оқибатларининг гувоҳи бўлган Ҳозиқ урушга кескин қарши чиқади. Унинг фикрича, давлат бошлигининг энг асосий вазифаларидан бири мамлакатда осоиишталик ўрнатишдир. Тинч-тотувлик ҳукм сураётган жойда урушни келтириб чиқаришга йўл қўймаслик ва ўзаро низоларни тинч йўллар билан ҳал қилишга ҳаракат қилиш зарур. Агар уруш бошланган бўлса, зудлик билан уни тўхтатиш чорасини кўриш лозим.

Муҳаммад Шариф Гулханий — XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида ижтимоий-сиссий фикрнинг кўзга кўринган вакилидир. Гулханий тахминан XVIII асрнинг 70-йилларида Қўйкон шаҳрида, камбағал оиласида дунёга

¹ Қаранг: А. Қаюмов. Қўйкон адабий муҳити. Тошкент, Ўзфанакаднашр, 1961, 156-бет.

² Қаранг: Ҳозиқ. Юсуф-Зулайҳо. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, 1064-варақ, 153-бет.

қилади. Унинг ҳаёти асосан Қўқон ва Наманганда ўтади. Матьлум бир давргача хон саройида навкарлик қилади, сунгра гулоҳлик қилиб ҳаёт кечиради.

Гулханий хон саройида хизмат қилган дастлабки йилларида Умархон салтанатини мақтаб, шеърлар ҳам ёзди. Кейинчалик саройдаги адолатсизликларнинг, меҳнаткашларга ўтказилаётган жабр-зулмнинг, ўзаро қонли урушларнинг бевосита гувоҳи бўлган Гулханийнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга бўлган қарашларида кескин ўзгариш юз беради.

Гулханий ўзининг "Зарбулмасал" номли асарида ўзи яшаб ижод этган жамиятнинг иллатларини фош қилиб ташлайди. Мазкур асарда жамиятдаги ҳукмрон доираларнинг хулқ-атвори, одоби, ўзаро муомалалари, алдоқчилиги, фирибгарлиги, ҳйила-найранглари, амалпараматлиги, молпаратлиги қаттиқ танқид остига олинади.

Ўрта Осиёнинг бошқа мутафаккирлари каби Гулханий мавжуд жамиятнинг сиёсий тизимини тубдан ўзgartириш масаласини қўймаган. Унинг фикрича, жамиятдаги иллатларнинг асосий сабабчиси мавжуд мулкчилик муносабатлари, улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган сиёсий-ҳуқуқий институтлар эмас, балки жоҳил, адолатсиз, очкӯз, талончи хонлар, беклар ва уларнинг амалдорларидир. Мамлакатнинг осойишталиги, ободончилиги, халқнинг фаровонлиги, Гулханийнинг кўрсатишича, уларни заррача ҳам қизиқтирамайди. Ҳукмрон доираларни қизиқтирадиган асосий нарса бойлик орттиришdir. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай пасткашликка тайёр. Гулханийнинг фикрича, феодал ҳукмдорлари олиб бораётган сиёсатнинг асосий мазмунини талончилик, босқинчилик ташкил қиласди. Бу сиёсатнинг барча қийинчиликлари, оғирликлари, меҳнаткашлар оммаси елкасига тушади. Гулханий мусулмон руҳонийларининг вакилларини қаттиқ танқид остига олади. Уларни нодонликда, саводсизликда, очкӯзликда, халқни алдашда, маккорликда, мақтандоқликда айблайди.

Ўзи яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий-сиёсий тартиблардан, уларнинг ҳимоячиси бўлган хонлар, беклар, амалдорлар, руҳонийлардан норози бўлган Гулханий адолатли жамият, давлат ҳақида орзу қиласди. Бунга эришининг бирдан-бир йўли, унинг фикрича, ҳокимиятни доно, адолатли, халқпарвар кишининг қўлига топширишdir. Бундай ҳукмдор ўз атрофига таъмагир, жоҳил, амалпарамат, мулкпариствларни йиғмай, балки уларни ҳокимиятдан четаштириши лозим. Адолатли подшоҳ давлатни бошқаришга

ўз манфаатларидан давлат, жамият, халқ манфаатларини устун қўювчи, билимдон, адолатли кишиларни жалб қилиши керак. У айниқса, ўзига ёрдамчилар танлаш масаласига алоҳида эътибор бермоғи лозим. Адолатли давлат бошлигининг учта ёрдамчиси — вазири бўлмоғи керак. Улардан бири билимдон, доно бўлиб, унга бошқаришни амалга оширишнинг тўғри йўлларини кўрсатиб бериш вазифаси юклатилади. Иккинчиси, тўғри фикрли киши бўлиб, унга давлат ишларини амалга ошириш, давлатнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қониқтириш билан боғлиқ бўлган чораларни кўришга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилади. Учинчи вазирга саройдаги ёзув-чизув, ҳисоб-китоб ишларига раҳбарлик қилиш юклатилади.

Гулханийнинг фикрича, агар давлат ишларига адолатли, билимдон, бойлик кетидан қувмайдиган, халқпарвар кишилар жалб қилинса, жамиятдаги барча иллатлар ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Мамлакатда тинчлик, осоишишталик, адолат қарор топади, меҳнаткаш халқнинг озод, фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратилади.

Мунис Хоразмий. Шоир, тарихчи, таржимон ва каллиграф, яъни хаттот Шермуҳаммад Авазбой ўғли Мунис Хоразмий XIX аср биринчи ярмида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган мутафаккирdir. Мунис 1778 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилди. У дастлабки маълумотни мактабда олди, сунгра ўқишини мадрасада давом эттирди. Юксак истеъдод эгаси бўлган Мунис форс, араб, туркий тилларни мукаммал эгаллади. Шарқ тарихи ва адабиётини зўр иштиёқ билан ўрганди. 1800 йилда Муниснинг отаси вафот этади. Отаси вафотидан кейин у Хива хонларининг саройида фармоннавис-котиблиқ, мироблик лавозимларида ишлайди. Мунис 1829 йилда вафот этади.

Ўз ижодининг дастлабки даврларида Мунис замона аҳлларидан адолат, халқ ҳақида ғамхўрлик кутади, уларни инсофга, раҳм-шафқатга чақиради, ҳатто уларнинг номига бағишлиланган қасидалар ёзади. Сарой ҳаёти билан яқиндан танишиш унинг умидларини пучга чиқаради. Лекин шунга қарамасдан Мунис адолат, халқпарварлик, ҳақгўйлик гояларини ўз замонаси ҳукмдорлари онгига сингдиришга ҳаракат қиласиди. Шоирнинг фикрича, жамият ва давлат хаётининг асосий қоидаси адолатлилик бўлмоғи керак. Адолат тантана қилган мамлакатдагина осоишишталик,

ҳукмдорлар билан халқ ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, келишувчилик бўлиши мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда, подшоҳ одил бўлмоғи керак. Шундагина халқ шоҳни ҳурмат қиласди, унга бўйсунади. Ўзининг бу фикрларини Мунис шундай баён қиласди:

Сабот истасанг мулк бунёдига,
Адолат била ет усул додига.

Адолатдин ўлди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк оройиши.

Қаю мулкким шоҳи одилдурур,
Анга барча эл кўнгли мойилдурур.

Шараф кўрки шаҳдин адолат чоги,
Эрур халқ хушнуд, холиқ доги.

Ҳам озодавашлар бўлиб бандаси,
Ҳам аъдои саркаш сарафкандаси¹.

Мамлакат осойишталиги, халқ фаровонлиги ва эркинлигини таъмин этишнинг муҳим воситаларидан бири, Муниснинг фикрича, одил судловдир. Одил судлов халқ манфаатини ноҳақлик, адолатсизлик, зўравонликдан ҳимоя қилувчи восита сифатида хизмат қилиши керак. Одил судлов подшоҳ билан унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатни белгиловчи мезондир. Одил судлов ишлари тўғри йўлга қўйилган мамлакатнинг подшоҳигина халқ ҳурматига сазовордир. Ана шундай давлат бошлиғиганина фуқаро чин кўнгилдан хизмат қиласди.

Лекин кундалик ҳаётда шоир ҳақсизлик, адолатсизлик, зўравонлик, жабр-зулм, ўзаро низоларнинг гувоҳи бўлди. Бу иллатларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш мақсадида Мунис айрим ҳолларда замона аҳлларига пандасиҳат қилишга ҳаракат қиласди. Ўз уринишларини бекор кетаётганини кўрган шоир бошқа ҳолларда феодал ҳукмдорларини ва уларнинг амалдорларини қаттиқ танқид остига олишгача бориб етади. У жамиятдаги адолатсизликка, ноҳақликка, зўравонликка, жабр-зулмга, талончиликка, тенгсизликка қарши ўз норозилигини изхор этади.

¹ Мунис Хоразмий. Сайланма. Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 16-бет.

Ўзининг "Хос ўлуб оҳ аҳлиға" номли шеърида шундай деб ёзди:

Хос ўлуб оҳ аҳлига инъоми соқиб тожлар зулми
Зулми омидин бериб жон, ион учун муҳтожлар.
Ҳар ким ул золимлар олдида тазаллум кўргузуб,
Еб алардин бош узра мушту юз узра кожлар.
Кинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб¹
Ўйлаким, бўлгай гурезон боздин дуррожлар.

Муниснинг фикрича, ҳукмдор томонидан фуқарога ўтказилган жабр-зулм жавобсиз қолмайди. Бундай давлат бошлиғи халқнинг ғазабига учрайди, унинг ҳокимияти хавф остида қолади. Бу ҳақда подшоҳга қарата Мунис шундай деб ёзди: "Эй шоҳ, зулм қилма, тағин мазлумларнинг ашки давлатнинг биносини йиқмасин"².

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳётида ислом дини тўла ҳукмронлик қилган шароитда яшаб ижод этган Мунис исломнинг айрим маросимларига, динни ниқоб қилиб олган шайх, зоҳид, қозиларни қаттиқ танқид қилади, уларнинг халққа қарши қаратилган ҳийланайрангларини фош қилиб ташлайди. Жумладан, Мунис текинхўр, халқни турли ҳийла-найранглар билан алдовчи шайх ҳақида шундай деб ёзди:

Таънингга, шайх, бизни нишон қилмагил абас,
Ул ўқни бу нишонга равон қилмагил абас...
Зарқу риё учун эса гар тоатинг сенинг
Мехроби хонақоҳда макон қилмагил абас...
Ақл аҳли макрингга қачон ўлгай фирефта,
Елгон кароматингни баён қилмагил абас...
Расвотигингдин ўзга не бергай натижәе,
Гусолалигларингни аён қилмагил абас³.

Шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби —
Моҳларойим Нодира — ўзбек халқи маданияти тарихида
ўчмас из қолдирган шахсадир. Нодира 1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулий оиласида туғилди. У 1808 йилда Қўйкон хони Норбўтабийнинг ўғли Умархонга турмушга чиқади. Хон саройида яшаб ижод этган Нодира ўша даврдаги Қўйкон хонлигининг ички, ташқи сиёсати билан яқиндан таниш эди. 1824 йилда Умархон вафот қилади, таҳтга унинг ўғли 14 ёшли Муҳаммад Алихон ўтиради. Шу

¹ Мунис Ҳоразмий, 17-бет.

² Ўша асар, 20-бет.

³ Ўша жойда.

вақтдан эътиборан Нодира давлатни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. У, айниқса, маданий ишларга катта эътибор беради. Нодира 1842 йилда Бухоро амири Насруллохон томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Нодира кўпчилик Шарқ мутафаккирлари каби сиёсий муаммоларга бағишланган маҳсус рисола битмаган, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини шеърларида баён қилган. Нодиранинг ижтимоий-сиёсий қарашларини таҳлил қилишда биринчидан, унинг ҳукмрон доиралар вакили эканлигини, иккинчидан, шоиранинг ўз даврининг илғор кишиси эканлигини ва ниҳоят, учинчидан, ўз даврининг фарзанди эканлигини ҳисобга олиш лозим. Сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлган Нодира жамиятда ҳукм сураётган жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонликлардан хабарсиз бўлиши ва бу иллатларга ўз муносабатини билдири-маслиги мумкин эмас эди.

Нодира ўз даврининг фарзанди сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида тўла ҳукмронлик қилган истом сиёсий мафқураси доирасидан чиқиб кета олмаган эди. Нодиранинг фикрича, жамиятда кишиларнинг бўйсундирувчи ва бўйсунувчиларга бўлиниши худонинг ишидир. Худо бир кишини подшоҳ, бошқаларни фуқаро қилиб яратган. Жумладан, Умархонга мурожаат қилиб Нодира шундай деб ёзади: "Ул худовандаки, қилди еру кўкни ошкор, шукрким, бизни гадо қилди, сени султон этиб"¹. Шоира подшоҳни худонинг ердаги вакили, жамият, давлат, фуқаро ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган шахс деб билади. Шунинг учун ҳам у мамлакат ободончилиги, халқнинг фаровонлигини, жамиятдаги тинчлик, осоишишталикни давлат бошлигининг шахси билан боғлайди. Адолатли, халқпарвар, доно кишигина подшоҳлик лавозимиға лойиқдир деган фикрни илгари суради. Шоира зулм ўтказиш, адолатсизлик, зўравонлик давлат бошлиғи учун ёт бўлган хусусиятлардир, деган ғояни ўз даври ҳукмдорлари онгига сингдиришга ҳаракат қиласи.

Нодиранинг таъкидлашича, подшоҳнинг асосий вазифаси фуқаро тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Мазкур фикрни шоира ўзининг Умархонга қилган мурожаатида қўйидагича баён қиласи: "Бўйлаким мумтоз эрурсан барча султонлар аро, шод қилғил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб"².

¹ Нодира. Девон. Тошкент, Ўзфағакаднашр, 1963, 85-бет.

² Нодира. Девон. 11-бет.

Агар давлат бошлиғи ўз фуқаросига ғамхўрлик қилмаса, ҳокимиятни эгаллаб қолишга лойиқ эмас, унинг подшоҳлигидан ҳеч қандай фойда йўқ: "Фуқаро ҳолиға гар боқмаса ҳар шоҳ анга, ҳашамату, салтанату, рифъату шон барча абас"¹.

Фақат фуқаро ҳақида ғамхўрлик қилувчи, унга раҳмашафқат этувчи подшоҳгина эгаллаб турган лавозимиға лойиқdir, унинг таъсис этган қонун-қоидалари амалда ҳаракат қилишга ҳақлидир: "Шоҳ улдурки, раиятга тараҳҳум қилса, йўқ эса қоидай амну амон барча абас".

Нодиранинг фикрича, давлатни бошқариш ва ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий қоидаси адолатлиликдир. Адолат тантана қилган мамлакатдагина тинчлик, осойишталик, фаровонлик, дўстлик ҳақида сўз бўлиши мумкин. Акс ҳолда мамлакатнинг равнақи фуқаронинг баҳт-саодатга эришишини таъмин этиб бўлмайди. Фақат адолатли давлат бошлиғигина жабр-зулмга, ҳақсизликка барҳам бериши мумкин.

Нодира ғазаларида диний урф-одатлар, мусулмон руҳонийларининг вакиллари қораланади: уларнинг халқ манфаатларига зид фаолияти фош қилинади. Жумладан, Нодира шайхларни кескин қоралаб, шундай деб ёзади:

Риёу ҳирсу тама савтидур таронаи шайх,
Эшитмаким, қама афсун эрур фасонаи шайх.
Кўнгуллар бўлди союқ сұхбатидин афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх².

Нодиранинг фикрича, ёвузлик, жаҳолат, ҳақсизлик абадий ҳодисалар эмас. Албатта, бу иллатларга барҳам берилади. Жамиятда адолат, эзгулик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик тантана қилади. Шоира бу ҳақда ўзининг "Биз ишонамиз" номли ғазалида шундай деб ёзади:

Умидимиз борки, иқболимиз қуёши чиқажак.
Зингон қоронгуликлари ҳам охир ниҳояга етажак...

Ўзининг сатирик асарлари билан XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган яна бир шоир —

¹ Нодира. Девон, 11-бет.

² Ўша жойда.

³ Нодира. Асарлар. 2-жилд. Тошкент, Fafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968, 139-бет.

Маҳмуд Махмурдир. Махмур Қўқонда ўз даврининг илғор шоири, таниқли хаттоти Мулла Шермуҳаммад Акмал оиласида туғилди. У Қўқондаги Мадрасаси Мирда таҳсил кўрди. Шоир бутун умри бўйи қашшоқликда ҳаёт кечириди. Махмур 1844 йилда вафот этди.

Махмур асарлари замонани, мавжуд жамиятни, унинг ижтимоий-сиёсий тартибларини, ҳукмрон доираларнинг вакилларини кескин қоралаш, фош қилиш руҳи билан сугорилган. Махмур жамиятда кундалик одат тусини олган адолатсизликни, ҳақсизликни, зўравонликни, талончилик, босқинчиликни қоралайди, бу иллатларнинг айбдорларини қаттиқ танқид остига олади.

Махмур асарларида ҳукмдорларнинг олиб бораётган сиёсати туфайли азоб-үқубат чекаётган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган, таланганд мөхнаткашлар оммасининг ҳақиқий аҳволи кўрсатиб берилган. Шоир ҳалқнинг бундай оғир аҳволга тушишининг, мамлакатнинг вайронага айланнишининг асосий сабабчиси ҳукмрон доиралар ва уларнинг вакиллари томонидан амалга оширилаётган босқинчилик, талончилик сиёсатидир деган фикрни олға суради.

Махмур асарларида давлат идораларида хизмат қилувчи турли лавозимдаги мансабдорларнинг ҳалқ манфаатларига зид бўлган фаолиятини аёвсиз фош қилишга алоҳида ўрин берилган. Шоир айниқса шариат ҳомийлари — қозиларни қаттиқ танқид остига олади.

Махмур фақатгина айрим амалдорларни танқид қилиш билан чекланмайди, балки бевосита давлат бошлигини ҳам кескин қоралайди, унинг босқинчилик, талончилик, зўравонлик сиёсатини фош қилади, уни шафқатсизликда, зўравонликда, адолатсизликда айблайди.

Махмур асарларида динни ниқоб қилиб олган руҳонийларнинг вакиллари кескин танқид остига олинади, уларнинг нодонлиги, очкӯзлиги, алдамчилиги, икки юзламачилиги фош қилинади.

Огаҳий. Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий — шоир, тарихчи, таржимон, маданият арбоби сифатида ўзбек ҳалқи маданияти тарихида учмас из қолдирди. Муҳаммадризо 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилди. Муҳаммадризо З ёшида отасидан ажралади. Шу вақтдан бошлаб унинг тарбияси билан амакиси Шермуҳаммад Мунис шуғуллана бошлайди. 1829 йилда Мунис вафот этди. Унинг ўрнига Огаҳий мироблик вазифасига тайинланади. Бу вазифада Огаҳий

қарийб 30 йил ишлайди. 1857 йилда у миробликка истеъфо берип, ҳаётининг қолган йилларини ижодий ишга бағишлайди. Огаҳий 1874 йилда вафот этади.

Огаҳий ўз даврининг илғор вакили сифатида юз бераттган тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ҳақидаги фикрларини асарларида баён қиласди. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган Огаҳий унинг адолатсизликка, зўравонликка асосланганлигини тушуниб этади ва уни фош қилиб ташлайди.

Мутафаккирнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, у ўзи яшаб ижод этган жамиятда манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита гуруҳнинг мавжудлигини тушуниб етган эди. Биринчи гуруҳ — бу хон ва унинг амалдорлари, руҳонийлар, бойлар. Иккинчи гуруҳ — бу меҳнаткашлар оммаси. Огаҳийнинг кўрсатишича, иккинчи гуруҳга мансуб бўлган кишилар кечаю кундуз меҳнат қилишига қарамасдан оч-яланғоч, хор-зорликда ҳаёт кечиради, жабр-зулм, ҳақсизлик, талончилик азобини чекади. Жамиятда ҳукмронлик мавқеини эгалловчилар меҳнат қилмасдан меҳнаткаш халқни талаш, эзиш эвазига роҳат-фароғатда ҳаёт кечиради, барча ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланади. Жамият ҳаёти ҳақсизлик ва адолатсизликка асосланган. Бу жамиятда шахснинг тутган ўрни унинг билимига, меҳнатига, хизматига қараб эмас, мулкига, кишилар ўртасидаги муносабат, иззат-ҳурмат, эътибор эса унинг мансабига қараб белгиланади.

Огаҳий ўзининг асарларида жамиятнинг ҳукмрон доиралари томонидан шафқатсиз эзилаётган ҳуқуқсиз, ҳимоясиз, жабр-жафо чекаётган меҳнаткашлар оммасининг ҳақиқий аҳволини баён қилиб беради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, халқни эзувчилар, таловчилар соат сайин, кун сайин бойимоқда, меҳнаткашларнинг аҳволи эса янада оғирлашмоқда, бу уларнинг золимларга нисбатан қаҳр-ғазабининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Агар аҳвол шундай давом этаверса, халқнинг золимларга қарши қўзғолон кўтариши муқаррар.

Огаҳий мулкдорларни, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдорларни аёвсиз танқид остига олади. Жамиятнинг ҳукмрон доираларини зўравонликда, очкўзликда, талончиликда, адолатсизликда, манманликда айблайди, баъзи мусулмон руҳонийларининг жоҳиллигини, алдамчилигини, мунофиқлигини фош қилиб ташлайди.

Огаҳий кўпчилик Шарқ мутафаккирлари каби ҳокимиятнинг подшоҳга худо томонидан ато қилинганини инкор этмайди. Унинг фикрича, подшоҳга ҳокимият фуқарони эзиш, талаш, зўравонлик қилиш учун эмас, балки жамиятда тартиб-интизом жорий қилиш, адолат ўрнатиш, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мамлакат тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун берилган.

Бундай вазифани ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўювчи, узоқни кўра биладиган, сахий, одил кишигина бажара олиши мумкин. Шунинг учун ҳам Огаҳий илғор Шарқ сиёсий фикрлари анъаналарини давом эттириб, одил шоҳ бошчилигидаги давлат тузумини ўрнатиш ҳақидаги гояни илгари суради.

Мутафаккирнинг фикрича, шоҳнинг энг асосий вазифаларидан бири, халқнинг мулкини, ҳаётини, осойишталигини ўғри, талончи, босқинчилардан ҳимоя қилишдир. Ана шу вазифани сидқидилдан бажарган давлат бошлиғи бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам иззат-эътиборга сазовор бўлади: "Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар, икки олам обруйини ҳосил этгай шоҳлар"¹.

Подшоҳ олдида турган муҳим вазифалардан яна бири мамлакатни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, халқнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришини таъмин этишдир. Бу вазифани бажариш учун давлат доимий қўшининг эга бўлиши керак. Давлат бошлиғи қўшиннинг озиқ-овқати, кийим-кечаги, от-улови, қурол-яроғи ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоғи лозим. Акс ҳолда, халқ мамлакат, ҳокимият тақдиди хавф остида қолади, кейинги пушаймону андуҳлардан ҳеч қандай фойда бўлмайди: "Фоғил ўлса шоҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин, бошға иш тушканда суд этмас фифону оҳлар"².

Огаҳийнинг кўрсатишича, мамлакатда осойишталик ўрнатиш, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳокимиятдан халқ манфаати йўлида фойдаланиш каби вазифаларни бажариш учун давлатда қатъий тартиб-интизом жорий қилиниши лозим. Бундай интизомни жорий қилиш учун подшоҳ салтанатига узоқни кўра биладиган, тажрибали давлатни бошқариш ишларидан хабардор бўлган кишилар-

¹ Огаҳий. Таъвизул ошиқин. Тошкент. Ўзфанакадиташр. 1960, 158-бет.

² Огаҳий. Таъвизул ошиқин, 158-бет.

ни йиғиши ва улар билан маслаҳатлашган ҳолда давлат ишларини амалга ошириши керак.

Огаҳийнинг таъкидлашича, адолат, саховат, ҳиммат ва ваъдага вафо қилишни ўз фаолиятининг асосий қоидасига айлантирган подшоҳнинг ҳокимиюти мустаҳкам бўла олади.Faflat, ҳурматсизлик, халқа эътиборсизлик, нолойиқ кишиларга мансаб бериш, берилган ваъданинг устидан чиқмаслик салтанат заволининг асосий сабабларидир.

Подшоҳ, Огаҳийнинг таъкидлашича, давлатни бошқариш ишларидан жоҳил, очкӯз, худбин кишиларни қатъиятлик билан четлаштириши лозим. Чунки бундай кишилар ўз манфаатларини қўзлайди, халқни талайди. Бунинг билан улар мамлакат, халқ осойишталигига ва манфаатларига зарар келтиради, фуқаронинг норозилигини кучайтиради. Оқибат натижада ҳокимият асосларига путур стказади.

Огаҳий жамият ҳаётида илм-маърифатнинг роли масаласига алоҳида эътибор беради. Мутафаккирнинг фикрича, жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илмсизлик жаҳолатга, зўравонликка, адолатсизликка олиб келади. Илмсиз халқнинг келажаги йўқ. Илм-маърифат жамият равнақининг, мамлакат ободончилигининг, халқ фаровошлигининг муҳим манбаидир: "Илм андоқ ғати ноғиъдур бани одамғаким, кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго. Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила, икки олам обруси бўлғуси барбод анго"¹.

XIX аср биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида шаклланган илғор демократик мафқура вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳақида умумий хулоса ясаб, шуни таъкидлаш лозимки, улар ўз ўтмишдошларининг анъаналарини давом эттириб, жабр-зулм, зўравонлик, адолатсизлик, ҳақсизликка асосланган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга ўзларининг кескин норозиликларини билдирилар, уларнинг оддий меҳнаткаш халқ манфаатларига зид эканлигини, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишни инкор этиб бўлмайдиган далиллар асосида исботлаб бердилар. Улар ўз асарларида тинчлик, осойишталиқ, озодлик, эзгуликни улуғладилар ва сиёсий-ҳуқуқий илм даргоҳларини кенг халқ оммаси манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, давлат билан халқ ўртасида адолат ва инсонпарварлик қоида-

¹ Огаҳий, 57-бет.

ларига асосланган муносабатларни таркиб топтириш, давлат ҳокимияти асосларини мустаҳкамлаш, умумманфаат нүқтаи назаридан келиб чиқиб, давлат идораларини такомиллаштириш, мансабдор шахсларни танлаш мезонлари ва талаблари ҳақидаги бир қатор диққатга сазовор фикрлар билан Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини бойитдилар.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ФИКРЛАР

I. Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва унинг оқибатлари

XIX асрнинг 60-йилларидан эътиборан Ўзбекистон халқлари сиёсий-хуқуқий фикрлари тарихида янги давр бошланди. Бу Ўрта Осиёнинг, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб олинишига боғлиқ ҳолда юз берган иқтисодий, сиёсий-хуқуқий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмининг бошларида авжга чиққан чор Россияси босқинчилик ҳаракатининг дастлабки кучлари Ўрта Осиёга ҳам етиб келди. Чор қўшинлари бирин-кетин Оқмасчит (ҳозирги Қизил Ўрда), Тўқмоқ, Пишкеқ, Авлиё Ота (Жамбул), Туркистон, Чимкент, Тошкент, Ниёзбек, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах қалъаларини босиб олди. Босиб олинган улкан ҳудудда 1867 йил 11 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги, шу йилнинг 14 июлида Туркистон ҳарбий округи ташкил этилди. Тошкент шаҳри губернаторликнинг маркази қилиб белгиланди. Губернаторлик ҳудуди дастлаб маркази Тошкент шаҳри бўлган Сирдарё ва маркази Верний (Олмаота) шаҳрида жойлашган Еттисув вилоятларига бўлинган эди. Кейинчалик губернаторлик ҳудуди янада кенгайтирилди ва унинг таркибида янги вилоятлар ташкил этилди.

Босқинчилик ҳаракатларини давом эттирган чор қўшинлари 1868 йилнинг 1-2 майида Самарқандни, 18 майда Каттақўргонни, Зира Булоқни ишғол қилдилар. 1868 йилнинг 23 июнида Зарабшон округи ташкил этилди. 1868 йилнинг 23 июлида Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Мазкур шартномада Бухоро амирлигининг Россия вассаллигини тан олиши, унга 500 минг сўм уруш товонини тўлаши, Самарқанд ва Каттақўргон вилоятларини Россияга бериши, чет давлатлар билан мустақил алоқа ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши кўрсатилган эди.

Чор қўшинлари 1870 йил 13 августда Шаҳрисабз, 14 августда Китоб, 23 ноябрда Қизил Арват, 1873 йил 23 майда Ҳазорасп, 29 майда Хива, 13 июнда Чандир қалъаларини эгалладилар. 1873 йил 12 августда Россия империяси билан Хива хонлиги ўртасида тузилган сулҳ шартнома-

сига кўра, Хива хонлиги Россиянинг вассалига айланди, у мустақил ташқи алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди ва Россияга 2 миллион 200 минг сўм уруш товони тўлаш мажбуриятини олди. Амударёнинг ўнг қирғофида хонлик пойтахтига яқин жойда Петр-Александровский қўрғони (ҳозирги Тўрткўл) ташкил этилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.

Бу билан чор қўшинларининг босқинчилик юришлари тугамади, аксинча яна давом эттирилди. 1875 йил 29 августда Қўқон, 8 сентябрда Марғилон, 1 октябрда Андижон, 24 октябрда Наманган чор қўшинлари томонидан босиб олинди. 1876 йилнинг 19 февраляда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилди ва у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Шундан сўнг чор қўшинлари 1881 йил 12 январда Гўк Тепа, 1884 йил 31 январда Марв, 1885 йил 18 марта Кушка, 1892 йилда Помирни босиб олдилар.

Шундай қилиб, чор қўшинлари томонидан 40 йил давомида олиб борилган босқинчилик юришлари туфайли Ўрта Осиёда Россия империясининг ҳукмронлиги ўрнатилиб, бу ердаги Қўқон хонлиги умуман тугатилди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг давлат мустақиллигига барҳам берилди.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёда, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олиб борган сиёсати узоқ йиллар давомида ҳар томонлама пухта ўйланган, режалаширилган — ўлканинг битмас-туганмас моддий ва маданий бойликлари ни шафқатсиз талаш, унинг меҳнатсевар халқларини эзиш, уларнинг меҳнати эвазига мустамлакачиларнинг бойишини таъминлашни мақсад қилиб қўйган босқинчилик сиёсати эди. Лекин бу сиёсатни амалга ошириш осонликча бўлмади. Ўрта Осиё халқлари чор қўшинлари босқинчилик юришларини бошлаган дастлабки дақиқалардан эътиборан ўз юртини душмандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини сақлаб қолиш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар, ҳар бир қалъя, қишлоқ, ҳар бир қарич ер учун жон олиб жон бердилар. Шунга қарамасдан қуролланиш жиҳатидан устун бўлган чор қўшинлари, юқорида баён қилганимиздек, Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларини бирин-кетин босиб олдилар, уларнинг кулини кўкка совурдилар, ҳимоячиларини ва тинч аҳолисини шафқатсиз қирдилар. Кейинги маълумотларга кўра, чор қўшинларининг Ўрта Осиёни босиб олиши жараёнида "қўшин ва тинч аҳоли орасидан жами 598 минг одам нобуд бўлган".

¹ Қаранг: Ёшлик журнали, 1991, 7-сон, 30-бет.

Босқинчилар шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилдилар, тарихий обидаларни бузиб ташладилар, маҳаллий халқларнинг асрлар давомида яратилган бебаҳо маданий меросини, қадимий камёб қўллэзма китобларни, қимматбаҳо буюмларни, ҳонликлар ҳужжатларини талон-торож қилдилар. Чор ҳукумати Ўрта Осиёда руслаштириш сиёсатини олиб борди. Бу ердаги туб аҳолини абадий қулликда сақлаб қолиш мақсадида ўлкага оммавий тарзда рус фуқароларини кўчириб келиб, маҳаллий деҳқонларга тегишли серунум ерларни тортиб олиб, кўчириб келтирилганларга бўлиб бера бошлади. Оқибат натижада фақат "Туркистонда ишлатилмоқчи бўлган ерларнинг 55 фоизи ўрус келгиндила-рининг қўлига ўтди"¹. Маҳаллий деҳқонлар эса сувсиз чўлларга, қир-адирларга кўчирилди. Уларнинг бир қисми чорикор ва мардикорликка маҳкум этилди.

Чор ҳукуматининг пухта ўйланиб, аниқ режа асосида изчиллик билан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати туфайли Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланди. Мустамлакачилар дастлабки даврлардаёқ ўлkadаги олтин, нефть, кўмир ва бошқа ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ишларини қизитиб юбордилар. Ўрта Осиё тилласи, пахтаси, қоракўли, пилласи, турли хил қуруқ ва ҳўл мевалари Россия саноатининг асосий хом ашёсига айланди. Бу ердан олиб чиқиб кетиладиган хом ашё салмоғи йилдан-йилга ошиб борди. Жумладан, 1769 йилда Россия енгил саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжининг 6,67 фоизи Туркистон пахтаси ҳисобига қондирилган бўлса, бу рақам 1886 йилда 7,70 фоизни, 1890 йилда 24 фоизни ташкил қилди. 1887 йилдан 1900 йилгача Туркистондан Россияга пилла олиб чиқиши — 4,8, қуруқ мевалар — 157, гуруч — 336 баробар ошди². Россиядан эса саноат моллари келтирилар эди. Уларнинг миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб борди. Масалан, 1887 йилдан 1900 йилгача Россиядан Туркистонга товарлар олиб келиш мануфактураси — 9,2, қанд — 7, темир ва пўлат 1,7 баробар ошди³.

¹ Қаранг: Туркистон, 1923 йил 25 ноябрь.

² Қаранг: Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, Тошкент, "Фан", 1973, 31-бет.

³ Қаранг: Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, Тошкент, "Фан", 1973, 68—69-бетлар.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва бу ерда мустамлакачилик тартибларининг жорий қилиниши меҳнаткашлар ишори турмушининг янада ёмонлашишига олиб келди. Маҳаллий халқлар меҳнаткашлари икки томонлама, бир томондан, маҳаллий мулкдорлар, иккинчи томондан, мустамлакачилар зулмига маҳкум этилдилар. Уларни эзиш, талаш янада авжига чиқди. Бу ҳақда ўша даврдаги ҳақиқий аҳволнинг гувоҳи бўлган рус олими шундай деб ёзган: "Ўлкани руслар эгаллагандан кейин, аҳолининг аҳволи ваъда қилинган яхши имкониятлар ва қулийликлар, фаровонликлар ўрнига, аксинча, кундан-кунга ёмонлашиб ва оғирлашиб борди... аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмоқдамиз, улардан солиқ йиғишда эса биз юксакликка кўтарилимоқдамиз, лекин биз халққа нима қилдик? Биз унга тинчлик, осойишталик бердик, қўшнилар ўртасидаги талон-торож урушларга чек қуидик, ўлим жазосини муттасил камайтирганимиз аниқ, лекин биз шу билан чекландик. Тошкентда турли комиссияларда чиройли айтилган сўзлардан ташқари, халқ хўжалиги учун биз ҳеч нарса қилмадик"¹.

Айниқса, аҳолидан олинадиган солиқларнинг йилдан-йилга ошиб бориши меҳнаткашлар аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди. Мустамлакачилар маҳаллий аҳолининг маънавиятини таҳқириш, тарихий, маданий, ахлоқий анъаналарини бузиш, чеклаш, ўлкадаги миллий мактаблар ва мадрасаларни қисқартириш, хуллас, мусулмонларни маънавий қулликда тутиб туриш учун бутун чораларни кўрдилар. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткин мақтаниб шундай деган эди: "Биз 50 йил тубжой аҳолини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик"². Маҳаллий халқлар оддий инсоний хуқуқлардан маҳрум этилдилар, уларнинг миллий ва диний қадриятлари, ҳис-туйғулари, урф-одатлари таҳқириланди, закот олиш бекор қилинди, вақфлар даромаддан маҳрум қилинди. Маккага — ҳажга бориш тақиқланди. Туор Рисқуловнинг ёзишича: "Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар ҳатто масжидларга қўнғироқ осиш ҳаракатида бўлдилар.

¹ Кўчирма олинди: *Бобобеков X. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?* "Фан ва турмуш", 1989, 10-сон, 14-бет.

² Кўчирма олинди: *Ҳасаний М.* Туркистон босқини. Тошкент, "Нур", 1992, 39-бет.

Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмронликларини кўрсатмоқ учун номоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар¹. Миллий камситиш шу даражага бориб етдики, Тошкентдаги катта кўчаларда ўзбекларнинг миллий кийимларида юриши тақиқланганди, трамвайларда ўзбеклар учун алоҳида ўриндиқсиз майдончалар ажратилганди².

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон халқларининг сиёсий-ҳуқуқий фикрларининг шаклланишига таъсир кўрсатган муҳим омилларидан бири — бу ўлкага капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кириб келиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар эди. Чор Россиясининг Ўрта Осиёда ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг бу ерда заводлар, фабрикалар, темир йўллар қурилиши амалга оширилди, бир қатор банкларнинг бўлимлари очилди, поча, телефон, телеграф, босмахоналар, рус-тузем мактаблари, турли хил илмий жамиятлар ташкил этилди, рўзномалар ва ойномалар нашр этила бошланди.

Яқин вақтларгача бу ўзгаришлар кўпчилик совет олимлари томонидан Ўрта Осиёнинг Россияга "қўшиб олинишининг" ижобий томонлари сифатида бўрттириб кўрсатиб келинди, унинг салбий томонлари ҳақида камроқ сўз юритишга ҳаракат қилинди. Одатда "қўшиб олинишининг" тўғриси, яъни босиб олинишининг ижобий оқибатлари ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, ўлкада қулчиликка ва ўзаро феодал урушларига барҳам берилгани кўрсатилар эди. Бу бор ҳақиқат, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бу ерда қул савдосига, қулчиликка барҳам берилгани билан маҳаллий халқ том маънодаги озодликка эришмади, аксинча, икки томонлама зулмга — маҳаллий мулкдорлар ва амалдорлар ҳамда мустамлакачилар зулмига маҳкум этилди. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томони шундаки, ўзаро феодал урушлари ўрнини мустамлакачилар билан маҳаллий халқлар ўртасидаги урушлар эгаллади. Шунинг учун Ўрта Осиёга капиталистик ишлаб

¹ Рисқулов Т. Янги Туркистон. Туркистон газетаси, 1993 йил 25 ноябрь.

² Қаранг: Ҳуришид Даврон. Тарих мезони ҳақиқатдир. "Шарқ юлдузи" журнали. 1989 йил, 11-сон, 155-бет.

чиқариш муносабатларининг кириб келиши, заводлар, фабрикалар, темир йўлларининг қурилиши, банклар филиалларининг очилиши, почта, телефон, телеграф, босмахоналарининг ташкил этилиши ва маданий-маънавий, илмий ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида сўз юритилганда масалага атрофлича, холисона, чуқурроқ қараш ва баҳо бериш лозим. Бу ижобий ҳодиса сифатида намоён бўлган ўзгаришлар ва янгиликлар қандай мақсадда амалга оширилганлиги, оқибат натижада улар кимларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилганлигини назардан четда қолдирмаслик керак. Биринчидан, амалга оширилган ишлар чор Россияси босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатининг маҳсули эди. Босқинчилик ва мустамлакачиликни ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас. Бу сиёсатнинг ижобий оқибатларини ҳаддан ташқари сунъий равишда бурттириб кўрсатиш билан Россияга, рус халқига нисбатан дўстлик муносабатларини изҳор этиб бўлмайди. Бундай уриниш аксинча дўстлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Иккинчидан, бу ўзгаришлар чор ҳукуматининг маҳаллий халқларга қилган ғамхўрлиги бўлмасдан, балки унинг Ўрта Осиёда мустамлакачилик, талончилик сиёсатини тўла, бекаму кўст амалга ошириш, маҳаллий халқларни эзиш, уларни итоатда сақлаб туриш, қўрқитиш, ўлканинг табиий бойликларини қидириб топиш, уларни қазиб олиб кетишга қаратилган эди. Туркистон ўлкасида ташкил этилган рус-тузем мактаблари, гимназиялар ва бошқа ўқув юртлари ҳақида сўз боргандা, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ўқув масканлари биринчи навбатда, Россия фуқаролари учун ташкил этилган эди. Бу ҳақда Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг назариётчиларидан бири Н. И. Ильминский шундай деган эди: "Менинг тушунчамча қирғиз ва сартларни умуман гимназияга жалб этмаслик ва киритмаслик керак эди. Менинг тушунчамча, сартларни, қирғизларни, буряtlарни ва қалмиқларни классик таълим йўлига олиб чиқиш вақти етиб келмаган"¹. Маҳаллий халқлар фарзандларини билим масканларига иложи борича яқинлаштиrmаслик сиёсати чор маъмурлари томонидан из-

¹ Кўчирма олинди: Исматуллаев Х. Фаспрали Исмоилбой ва Туркистон, "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1990 йил, 4-сон, 21-бет.

чиллик билан амалга оширилганлиги ҳақида қуйидаги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. Туркистанда ташкил этилган рус-тузем мактабларида ўқувчиларнинг 0,17 фоизини маҳаллий аҳоли фарзандлари ташкил қиласди¹. 1879 йилда Тошкентда ташкил этилган 4 йиллик ўқитувчилар семинариясини битирғанларнинг умумий сони 1904 йилда 415 тага етган бўлса, улардан 349 таси рус, 54 таси қозоқ, 9 таси ўзбек, 2 таси татар, 1 таси туркман эди².

Мустамлакачилик мақсадларидан келиб чиқиб, чор ҳукумати Ўрта Осиёда сиёсий-ҳуқуқий ҳаётда ҳам бир қатор ўзгаришларни амалга ошириди. Туркистон ўлкасида том маънодаги мустамлакачилик тартиблари жорий қилинди. Бу ерда бутун ҳокимият бевосита Россия императори томонидан тайинланадиган ва у хоҳлаган вақтда вазифасидан четлатиладиган генерал-губернатор қўлида бўлиб, у ўлкадаги ҳокими мутлақ даражадаги шахс эди. Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Еттисув, Зарафшон ва Фарғона вилоятларида ҳокимият Туркистон генерал-губернатори билан келишилган ҳолда ҳарбий вазир тавсиясига биноан Россия императори томонидан тайинланадиган ва вазифаларидан озод этиладиган ҳарбий губернаторлар қўлида эди. Уездлар маъмурий бошқарув ва полиция ҳокимиятига эга уезд бошлиқлари, участкалар эса приставлар томонидан бошқариларди. Юқорида номлари қайд этилган мансабдор шахсларнинг барчаси ҳарбийлар эди. Маҳаллий халқлар вакиллари мустамлакачи маъмурлар қаттиқ назорати остида фақат волост ва қишлоқларни бошқаришда қатнашардилар, холос. Туркистон ўлкасининг туб аҳолиси сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган эди.

Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган мустамлакачилик сиёсати ҳуқуқ соҳасида ҳам ўз аксини топди. Бу ерда бевосита мустамлакачилик тартибларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Россия империяси қонунлари, 1865 йилдаги "Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Муваққат Низом", 1867 йилдаги "Еттисув ва Сирдарё вилоятларидағи бошқарув ҳақидаги Низом" лойиҳаси, 1886 йилдаги "Туркистон ўлкасини

¹ Қаранг: *Хуриид Даврон*. Завоеватель не может быть героем. "Звезда Востока", №9, 1990, 143-бет.

² Кондротенок З. П. О состоянии народного образования в Туркестане конца XIX начала XX века (Общественные науки в Узбекистане. № 3). 1991, 39-бет.

бошқариш ҳақидаги Низом" билан тартибга солинарди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга бевосита тўсқинлик қилмайдиган оила ва никоҳ, мерос, ҳомийлик ва васийлик, қарз бериш ва олиш, мулкларни сотиш ва сотиб олиш, васият, ҳадия билан боғлиқ муносабатлар ўтроқ аҳоли яшайдиган жойларда шариат нормалари, кўчманчи аҳоли яшайдиган жойларда одат нормалари билан тартибга солинарди.

Бунинг сабаби бор эди. Ўлканинг маҳаллий шарт-шароитлари, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ҳуқуқий ҳаёти билан яқиндан танишиб чиккан маҳсус комиссия мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиқиб, бу ерда суд ишларини тубдан ўзгартириш аҳолининг кескин норозилигини келтириб чиқариши, бу оқибат натижада тартибсизликка, ғалаёнларга сабаб бўлиши мумкин, деган хуласага келди. Шу муносабат билан чор ҳукумати Туркистон ўлкасида асрлар давомида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келган, маҳаллий аҳоли онгига, турмуш тарзига сингиб кетган қоидаларни, суд ишларини амалга ошириш тартибларини тубдан ўзгартирмасдан, уларни мустамлакачилик манфаатларига ва тартибларига мослаштиришга қарор қилди. Бу борада чор ҳукумати Туркистон ўлкасининг кўчманчи халқлар истиқомат қиласидаган ҳудудларида одат нормалари амал қилгани, суд ҳокимияти бийлар томонидан бошқарилгани, ўтроқ аҳоли истиқомат қиласидаган қисмида эса шариат нормаларига амал қилганилиги, суд ҳокимияти қозилар томонидан амалга оширилганлигини ҳам эътиборга олиб иш тутган эди. Кўчманчи халқлар истиқомат қилган ҳудудларда амалдаги бий судларининг Россия империяси давлат тузумига ва унинг бу ерда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатига зид эмаслигини ҳисобга олиб, улар сақланиб қолинди. 1867 йилдаги "Низом" лойиҳасида ҳар бир волостда 4-8 тагача бийлар сайлаш кўзда тутилган эди. Бийлик лавозимига 25 ёшга тўлган, муқаддам судланмаган, тергов қилинмаган кишигина сайланиши мумкин эди. Бийларнинг маош олиши кўзда тутилмаган булиб, улар фуқаролик ишлари бўйича даъво қийматининг 1/10 миқдорида, жиноят ишлари бўйича жойлардаги одатга кўра бийлик ҳақи олиши кўрсатилганди.

"Низом" лойиҳасида бийларнинг уч тури кўрсатилганди:

1. 100 сўмгача (5 от ёки 50 қўй) қийматга эга ишларни кўрувчи, тарафлар томонидан танланадиган битта ёки бир неча бийлар.
2. Қиймати қанчалигидан қатъи назар барча

ишларни күрадиган, лекин 100 сүмгача қийматга эга бўлган даъволарни кўриб, узил-кесил ҳал қиладиган, вақти-вақти билан чақириладиган волост бийлари қурултойи. З. Волостдаги ёки волостлараро бошқа барча ишларни уезд бошлиғи иштирокида кўриб, ҳал қиладиган бийлар қурултойи.

Кўчманчи халқлар истиқомат қиладиган ҳудудларда суд ишларини ташкил этишдан фарқли ўлароқ ҳолда ўтроқ аҳоли яшайдиган жойларда бу жараён мураккаброқ кечди, чор маъмурлари бу борада бир қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Чунки судлов ишлари дин билан чамбарчас боғлиқ эди. Шунингдек, бир томондан, чор маъмурлари мустамлакачилик манфаатлари ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги суд тизимини ўзгартирмасдан тўла, бекаму кўст ҳимоя қила олмас эдилар. Иккинчи томондан, бу ерда неча асрлардан бери амал қилиб келаётган судлов тартиблари диний қоидаларга асосланган бўлиб, суд тизимини ўзгартириш ўз-ўзидан дин соҳасида ҳам ўзгаришлар қилишни тақозо қиласр эди. Бу ўта мураккаб, амалга ошириб бўлмайдиган иш эди. Дин соҳасида кескин ўзгаришлар қилиш маҳаллий аҳолини чор ҳукуматига, унинг ўлкадаги маъмурларига қарши қўйиш, халқнинг норозилигини кучайтириш, ғалаёнлар учун замин яратиш деган гап эди. Чор ҳукумати ўлкада тинчлик ва осойишталик бўлгандагина бу ерда ўзининг мустамлакачилик сиёсатини муваффақиятли амалга ошириши мумкинлигини яхши билар эди. Учинчидан, Туркистон ўлкасида амалда бўлган суд ишлари ўз моҳиятига кўра Россия империясида амалда бўлган судлов қоидаларига бутунлай қарама-қарши, зид эди. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, чор ҳукумати ва унинг ўлкадаги маъмурлари Туркистоннинг ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларида суд ишларини ташкил этишда масалага келишувчилик нуқтаи назаридан ёндашибди. Чунончи, бир томондан, қози судларига умуман барҳам берилмасдан улар сақланиб қолинган бўлса-да, иккинчи томондан, уларнинг ваколатлари бирмунча чекланди. 1867 йилдаги "Низом" лойиҳасига биноан маҳаллий аҳолига қозиларни "халқ" судларини сайлаш ҳуқуқи берилди. Қозилар алоҳида участкаларга бириктирилиб, фақат шу ҳудуддаги ишларни кўриш ваколатига эга бўлдилар. Қози якка ўзи қиймати 100 сүмгача бўлган ишларни кўриб, ҳал қилиши мумкин эди. Қиймати 100 сўмдан ортиқ бўлган ишлар уезд бошлиғи назорати остида қозилар томонидан кўрилиб ҳал қилинарди. Россия фуқароларига тааллуқли,

руслар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги, кўчманчилар билан маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасидаги (агар улар рус судларига мурожаат қилсалар) ишларни кўриб ҳал қилиш учун рус судлари ташкил этилди. Бу судларнинг иши Россия империяси қонунларига биноан кўрилиб, ҳал қилинарди.

1886 йил 12 июндаги "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом"га биноан ўлканинг суд тизимида айрим ўзгаришлар амалга оширилди, суд органларининг ваколатлари аниқлаштирилди ва янада кенгайтирилди: судьялар (рус судлари) қурултойи вазифасини ўтовчи округ судлари ташкил этилиб, уларнинг ҳузурида суд терговчилари лавозими таъсис этилди, вилоятлар ҳудуди суд участкаларига тақсимланиб, уларнинг ҳар бирiga тажрибали судьялар тайинланди, вилоятларда катта нотариуслик вазифаси округ суди аъзоларидан бирига юклатилди. Рус судларига христиан динига, давлатга, жамоат тартибига, давлат ва шахсий мулкларга, шахснинг ҳаётига, соғлиғига, қадрқимматига қарши қаратилган жиноятларни кўриб, ҳукм чиқариш ваколати берилди. Маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи ҳалқлар учун ҳалқ (қози, бий) судлари сақланиб қолинди, уларнинг фаолияти устидан чор маъмурларининг назорати янада кучайтирилди.

Туркистон ўлкасидан фарқли ўлароқ ҳолда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига яриммустамлакачилик тартибларининг жорий қилиниши муносабати билан уларнинг сиёсий-ҳуқуқий тузумида кескин ўзгаришлар юз бермади. Чунки бундай ўзгаришлар қилишдан чор ҳукумати манфатдор ҳам эмас эди. Аксинча, чор ҳукумати Бухоро ва Хиванинг давлат органлари ва ҳуқуқ тизимида туб ўзгаришлар қилмай туриб, маҳаллий малайлари — амир ва хон, уларнинг амалдорлари, мутаассиб руҳонийлар, йирик мулкдорларга таянган ҳолда бу мамлакатларнинг табиий бойликларини талаш ва меҳнаткашларини эзиш сиёсатини маъқул кўрди. Бу сиёсатни амалга оширишда Бухорода Россиянинг сиёсий агенти, Хивада Амударё бўлимининг роли катта бўлди. Уларга Россия билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш, амир ва хон ҳукуматларининг фаолиятини назорат қилиш ваколати берилган эди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда шариат қонунлари, кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда эса одат нормалари

сақланиб қолинди. Шунинг билан бир қаторда Россия империяси билан амирлик ва хонлик ўртасидаги ўзаро муносабатлар, рус фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати, мулкини, шахсини ҳимоя қилиш, рус товарларини сотиш, маҳаллий бойликларни қазиш, қайта ишлаш ва уларни империя марказига олиб кетиш билан боғлиқ бўлган масалалар давлатлараво шартномалар, Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган маҳсус қоидалар билан тартибга солинадиган бўлди.

Умуман олганда, Ўрта Осиё халқларининг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида Россиянинг босқинчилик сиёсати туфайли юз берган ўзгаришлар оқибат натижада мустамлакачилар манфаатлари йўлида амалга оширилган эди. Бу ерда янгидан жорий қилинган сиёсий-ҳуқуқий институтлар ўлканинг моддий ва маданий бойликларини Россияга ташиб кетишга, чор маъмурлари, йирик капиталистлар, банкирлар, савдо гарларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўрнатилган тартибларни мустаҳкамлашга ва уларга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатни шафқатсизлик билан бостиришга, маҳаллий халқларни эзишга, уларни итоатда тутиб туришга қаратилган эди. Айнан мана шу институтлар ёрдамида чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик мақсадларига эришди ҳам.

Лекин Ўрта Осиёда, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш рисоладагидек силлиқ кечмади. Чор қўшинлари томонидан ўлкани босиб олиш жараённида қилинган қирғинлар, вайронгарчиликлар, талон-торожлар, мустамлакачилик тартибларининг жорий этилиши, ижтимоий ва миллий зулмнинг кун сайин кучайиши, маҳаллий халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш ва таҳқирилашнинг авжига чиқиши, давлат органларида порахӯрлик, тўрачилик, буюк давлатчилик шовинизми, зўравонлик каби иллатларнинг тобора чуқурроқ илдиз отиши, мусулмонларнинг миллий, диний ва маданий қадриятларини, урфодатларини, анъаналарини менсимаслик, оёқ ости қилинг оддий бир ҳолга айланиши Ўрта Осиё халқларини жипслашишга — бир жон, бир тан бўлиб, умумий душманга — чор ҳукуматига ва унинг ўлгадаги маъмурларига қарши курашга чорлади.

Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёда олиб бораётган босқинчилик, талончилик сиёсатига қаршилик кўрсатиш ўтган асрнинг 50-йилларида ёш бошланган эди. 1856 йилда Сирдарё вилоятида Жонхўжа Нормуҳаммедов бошлигига

кўтарилиган қўзғолон чор қўшинлари томонидан ваҳшийларча бостирилди. Мустамлакачилик зулмига қарши 1864 йилда Еттисувда "дунгандар" қўзғолон кўтарилилар. Лекин улар қириб ташланди, ҳаммаёқ қонга ботирилди¹. 1869 йилнинг 1 июнида Самарқанд шаҳри аҳолиси кўтарган қўзғолон ҳам чор ҳукумати томонидан ёвузларча бостирилди, уч кун давомида шаҳарни рус солдатлари талади, қўзғолон қатнашчилари ҳеч қандай судсиз генерал Кауфман буйруғига биноан отиб ташландилар, шаҳарга ўт қўйиб юборилди. Шунингдек, 1871 йилда Сирдарё вилоятида, 1873-1876-1885 йилларда Фарғона вилоятида, 1879 йилда Марғилон уездидан, 1880 йилда Хўжанд ва Ўратепа туманларида, 1882 йилда Наманган ва Ўш уездларида, 1883 йилда Чустда, 1892 йилда Тошкент шаҳрида мустамлакачилик зулмига қарши кўтарилиган халқ қўзғолонлари ва ғалаёнлари чор ҳукумати томонидан шафқатсизлик билан бостирилди, уларнинг иштирокчилари оғир жазоларга ҳукм этилди.

1898 йилнинг 17 майидан 18 майига ўтар кечаси Андижонда бошланган қўзғолон XIX асрнинг иккинчи ярмида мустамлакачиларга қарши Ўрта Осиёда кўтарилиган қўзғолонларнинг энг каттаси ва кучлиси бўлди. 1898 йил 17 май кечқурун Минтепа (Марҳамат)дан 200 отлиқ, 300 та пиёда қўзғолончилар Андижон шаҳрига қараб юриш бошладилар. "Йўлда Қўйчи, Барчин, Қорақўрон, Сариқўй, Үқчи, Қўлин, Чековул, Хакант, Работ, Дархон, Кунча ва Дўн қишлоқлари аҳолиси ҳам қўзғолончиларга қўшиладилар. Булар орасида Сусамир ва Норин волостларидан келган қирғизлар ҳам бор эди. Шунингдек, Андижон шаҳридан икки юз нафар қўзғолончи уларга қўшилди. Натижада, қўзғолончиларнинг умумий сони икки минг кишига етади. Йўлда қўзғолончилар маҳаллий маъмурият вакилларидан ўн кишини жазолайдилар"². Таёқ, пичоқ, болта, ўроқ, кетмон билан қуролланган қўзғолончилар Андижон шаҳридаги ҳарбий гарнizonга ҳужум қилиб, уйқудаги 23 солдатни ўлдирадилар, 24 нафарини ярадор қиласадилар, 24 милтиқни ўлжа қилиб оладилар. Шовқин-сурондан уйғонган солдатлар қарши ҳужумга ўтадилар. Ночор қуролланган қўзғолончилар чекинишга мажбур

¹ Терентьев М. А. Россия и Англия. Спб., 1876. 65-бет.

² Ҳ. Зиёев. Халқ ҳаракати. "Гулистон", 1988 йил. 9-сон. 8-бет.

бўладилар. Қўзғолон ҳақидаги хабар бутун Фарғона вилоятига, кейинчалик Ўрта Осиёда маълум бўлади. "Андижондан Марғилонга хабар борган он Фарғонанинг ҳарбий бошлиғи Чайковский 250 аскар билан келиб, янги шаҳардан бошлаб кўзга кўринган мусулмонларни отмоққа амр қилди. Ўшал кун неча минг мусулмонларни бегуноҳ отиб, қонини тўкди. Хусусан, беихтиёр ва бу воқеалардан бехабар ишламакка чиққан деҳқонларни ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад-ҳисоб отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева қолди"¹. Чор маъмурлари қўзғолон иштирокчиларини бирин-кстин тутиб, тергов ишларини бошлаб юбордилар. 20 жилдлик тергов материаллари тўпланди. Уч ой давом этган суд жараёнидан сўнг "дастлаб 362 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинади"². Қўзғолончилардан 315 киши турли муддат билан қамалиб, 15 киши оиласи билан Сибирга сургун қилинади. Қўзғолон маркази деб топилган Минтепа, Тожик, Қашқар қишлоқлари 3 кун тинимсиз тўпга тутилиб, кунпаяқун қилинади"³. Қўзғолоннинг бундай ваҳшийларча бостирилиши маҳаллий ҳалқларининг чор ҳукуматига ва унинг ўлкадаги вакилларига қарши нафратини янада кучайтирди. Жиззах, Авлиё-Ота, Марғилон, Ўш, Минтепа, Қулин, Асака, Қува, Ичкилик, Ёзёвон, Қоратспа, Човкент, Яккатут, Шаҳрихон, Аравон, Сегазин, Новқат, Булоқбоши, Оқбурун, Куғарт, Сусамир, Кенгкўл, Қорагир ва Хакантда ғалаёнлар бўлиб ўтди.

Чор Россиясининг вассалига айланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ижтимоий ва миллий зулмнинг кучайиши, ҳокимият вакилларининг ўзбошимчалиги ва зўравонлигининг авж олиши меҳнаткашлар оммасининг маҳаллий ҳукмдорларига, бойларга ва уларнинг ҳомийлари, ҳамтовоқлари — чор амалдорларига, рус судхўрларига қарши норозилигининг кучайишига, оқибат натижада бир қатор ҳалқ қўзғолонларига сабаб бўлди. 1871 йилда Ғузорда, 1871, 1888 йилларда Балжуонда, 1885 йилда Кўлобда, 1885—1886 йилларда Шерободда, 1886 йилда Девонда, 1889 йилда Келифда деҳқонлар

¹ Фозилбек О. Дукчи эшон воқеаси. Тошкент. Чўлпон, 1992. 30-бет.

² Кейинчалик ҳукм ўзгартирилиб, 18 кишига нисбатан осиб ўлдириш жазоси амалга оширилади.

³ Ҳасаний М. Туркистон босқини. 17-бет.

қўзғолонлари бўлиб ўтди. 1898 йилда Хива хонлигидаги туркман десқонлари очиқдан-очиқ солиқ тўлашдан бош тортилар. Кейинчалик солиқларни тўлашдан бош тортиш хонликда оммавий тус олди.

Мустамлакачилик зулмига қарши оммавий халқ қўзғолонларидан ташқари маҳаллий меҳнаткашларнинг Туркистон ўлкасидағи қўйи давлат идора органларига, уларнинг алоҳида вакилларига нисбатан ҳужум қилиш ҳоллари авж олади. Жумладан, 1887 йилдан 1898 йилгacha бўлган даврда Фарғона вилоятида 429, Самарқанд вилоятида 128, Сирдарё вилоятида 57 марта маҳаллий бошқарув органларига ҳужум қилинганлиги, шу даврда учала вилоятда маҳаллий маъмурлар билан деҳқонлар ўртасида 25 марта тўқнашувлар бўлиб, 20 киши ўлдирилганлиги, 30 тадан 200 тагача киши қатнашганлиги, 13 та турли тартибсизликлар бўлганлиги қайд қилинган¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиздирки, Ўрта Осиё халқларининг озодлик, мустақиллик учун кураши умуман русларга, рус халқига эмас, балки чор ҳукуматига, унинг ўлкадаги маъмурларига ва уларнинг маҳаллий малайларига қарши қаратилган эди. Шунингдек, бу ерга келган ёки мажбуран кўчириб келтирилган русларнинг ҳаммаси ҳам босқинчи, мустамлакачилик зулмини амалга оширувчилар ва уни қўллаб-қувватловчилар эмас эди. Уларнинг орасида Ўрта Осиёда амалга оширилаётган босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатига норозилик кайфиятида бўлган, маҳаллий халқларнинг фожиасига ҳамдард бўлган, уларнинг мустақиллик, озодлик учун олиб борган курашини холисона баҳолаган, ҳатто маъқуллаган холис ниятли кишилар ҳам оз эмас эди. Ана шундай кишилардан бири, профессор Н. И. Веселовский 1885 йилда ўлкада кундан-кунга кучайиб бораётган мустамлакачилик зулмига қарши маҳаллий халқларнинг миллий-озодлик кураши қонуний бир ҳол эканлигини таъкидлаб шундай деб ёзган эди: "Биз маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиёликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо булардан ҳам юксак бир олий туйғу бордирки, бу — миллат ва унинг миллий ифтихоридир.

¹ Қаранг: Галузо П. Г. Туркистон — колония (Очерк истории колониальной политики русского царизма в Средней Азии). Ташкент, 1935. 90-91-бетлар.

Мусулмонлар ҳолини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқ. Бизнинг ҳукмронлигимизда эса улар шундай ҳолга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши ғалаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак...¹". Олимнинг қанчалик даражада ҳақ эканлигини кейинги тарихий воқеалар тўла исботлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлиб ўтган қўзғолонлар ҳақида сўз кетгандан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қўзғолонлар турли халқлар ва ижтимоий табақалар вакиларидан иборатлигига, катта-кичиклигига, узоқ ёки қисқа давом этганига, турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг қўзғолонлардан қандай мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилганларига қарамасдан уларнинг барчасининг мақсади ўлкада мустамлакачилик зулмига барҳам бериш, маҳаллий халқларнинг озодлигига, мустақиллигига эришмоқ эди. Лекин тарқоқ, ягона ташкилий бирликка, ҳар томонлама пухта ўйланиб ишлаб чиқилган ҳаракат дастури ва режасига, қурол-аслаҳага эга бўлмаган қўзғолонларнинг барчаси чор қўшинлари томонидан ваҳшийларча бостирилди, кўхна Туркистон замини қонга ботирилди, тарихий обидалари, шаҳар ва қишлоқлари вайрон қилинди. Шунга қарамасдан XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган қўзғолонлар чоризмнинг мустамлакачилик асосларига сезиларли зарба берди. Энг муҳими, бу даврда бўлиб ўтган воқсалар маҳаллий халқларнинг мустамлакачилик тартибларига қарши норозилигининг кучайишига, сиёсий онгининг ўсишига, озодликка ва мустақилликка интилишининг фаоллашувига катта таъсир кўрсатди.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёning босиб олиниши оқибатида бу срда юз берган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётда юз берган ўзгаришлар, бўлиб ўтган тарихий-сиёсий воқсалар сиёсий-ҳуқуқий мафкурага ҳам ўз таъсирини ўtkазди. Ўлкада сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг янги оқимлари шаклланди, янги муаммолар

¹ Кўчирма олинди: Содиков Қ. Туркистон: уч инқилоб даврида. "Фан ва турмуш", 1990 йил, 1-сон, 14-бет.

күтарили, ғоялар илгари сурилди, турли оқимлар ўртасидаги кураш кескинлашди.

2. Феодал-клерикал сиёсий-ҳуқуқий мафкура

Туркистон ўлкасида том маънодаги мустамлакачилик, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига яриммустамлакачилик тартибларининг ўрнатилиши, уларнинг иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар маҳаллий ҳукмрон доиралар — амир, хон, беклар ва бошқа амалдорлар, йирик ер эгалари, руҳонийлар, савдогарларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган мавқега, уларнинг ҳуқуқий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатди. Бу таъсир айниқса Туркистон ўлкасида сезиларли эди. Бу ердаги маҳаллий йирик бойлар ва руҳонийларнинг кўпчилиги юқори мансаблардан маҳрум этилди, уларнинг даромад манбалари сезиларли қисқарди: вақф ерлари (масжидлар, мадрасалар, хонақоҳларга тегишли ерлар)нинг бир қисми давлат ерларига айлантирилди, Маккага зиёратга бориш чекланди, савдо-сотиқ соҳасидаги даромадларнинг кўпчилик қисмининг чор ҳукумати ва рус капиталистлари қўлига ўтиб кетиши маҳаллий савдогарларнинг имкониятларини ва даромадларни бирмунча чекланишига олиб келди, ўлкада руслаштириш сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга киришилди. Щу билан бирга дини, турмуш тарзи, урф-одатлари, ишлаб чиқариш усули жиҳатидан империянинг марказий минтақаларидан кескин фарқ қиласидан Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мустамлакачилик сиёсатини фақат қурол кучига таянган ҳолда амалга оширишнинг мураккаблигини, аниқроғи амалда мумкин эмаслигини яхши тушуниб етган чор ҳукумати турли ўйлар билан маҳаллий ҳукмрон доираларнинг бир қисмини ўз томонига оғдириш сиёсатини олиб боришга мажбур бўлди. Бу борада чор ҳукумати турли усуллардан фойдаланди, маҳаллий-ҳукмрон доираларнинг маълум бир қисмини қуий бошқарув органларига жалб қилди, ўлкада олиб борилаётган сиёсатга хайриҳоҳлик билдириб, аҳолини қаршилик кўрсатмасликка, янги ўрнатилган тартибга бўйсунишга ундан, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борувчиларга турли мукофотлар, мустамлакачи маъмурлар, капиталистлар ва савдогарлар билан ҳамкорлик қилувчиларга маълум бир имтиёзлар берди ва ҳоказо.

Чор ҳукуматининг маҳаллий мулкдорларга ва руҳонийларга нисбатан қўллаган икки ёқлама сиёсати улар

ўртасида бўлинишга олиб келди. Бу бўлиниш туфайли ўнглар ва сўллар оқими шаклланди. Бу икки оқим ўртасида ғоявий кураш борди, бу курашнинг асосий бош мавзуси — чоризм мустамлакачилик сиёсатига муносабат масаласи эди.

Бошқача қилиб айтганда, феодал-клерикал сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг биринчи оқими — ўнглар вакиллари шароитга мослашишга ҳаракат қилдилар. Улар ўз манфаатларини халқ манфаатларидан юқори қўйганлари ҳолда хоинлик йўлини тутдилар. Бу оқим вакиллари нима бўлсада ўз жонларини, мол-мулкларини, мавқеларини сақлаб қолиш мақсадида чор қўшинлари мамлакатларига ҳужум бошлаган дастлабки дақиқалардан маҳаллий халқларни босқинчиларга қаршилик кўрсатмасликка, уларга шаҳар дарвозаларини очиб беришга, уларнинг ҳукмронлигини ва қонун-қоидаларини тақдирга тан бериб, тан олишга чақирдилар. Генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари Самарқанд шаҳрини ишғол қилгандан сўнг ўтказилган халқ йифинида Мулла Камолиддин муфти йифилганларга мурожаат қилиб, шундай деган эди: "Биз мусулмонларнинг Каломуллоҳимиз бордур. Оллоҳ таоло ва таборак жаноби пайғамбаримизга Қуръонни юборған кезларда шаҳаншоҳи Ҳабашистон насора эди. Расулуллоҳ ғайридинлардан чўчиб, дини исломни қабул этган арабларга Ҳабашистонга кўчишни буюрдилар. Ҳабашистон шаҳаншоҳига ёрлиғ битиб, сен аларға ҳомийлик қил, мадад бер, деб кўрсатма бердилар. Ҳабашистон шаҳаншоҳи Расулуллоҳ саҳобалирига зўр мурувватлар кўргузиб, мақтову таҳсинларга сазовор бўлмишdir..." Қуръонда анинг тўғрида бундай демиш: ақоиди динда хусусий воқеот-ҳодисотга оид ҳар ояти муборак аҳамияти умумиядир ва шул далилдан аёндурким, насоралар аҳли исломға давлатхоҳлик ҳам илтифот кўргазурлар. Шу боис биз, аҳли ислом апероту (император — Ж. Т.) жаноблари ҳукуматининг муруввати ва рағбатидан ноумид бўлмай, итоат занжирига бўюнларимизни тутатурмиз. Ва биз (келажакда ўрис) давлатиға бирон-бир номуносиб ва зиён-заҳмат етказадигон ишларға асло қўл урмагаймиз...ҳуқмдори одил, ул кофир бўлса, бўлсун, ҳокимлиғда устувор турадур, зулмкор эрса, ҳатто ул дини ислом эрса-да, собит туролмайдур"¹. Муфтининг бу

¹ Мирза Абдулазиз Сомий. Мангит сultonлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг ишқирози. "Шарқ юлдузи", 1993 йил, 3—4-сонлар, 139-бет.

сұзларидан қаноат ҳосил қилған генерал Кауфман уни Самарқанд вилоятининг қози-юл-қуззоти лавозимига таинлади.

Феодал-клерикал мағкуранинг ўнг оқими вакиллари чор құшинларининг Ўрта Осиёга ҳужуми даврида ўз давлатларининг мустақиллигини сақлаб қолишга курашишдан құра босқинчилар билан мурасасозлик қилишга, уларниң барча шартларига құниб, сулҳа рози бўлишга, тақдирга тан бериб, чор маъмурларига бўйсунишга ўз давлат бошлиқларини кўндиришга эришадилар. Масалан, чор қўшинлари Каттақўрғонни ишғол қилиб, Зирабулоққа ҳужум қилишни режалаштираётган пайтда Бухоро амири томонидан ўтказилган кенгашда душман билан урушни давом эттириб, Бухоронинг давлат мустақиллигини сақлаб қолиш керакми ёки сулҳа тузиб, Россия империясининг вассаллигини тан олиш керакми деган саволга жавоб тариқасида Шукурбий,— иноқ қўйидаги таклифни киритади: "...Самарқанд ҳукми давлатдин айру тушғони-ю, душманлар мардоналик қилғони учун оҳ-воҳ қилиш ярамайдур, эмди Оллоҳ таоло ва таборакка умид боғлаб, бир қарорга келмоқ даркор. Жаҳон бу тахлит ўзгариш-тусланишларни кўп кўргон ва Самарқанд мағлубияти Бухоро салтанати ҳалокатиға, иншоолло, сабаб бўлмағай, инчунун замони аввалҳам ул шаҳар кўп замонлар ўзга хонларга тобе бўлғондур. Масалан, Абдуллохон соҳибқирон хонлиги даврида Самарқанд ўзбек Жавонмард Алихон мулки эди. (Амир) насоролар диловарлиғидин азият чекмоқда эканлар, бундан хавфсирамоқ жоиз эмасдур, илло губернатор давлати (ўрис) анпиратур сардорларидан бири холос ва ул насоролар қонун-қоидасиға биноан оқ подшоҳ амридан ташқари иш құра олмайдур, ҳукуматдан ўзга бир топшириқ олғон тақдирда — бошқа гап. (Кауфман) мухосараи Самарқанд борасида ахбор олғон шу кунларда радди мухосара бағоят зарур, деб билғони ва сулҳа ярашға мойил бўлғони шубҳасиздир. Губурнаторға сулҳа тузумоқ ниятила дарҳол бирон-бир кишини юбормоқ (ўзлари) эса соғ-саломат отланиб, Бухоро сари йўл олмоқ, маркази давлатда муҳим ўрин эгалламоқ — давлат учун баайни хайрли ишдур. Хотиржам бўлингиз, иншоолло, иш биз айтғонимиздек бўлур"¹. Таклиф амирга мұъқул бўлди. У Туркистон генерал-губернатори билан сулҳа тузишга қарор қилди.

¹ "Шарқ юлдзузи", 1993, 3—4-сонлар, 139-бетлар.

Хива хони Мұҳаммад Раҳимхон шаҳар останаларида уни босиб олишга шай турган чор қўшинларининг қўмондони Туркистон генерал-губернаторига шаҳарни қаршиликсиз топширишни билдириб, қўйидаги мазмунда хат йўллайди: "Кауфман генерал-губернатурнинг маълумлари бўлсинким, бизлар бурундин сиз жамоа била дўст эрдук, алҳол ҳам ҳамул дўстликда сабитқадамдурмиз. Бу бўлғон бир миқдор урушлар ҳам бизнинг хоҳишимиз била бўлғон эрмасдур. Туркман жамоаси бир ғаюр ҳалқурлар. Оларға дахл этманг десак ҳам қабул қилмай, мундоғ ҳодисаларни барпо қилдилар. Эмди таваққу үлдурким, мундоғ ишларга эътибор бермай, бурунғи дўстлиқни душманлиқға мубордал этмагайлар (алмаштиргайлар — Ж. Т.). Хуш келибдурлар. Бизга бир неча кун муҳлат бергайлар, токим, оларнинг шонларига лойиқ зиёфат асбобларин муҳайё қилғаймиз ва кўнглимиз тилагонича меҳмоннавозлик амурин тақдимға еткургаймиз ва муҳлат муддатида қадам ранжа қилиб келиб бизнинг ҳолимизга тушиб, бизга миннат қўйғайлар, вассалом"¹.

Ўнгларнинг тубанниклари шу даражага бориб етдики, ўз шаҳарлари дарвозаларини босқинчиларга қўшқўллаб очиб бериб, уларни нон-туз билан кутиб олганлари камлик қилганидек, бошқа ҳудудлар, шаҳарларнинг аҳолисини ҳам ўзларидан ибрат олиб, чор қўшинларига қаршилик кўрсат-масдан таслим бўлишга, чор маъмурларига бўйсунишга, уларга содиқ хизмат қилишга чақирдилар, мустамлакачиларни эса Туркистоннинг янги-янги ҳудудларини, шаҳар ва қишлоқларини босиб олганлари, бу ерларда ўз ҳукмронликларини ўрнатганликлари, тартиб-қоидаларини жорий қилганликлари билан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларида улкан зафарлар тилайдилар.

Жумладан, Қўқон хони Худоёрхон 1866 йил 24 майда Хўжанд, 2 октябрда Ўратепа, 18 октябрда Жиззах ишғол қилинганилиги муносабати билан Туркистон вилоятининг губернатори генерал Д. И. Романовскийга эришилган ғалаба билан табриклаб мактуб йўллайди, совфа-саломлар юборади, унинг келажакдаги ишларига муваффақиятлар тилайди.

¹ Мұҳаммад Юсуфбек Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. "Шарқ юлдузи", 1990 йил, 8-сон, 140-141-бетлар.

² Қаранг: Письмо от Худояр-хана губернатору Туркестанской области и управителю кипчаков. Романовский Д. И. Заметки по средне-азиатскому вопросу. Санкт-Петербург, 1868, док. №№ 54-57, 254, 256-бетлар.

Чор қўшинларининг Қўқон шаҳрини забт этиши муносабати билан Туркистон генерал-губернатори Кауфманга Сармарқанд шаҳрининг 62 маҳаллий амалдорлари ва "Хурматли кишилар"нинг муҳри босилган 1875 йилнинг 6 октябрида йўллаган табрикномасида қўйидаги сўзлар битилган: "Биз Маҳрам остонасида сизнинг раҳбарлигинги остидаги шонли рус қўшинлари эришган ғалаба ва Қўқонни қўлга киритганингиз ҳақидаги қувончли хабарни олдик. Бу хабар бизни жуда қувонтирди ва шу муносабат билан сиз жанобий олийларига табригимизни етказиш ва ҳалқ манфатини кўзлаётганингиз, тинчликни сақлаш ва шаҳарларнинг гуллаб-яшнаши йўлида доимо ғамхўрлик қилаётганингиз учун чин қалдан миннатдорчилик билдириш мақсадида сизнинг ҳузурингизга, Қўқонга ишончли вакилимиз сармарқандлик қози, мулла Мир Низомиддин ҳожини юбораёттирмиз. Қўқонни адолатли бўйсундириб, сиз оқ подшонинг буюк паноҳидагиларни норози қилган ва уларга зулм ўтказганлар жазоланишини қўшни аҳолига яна бир бор на мойиш қилдингиз. Биз, сизга содиқ ишончимиз комил, ҳар нарсага қодир оллоҳ туфайли сиздек меҳрибон ғамхўримиз ва ҳимоячимиз бўлмиш рус қуролли қўшинлари бор экан, биз ўз бойлигимизга эгамиз ҳамда ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан қўрқмай тинч ва осойишта ҳаёт кесирамиз"¹. Ўнглар чор ҳокимиятини тан олган ҳолда ўз манфаатларидан келиб чиқиб бошқарув, суд ва солиқлар билан боғлиқ бир қатор масалалар юзасидан чор маъмурларига таклифлар билан мурожаат қиласидилар. Жумладан, Тошкент шаҳрининг 58 кишидан иборат "хурматли кишилари"нинг муҳри босилиб 1865 йилнинг 18 сентябрида Оренбург генерал-губернаторига йўлланган "Табрикнома"да Тошкент аҳолиси Россия императори ҳокимиятини тан олган кунидан эътиборан тошкентликлар руслар ҳукуматига бўйсунсаларда, улар ўз ораларидан бошлиқ сайлаб оладилар ва маҳаллий аҳоли шу бошлиқ томонидан бошқарилади, дейилган эди. "Табрикнома"да шаҳар бошлиғи қилиб, генерал Черняевни қолдириш сўралган эди. Шунингдек, унда шариат билан боғлиқ бўлган барча ишларни бошқариш ва масалаларни ҳал этиш ҳуқуқини Қозикалонга бериш, юқори бошлиқ томонидан тайин этиладиган воситачилик ролини ўйновчи кишидан ташқари ҳеч кимнинг шариат билан боғлиқ ишларга аралашмаслигини таъминлаш, Тошкент

¹ Кўчирма олинди: Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. "Полиграфкнига", 1939, 34-бет.

шаҳрида ва унинг бошлиғига бўйсунадиган ҳудудлардаги қозилар, аъламлар, муфтилар, раислар, мутаваллийлар ва имомларни танлаш ваколатини ҳам қозикалонга бериш, у танлаган номзодларни лавозимга узил-кесил тайинлаш ҳуқуқини эса генерал Черняевга бериш ва илгари Тошкент беклиги таркибиға кирган барча ҳудудларни бошқаришни ҳам унга юклаш сўралади.

"Табрикнома"да Тошкент шаҳри аҳолисидан ундириладиган солиқлар масаласига алоҳида эътибор берилиб, унда шаҳардаги қозикалон рухсати билан эгалланган ва у томонидан тасдиқланган ҳовли ерлари юзасидан шариатда белгиланган солиқлардан бошқа барча йифимлардан озод қилиш, фойдаланиш учун берилган давлат ерларидан олинидиган ҳосилнинг 1/10 миқдорида солиқ тўлаш тартибини жорий қилиш, вақф мулкларидан умуман солиқ ундириласлик, улардан келадиган даромадлардан тегишилича фойдаланишга рухсат бериш илтимос қилинади.

Шунингдек, "Табрикнома"да Тошкент шаҳри аҳолисини ҳарбий хизматга жалб қилмаслик ва казакларга айлантираслик, ҳарбийларни қўноқ мажбуриятидан озод қилиш, қизларни никоҳдан ўтказиш ҳуқуқини қозикалонга, беваларнинг никоҳини қайд қилиш ваколатини раисга бериш сўралган эди.

"Табрикнома" якунида Тошкент шаҳри аҳолиси учун жорий этилган тартибларни, қоидаларни бошқа шаҳарлар аҳолиси учун ҳам жорий этиш, уларнинг аҳолисини, каттаю кичик амалдорларини Тошкент бошқарувига бўйсундириш илтимос қилинади¹.

Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатини ҳеч қандай қаршиликларсиз, бекаму кўст амалга ошириш мақсадида чор ҳукуматининг ва унинг ўлгадаги маъмурларининг ўрнататётган сиёсий-ҳуқуқий тартибларини, иқтисодий, савдо-сотиқ, маданий ва дин соҳаларида қилаётган ўзгаришларни, қўллаётган тадбирий чораларини ўнглар, уларнинг маҳаллий халқларга ғамхўрлиги, муруввати, дўстлиги рамзи сифатида кўрсатишга уринадилар. Амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлари учун улар ўз

¹ Қаранг: Адрес, поданный ташкентскими жителями Оренбургскому генерал-губернатору 18 сентября 1865 года Романовский Д. И. Заметки по средне-азиятскому вопросу, док. №24. 177-179-бетлар.

ҳомийларига бутун туркистонликлар номидан миннатдор чилик мактублари уюштирадилар.

Чунончи, юқорида зикр этилган Туркистон вилоятининг губернатори генерал Д. И. Романовскийга йўлланган мактуб фикримизнинг далили бўла олади.

Шунингдек, бунга 1866 йил 17 август куни Тошкент шаҳрининг 62 ҳурматли кишилари, шу жумладан 15 уламоси томонидан имзоланиб, тошкентликлар номидан ўлкага келган Оренбург генерал-губернаторига тақдим этилган хат ҳам мисол бўла олади. Жумладан, табрикномада шундай дейилган эди: "Биз Оқ подшонинг олий ҳукмронлиги остига ўтганимизга бир йилдан ортиқ бўлмаган бўлса-да, шу қисқа муддат ичидан ўзимизнинг қандай буюк баҳтга сазовор бўлганимизни тушуниб етдик, чунки динимизнинг дахлсизлиги сақланиб қолинди; мадрасаларимиз қўллаб-қувватланмоқда ва ривожланмоқда; динимиз ва ҳалқимиз урф-одатлари қоидаларига асосланиб, ишларни ҳал қиласиган ҳаққоний, беғараз ва адолатли маҳкама (ҳалқ суди) ташкил қилинди; биздан ҳеч қандай ноқонуний солиқлар ундирилмаётир; ҳеч ким бизни хафа қилаётгани йўқ, бизга жабр-зулм ўтказаётгани ҳам йўқ; хулоса қилиб, сиз жаноби олийларига шуни етказишга журъат этамизки, Бухоро амири қўшинлари тор-мор келтирилгандан сўнг шаҳримизда ва унинг атрофидаги жойларда авваллари бўлмаган мутлақ тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Бу муваффақиятлардан қатъи назар, агар бизнинг хоҳишимиздан ташқари, бирон-бир фавқулодда ҳолат билан боғлиқ ҳолда Тошкент ҳудудидан рус қўшинлари чиқариб кетилса, унда руслар бу ерда келганларича бўлган даҳшат, жабр-зулм ва зўравонликлар яна тикланиши мумкин деган фикр беихтиёр хаёлимизга келади, шунинг учун сиз жаноби олийларидан бизни шу қўрқинчли фикрдан ҳалос қилиб, қудратли ва мурувватли Оқ подшо ўзининг бошқа фуқаролари каби бизга ҳам ўз фарзандларидек қарашга ишонтириб, бизни тинчлантиришдан бош тортмаслигинизни ўтишиб сўраймиз"¹.

Табрикнома охирида қуйидаги сўзлар битилган эди: "Денгизнинг ичидан бошқа денгиз бўлмаганидек, давлатнинг

¹ Қаранг: Адрес жителей г. Ташкента, представлений 17 августа 1866 г. Романовский Д. И. Заметки по средне-азиатскому вопросу, док. № 68. 268-бет.

ицида ҳам бошқа давлат бўлиши мумкин эмас, шунинг учун империянинг бошқа қисмлари каби бизнинг вилояти-мизни ҳам бутунлай Россияга қўшиб олишни (императордан) илтимос қилишни ўз зиммангизга олсангиз.

Ушбу илтимосимизни бажариш билан Сиз бизга умрбод Оқ подшо аъло ҳазратларининг сиҳат-саломатликлари ва роҳат-фароғатларини оллоҳ таолодан илтижо қилиш, Сизни ва бошқа ўлкамизни бунёд этишда ва тақдиримизни ҳал қилишда қатнашаётган русларни дуо этиш мажбуриятини юклайсиз¹.

Бу мактублардан кўриниб турибдики, ўз жонини, мулкини ва мавқенини нима бўлса ҳам сақлаб қолиш мақсадида ўнглар ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмаганлар. Улар ўз мақсадларига эришиш учун босқинчилар билан муросасозлик қилишга, мустамлакачиларнинг ҳар қандай топшириғини лаббай деб бажаришга тайёр эдилар. Ўзларининг ниятларига эришиш учун ўнглар дастлабки даврлардаёқ мустақилликка интилувчи қучларни чор қўшинлари ёрдамида бостириш тарафдори бўлиб майдонга чиққан эдилар. Жумладан, Қўқон хони Худоёрхон Пўлатхон бошчилиги-даги қўзғолонни бостиришни илтимос қилиб, 1875 йилнинг 20 июлида Туркистон генерал-губернатори Кауфманга қуйидаги мазмундаги хатни ёзган эди: "...Қийин ва баҳтсиз дамларда энг ишонарли деб ўйлаган одамларим, жумладан, Мулло Исо Авлиё, Абдураҳмон офтобачи ва Ҳақназар парвоначи ўз қўшинлари билан менинг душманим бўлмиш исёнчи қирғизларга қўшилишиб, менга қарши уруш қилишди. Сиздан, Олий ҳазратларидан шу кунга қадар кўп яхшиликлар кўрдим. Сиз бу сафар ҳам ҳақиқий ёрдам бериб, мени қўллаб-қувватлайсиз, деб умид қиласман. Мен ўзимни ва Қўқон хонлигини Олий ҳазратлари, жаноб император ҳимоясига топширдим. Сизга дўстона илтимос билан мурожаат қиласман: Қўқон шаҳрига рус армиясини ва артиллериясини тезда жўнатиб, исёнчиларнинг мақсадини пучга чиқаринг. Умид қиласманки, Сиз бу илтимосимни бажо этасиз..."².

¹ Адрес жителей г. Ташкента, представлений 17 августа 1866 г., 269-бет.

² Бобоб ков X. Исён. "Шарқ юлдози", 1989 йил, 11-сон, 159-160-бетлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳужжатгоҳи, Ф. И-715, оп. 1. ед. хр. 63. 48-бет.

Феодал-клерикал мафкура ўнг қаноти вакиллари ўлкада чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг тарғиботчилари ролини ўйнадилар. Бу борада улар ўзларининг чақириқтарини асослаш учун Қуръон оятлари ва шариат қонунларидан айрим сўзларни, фикрларни келтириб халқни алдашга, мустамлакачилик сиёсатига нисбатан унинг салбий муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қиласидилар. Жумладан, Эшонхўжа Россия императорига ва Туркистон генерал-губернаторига ўлка халқларининг сўзсиз бўйсуниши зарурлигини қўйидагича асослаб беришга ҳаракат қиласиди: "Шариат уларга (туркистонликларга — Ж. Т.) ҳар қандай подшоҳга ва унинг ҳокимига итоат қилишни буюради, қаршилик кўрсатишни ва қўзголон кўтаришни эса тақиқлайди"¹. Шунинг учун мусулмонларнинг император ва унинг ўлкадаги вакилига бўйсунмоғи шартдир. Мусулмонлар рус подшоҳига ва унинг ўлкадаги маъмурларига қаршилик кўрсатмасдан сидқидилдан хизмат қилишлари лозим. Бу мусулмонлар учун шариат томонидан юқлатилган мажбуриятдир. Бу мажбуриятни бажармовчилар жазога лойиқдир. Мусулмонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари шариатга зид, ўрнатилган тартибларига риоя қилмасликлари, норозилик билдиришлари уларнинг ўзлари учун заардан бошқа нарса эмас. Масалан, эшон Бобохон Туранинг таъкидлашича, подшоҳга қарши ҳар қандай норозилик шариат урф-одатига ва қонунларига зиддир, норозилик, ғалаёндан фақат умумий зарар бўлади².

Ўнгларнинг вакиллари Россия империясида, унинг таркибий қисми бўлган Туркистонда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий тартиблар, бошқариш тизимини энг адолатли, халқпарвар, ақлга мос бўлган тизим эканлигини турли соҳта далиллар асосида исботлашга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг таъкидлашларича, буюк рус подшоси, Туркистон генерал-губернатори ва ўлка бошқарув идоралари амалдорларининг муруввати, инсонпарварлиги, маҳаллий халқларга кўрсатган ғамхўрлиги туфайли мусулмонлар осойишталикда ва роҳат-фароғатда ҳаёт кечирганлар, туркистонликларнинг ҳуқуқлари русларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштирилди, камбағаллар бойиди, саноат, савдо ва деҳқончилик янада ривожланди, маҳаллий аҳолига иқти-

¹ Туркистон вилоятининг газетаси. 1898 йил 31 август.

² Туркистанские ведомости. 1898, 71-сони.

содий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда фаоллик кўрсатиш учун имкониятлар яратилди, Маккага ҳажга боришга рухсат этилди, солиқлар камайтирилди, диний эътиқодни амалга оширишга кенг йўл очилди, шариат қонунларининг амал қилиши йўлга қўйилди, шаҳарлар ободонлаштирилди, янги турдаги мактаблар ва бошқа ўқув масканлари ташкил қилинди, касалхоналар қурилди, масжидлар тикланди ва мусулмонлар манфаатларини кўзлаб бошқа тадбирий чоралар амалга оширилди¹. Мусулмонлар ҳақида қилган бу "ғамхўрликлари" учун ўнгларнинг вакиллари Россия императорига ва Туркистон генерал-губернаторига аatab қасидалар ёздилар, уларни кўкларга кўтариб мақтадилар. Жумладан, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг муддариси Мулла Абдукарим Фозибадалов Оқ подшоҳга ва унинг Туркистондаги ноибига аatab ёзилган қасидасида Россия императорини подшоҳлар подшоси, бутун ер юзининг ҳукмдори, ҳақгўйликда, Нушервондан, сахийликда Ҳотамтойдан қолишмайди деб кўкларга кўтариб мақтайди, Туркистон генерал-губернаторини мусулмонларнинг шавкатли ҳукмдори, подшоҳлар подшоҳининг вазири, Ҳотам, Рустамга тенглашувчи ноиб сифатида таърифлайди.

Ўлкада мустамлакачилик сиёсатини тўла-тўкис амалга ошириш мақсадида чор ҳукумати томонидан ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирий чораларни феодал-клерикал мафкуранинг ўнг қаноти вакиллари рус подшоси ва унинг ўлкадаги маъмурларининг туркистонликларга нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлиги, муруввати, маърифатпарварлиги намунаси сифатида исботлашга зўр бериб ҳаракат қиладилар. Жумладан, Тожимуҳаммад Исомуҳаммад ўғли бу ҳақда шундай деб ёзади: "Подшоҳи аъзам император ҳазратларимиз ва ул олампаноҳга тобе ҳукуматдорлар фуқароларнинг тинч ва осойишта бўлиб бой бўлмоқларини хоҳлаб, ҳамма шаҳар ва қишлоқларга школ (рус-тузем мактаби — Ж. Т.) барпо қилдириб, халқнинг олим ва ҳунарманд ва бой бўлмоғига сабаб бўлиб турибдурлар"².

Шунингдек, ўнглар Туркистон ўлкасида қисман, Бухоро амирилиги ва Хива хонлигидан асосан шариат нормаларининг амал қилишига рухсат этилганлигини ҳам чор

¹ Қаранг: Туркистон вилоятининг газетаси. 1886 йил 20 июнь, 1888 йил 4 август, 1889 йил 24 июль, 1889 йил 3 август.

² Описание Парижской выставки и гор. Парижа Паджи-Муҳаммада Иса-Мухамедова (Туркистон вилоятининг газетаси, 1900 йил 18 ноябрь).

ҳукумати ва унинг ўлкадаги маъмурларининг маҳаллий халқларига кўрсатган муруввати деб билиб уларнинг бундай "фуқаропарварлик", "мусулмонпарварлик"лари учун ўз ҳомийларига таҳсинлар изҳор этиб, миннатдорчилик хатлари ёзадилар. Жумладан, Тошкент шаҳрининг чор қўшинлари томонидан ишғол қилинганинг 21 йиллигига бағишилаб ўтказилган йиғилишда Муҳаммад Муҳиддинхўжа маҳаллий аҳоли номидан Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб шундай дейди: "Буғун биз, Тошкент шаҳрининг мусулмонлари жаҳондаги қудратли давлат Россия императори, оқ подшо ҳомийлигига ўтганимизга 21 йил тўлди.

Бу кун биз мусулмонлар, Тошкент шаҳри аҳолиси учун унутилмас кундир. Шаҳар ишғол этилгандан сўнг бизнинг динимиз ислом, шариатга биноан иш кўрадиган халқ суди сақлаб қолинди, ҳамма жойда осойишталик ва ҳокимиятнинг халққа ҳомийлиги ўрнатилди ҳамда шаҳарни бошқариш ҳуқуқи бизга ҳадя этилди. Буларнинг натижасида биз эркин ва осойишта ҳаёт кечирмоқдамиз, савдо-сотик, саноат ва деҳқончилик ривож топди.

Бугунги унутилмас кунда берилган имкониятдан фойдаланиб, биз бутун аҳоли номидан Сиз жаноби олийларидан бизнинг содиқ фуқаролик ҳисларимизни ва дуоларимизни юз миллионлик турли қавмларнинг ҳомийси Буюк Россия императори Олампаноҳга етказишингизни ўтишиб сўраймиз...".

Ўнглар чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига, ўлкада жорий этилган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга, мустамлакачилик маъмурлари ва уларнинг маҳаллий малайларига қарши қаратилган ҳар қандай норозилик ҳаракатичи, айниқса, ғалаёнлар ва қўзғолонларни кескин қоралайдилар, уларни бостиришни, исёнчиларни эса шафқатсиз жазолашни чор ҳукуматидан ва унинг ўлкадаги вакилларидан илтимос қиласилар. Жумладан, Бухоро амирлигининг ҳукмрон доиралари вакиллари амирга Абдуалик тўра раҳбарлигидаги мустақиллик тарафдорлари ҳаракатини бостиришни Туркистон генерал-губернаторидан илтимос қилишни маслаҳат берадилар. Улар мустақиллик тарафдорлари ҳаракатини зудлик билан бостириш зарурлигини қўйидагича изоҳлашга уринадилар: "бу мунофиқлар (исёнчилар — Ж. Т.) ила тўрага қарши туришлик оқиба-

¹ Туркистон вилоятининг газетаси, 1886 йил 20 июнь.

тида давлат емирилиб, самараси шармисорлик бўлур. Тўра исёни ва қабилалар ғулғуласи зуҳур бўлғон ондан шул равшан эрдиким, бу жамики исёну ғалаёндин мақсад насронийлар ила муборизадур ва жаноби олийлари (амир — Ж. Т.) ға адоватнинг боиси ўрислар ила дўстона муносабатидур. Аслан (исёнкорлар) — губурнатур душманидир, алар нияти насронийларни қиришдур ва (ҳозир ҳам) уларни қиришга интиладилар ва алар ғалаёнини бостиримоқ бизлардан ҳам губурнатурнинг ўзига даркордур. Инчунун, губурнатурға мактуб битиб, ани исённи бостиримоққа даъват этмоқ зарур. Губурнатур ўз давлатини мустаҳкам этмоқ ҳам жаноби олийлари ила дўсту ёрлиқни оширимоқ ниятида ризо бўлиб, аларға қарши ўт оташ замбараклари ила бир даста қўшинини йўллайдир ҳам мазкур исёнкорларни тарқатиб юборадурким, бунга шубҳа-гумонимиз йўқдур. Ҳар икки тараф кўрадурғон талофоту зиёну зарар эрса Давлати Олий фойдасиға бўлур¹. "Салтанат устунлари"нинг маслаҳати асосида амир Музаффар Туркистон генерал-губернаторига қўйидаги мазмунда хат ёзади: "Қабилалараро жамики ғулғула ҳам тўра билан булатурган можаролар ва аларнинг Давлати Олий (Бухоро)га ғазаб-нафрати — насронийларнинг келиши туфайлидир ва (шу боис) Бухоро давлати ҳам давлати насроний ўртасида дўстлик ва тинчлик ўрнатилғонидан кейин (ғалаёнлар) кучайдики, эмди можаро оловини ўткир қилич зарбисиз сўндиримоқдин бўлак илож йўқдур... Ўзаро бирликни муҳофаза этишчун Сиз (ўз) қўшнингиз сафидан тўпу қуроллар ила бир даста сафарбар этмоғингиз даркордур, токи ул тўра ҳамда исёнкор қабилалар илдизига болға ургай". Амирнинг хатига жавоб тариқасида Туркистон генерал-губернатори мустақиллик тарафдорларига қарши курашга ўнг минглик ҳарбий қўшин ва ўнта замбаракни жалб қилди. Бунга Бухоро амири Музаффар, Тўхтамиш иноқ ва Ёқуб қушбегилар бошчилигидаги 10000 кишилик амирлик сарбозлари келиб қўшилди. Натижада мустамла-качилар ва маҳаллий малайларнинг мустақиллик тарафдорларига қарши шафқатсиз олиб борган уруши уларнинг ғалабаси билан тугади.

¹ Мирза Абдулазиз Сомий. Мангит сultonлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқизози ("Шарқ ўлдузи", 1993 йил. 5-6-сонлари).

² "Шарқ ўлдузи", 1993 йил. 5-6-сонлар.

Ўнглар мустақиллик тарафдорлариға қарши курашни изчилиллик билан давом эттириб, уларни тубанликда, яхшиликни билмасликда, оқ подшо ва унинг ўлкадаги вакилларининг мусулмонларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва фуқаропарварлигининг қадрига етмасликда айблайдилар. Бундай айблашлар, айниқса 1898 йилда бўлиб ўтган Андижон қўзғолонидан сўнг авж олади. Жумладан, Туркистон вилоятининг газетасида эълон қилинган "Оме эшонлар ҳақида бир мусулмоннинг мулоҳазаси" номли мақолада шундай дейилади: "подшоҳимиз ва ҳокимларимизниadolat ва raиятнавозликларидан ҳамма вақт осойишта туриб podshoҳimiz ҳазратларига ва бош ҳокимларимизга содиқ дилдан итоатларин изҳор айлаб оқ юзлик бўлиб турган бечора фақирларни аларнинг назларинда шармсор ва сарнакун этди. Агар ул оме эшон (Муҳаммад Али (Дукчи) — Ж. Т.)да илим бўлса эрди, бу фитнанинг шариатга муҳолиф эканини билиб, бу тариқа улуғ фасод ва гуноҳга иқдом қилмас эрди. Агар ул соҳиби ақл бўлса эрди мавжуд ақлни бу зиён ва фасоддан ман қилур эрди". Мақола муаллифи ўз фикрини давом эттириб, Россия империяси улуғ давлат, бундай давлатнинг фуқароси бўлиш мусулмонлар учун катта баҳт эканлиги, бундай буюк давлат таркибига қўшиб олинганларидан сўнг туркистонликларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берганлиги чор ҳукуматининг ва унинг ўлкадаги ҳокимларининг фуқаропарварлик сиёсатининг маҳсули эканлиги ҳақида ёзади. "Инсоф назари билан қарасак,— дейди муаллиф,— маълум бўлсадирким бурунги замондаги аҳволимизга қараганда алҳол бизларга ҳар важдан на миқдор тараққиёт ҳосил бўлгандир. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда иморатларимиз бурунги иморатлардан олийроқ ва яхшироқ ва таом ва хурокларимиз бурунги таом ва хуроклардан тозароқ ва лутфроқ ва либосларимиз бурунги либослардан озодароқ ва қимматбаҳороқ ва деҳқонларимиз бурунги деҳқонлардан ишлари каттароқ ва қўллари узунроқ, ҳунарманд аҳли ҳарфаларимиз бурунги ҳунарманд аҳли ҳарфалардан яхши асбоб ва машиналар усули бирлан ишлари осон ва ҳунарларида камолроқ ва бойлар ва тижорларимиз бурунги бойлардан кўпроқ ва ҳам тутган ишлари бурунги бойлар ишларидан неча даражада улуғроқ

¹ Рассуждение мусульмана о неучих-ицанаах (Туркистан вилоятининг газетаси, 1898 йил 20 июль).

ва бурунги замондаги бойлар либос ва хурокларидан бул замондаги камбағалларнинг либоси ва хуроклари ортиқроқ. Кўчаларимиз ва бозорларимиз бурунги кўча ва бозорлардан ҳамвор ва озодароқ ва катта йўлларимиз бурунги йўллардан текис ва ҳамвор. Ҳар бир фарсоҳ ерда яхши станциялар ва работлар ва саройлар бино бўлгани сабабидан осойишталик ва қароқчилар хавфидан иминроқ ва телеграммалар хосиятидан ҳар қандоғ узоқ ерлардан зарурат бўлганда бир-икки соат ичинда хабар олмоғимиз ва бермоғимиз осон ва оташ аробалар хосиятидан узоқ ва машаққатлик ва кўп харажатлик йўлларимиз яқин ва осон ва ҳам кам харажат. Агар ўз шариатимизга мувофиқ худо таолого бандалик қиласиз десак ва ё илм ўқиймиз десак мадрасаларимизнинг ва масжидларимизнинг эшиклари очиқ... Буларнинг ҳаммаси "раиятпарвар ҳазрат император аъзамнинг" туркистонликлар ҳақидаги ғамхўрлиги маҳсулидир. Бундай "буюк неъмат"нинг қадрига етмаслик, шундай "инсонпарвар" ҳукуматга қарши қўзғолон кўтармоқ фақат ақлсиз, нодон, оме кишиларнинг ишидир". Мақола муаллифи ўз сўзини якунлаб, император ҳазратларининг бу улуғ неъматларининг қадрига етмасдан қўзғолон кўтарғанларни кескин қоралаб, уларга лаънат тошларини ёғдиради, туркистонликларни чор ҳукуматига, унинг ўлкадаги ҳокимларига итоат қилишга, чин дилдан хизмат қилишга, уларнинг ҳақларига дуо қилишга чақиради.

Ўнглар Андижон қўзғолони иштирокчиларини қоралаш билан чекланиб қолмасдан, уларга нисбатан кескин чоралар кўриш масаласини ўртага қўядилар. Бундан ташқари, улар Андижонда содир бўлган "хунук" воқеалар учун чор ҳукуматидан ва унинг ўлкадаги вакилларидан бутун Туркистон аҳолиси номидан кечирим сўраб, келажакда бундай воқеалар юз бермаслиги учун бутун имкониятларини ишга солажаклари ҳақида ваъдалар берадилар. Чунончи, Туркистон генерал-губернатори лавозимига яқиндан тайинланган С. М. Духовскийни кутиб олишга бағишлиланган Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувда қози Муҳаммад Муҳиддинхўжа генерал-губернаторга мурожаат қилиб шундай дейди: "Бутун Тошкент аҳолиси номидан Сиз жаноби олийларини генерал-губернаторлик лавозимига тайинланганлигингиз ва бу ерга эсон-омон етиб келганингиз билан табриклаймиз ва қувонамиз. Сизнинг бу лавозимга тайинланганингиз ҳақидаги қувончли хабарни эшитиб, Сизни тўла хурсандчилик ва қувонч билан муборакбод этамиз

деган умидда эдик. Лекин Андижонда юз берган қабиҳ исён туфайли биз ҳаммамиз уятли ва хижолатли бир аҳволдамиз. Шунга қарамасдан биз Тошкент аҳолиси ўзимизнинг давлатпаноҳ императоримизга чин қалбдан содиқлигимизни изҳор қиласмиз ва ҳеч қачон бундай қабиҳ ишга Сирдарё вилояти, айниқса биз Тошкент аҳолиси заррача ҳам йўл қўймаслигимиз ҳақида Сиз жаноби олийларига ваъда берамиз ва бизнинг ўлкамизга сизнинг эсономон етиб келишингиз бутун аҳолининг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигининг гарови бўлади деб худодан илтижо қиласмиз¹.

Юқорида баён қилинганлар шундан далолат берадики, ўзларининг шахсий ва табақавий манфаатларини халқ, миллат, Ватан манфаатларидан юқори қўйган, чор ҳукуматининг малайлари маҳаллий бойлар, руҳонийлар, майда амалдорларнинг вакилларидан иборат бўлган ўнглар Ўрта Осиёда мустамлакачилик зулмини қўллаб-қувватлаш, ўз миллатдошлари ва диндошларини мавжуд тартибларга бўйсундириш, эзиш, талаш, ўлканинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож қилишда чор маъмурлари билан ҳамкорлик қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш йўли билан ўзларининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда тутган мавқеларини сақлаб қолиш, янги имтиёзларга эга бўлишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Ўнглар ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида халқини, миллатини, Ватанини сотдилар. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари жараёнида уларнинг бир қисми ўлдирилди, уйлари ёндирилди, мол-мулклари талон-торож қилинди. Феодал-клерикал мафкуранинг биринчи оқими — ўнглардан фарқли улароқ иккинчи оқим вакиллари — сўллар эса ўлкада чор ҳукумати ва унинг вакиллари олиб борган босқинчилик, мустамлакачилик, христианлаштириш ва руслаштириш сиёсатига кескин қарши чиқиб, ўз мамлакатлари, давлатларнинг мустақиллиги учун амалий ва ғоявий кураш олиб бордилар. Улар чор ҳукумати қўшинлари Ўрта Осиёга ҳужум бошлаган дастлабки онларданоқ чет эл босқинчиларига қарши кескин курашиш лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган эдилар. Жумладан, 1853 йилда Оқ мачит қалъасини қамал қилган чор қўшинларининг қўмондони, генерал Перовскийнинг таслим булиш ҳақидаги таклифига

¹ Туркстанская туземная газета. 10 июня 1898 года.

қалъа ҳимоячилари шундай жавоб қайтарган эдилар: "Бизлар бир дона порох ва күчада бир дона кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча курашамиз!"¹. Ҳақиқатан ҳам қалъа ҳимоячилари ўз ваъдаларига вафо қилиб, қаҳрамонларча жанг қилдилар. Уларнинг қаҳрамонликларига ҳатто босқинчи генерал Перовский ҳам тан берган эди. Ўзининг юқори бошлиқларга юборган ахборотида у шундай деб ёзган эди: "Қалъанинг деворларида ва ички томонида қўмондон Муҳаммад Алининг ҳалок бўлишига қарамай, юзбоши Лапас бошчилигига ниҳоятда катта жасорат ва матонат билан жанг қилдилар. Ҳамда ўзлари қасам ичганидек охирги дақиқагача имкони борича курашдилар".²

Феодал-клерикал мағкуранинг сўл қаноти вакиллари Ўрта Осиё шаҳарларини бирин-кетин босиб олаётган чор қўшинларига қарши маҳаллий халқларни бир жон, бир тан бўлиб курашга чорладилар, ўзлари бу курашга бошчилик қилдилар. Жумладан, чор қўшинлари Тошкент шаҳрига ҳужум қилиш арафасида бу ерда бўлган XIX асрнинг 40-йилларида қозоқ халқининг мустақиллик учун олиб борган курашига бошчилик қилган Содиқ Кенесар ули Қосимов тошкентликларни бир жон, бир тан бўлиб босқинчиларга қаршилик кўрсатишга, улар томонидан босиб олинган Чимкент, Туркистон, Авлиё-ота, Оқмачит қалъаларини озод қилиш учун курашишга чақиради. Аммо Тошкент ҳукмрон доираларига мансуб айрим гуруҳлар Қосимовнинг босқинчиларга қарши курашга ундовчи чақириқларига ишончсизлик билан қарадилар, у Тошкентда бутун ҳокимиётни ўз қўлига олмоқчи, ўз сулоласини ўрнатмоқчи деб шубҳа қилдилар. Бунинг оқибатида тошкентликларнинг ташкилий жиҳатдан бирлиги бир оз заифлашди, ҳимоячилар орасида маълум даражада иккиланиш кайфияти пайдо бўлди. Бундан фойдаланган чор қўшинлари қўмондони генерал Черняев 1864 йилнинг кузида Тошкентга ҳужум бошлади. Лекин чор қўшинлари тошкентликларнинг қаттиқ қаршилигига учраб, орқага чекинишга мажбур бўлди. 1865 йилнинг баҳорида чор қўшинлари Тошкентга иккинчи марта ҳужум бошлаб, Ниёзбек қалъасини ишғол этдилар ва шаҳарни сув билан

¹ Кўчирма олинди: Зиёев Ҳ. Туркистон ва чоризм истилоси (Мулоқот, 1991 йил., 3-сон, 40-бет).

² Кўчирма ўша жойдан олинди.

таъминловчи бош ариқ Анҳорни бекитиб қўйдилар. Шаҳар аҳолиси сувсиз қолди. Қамалда қолган Тошкент шаҳрида аҳолини озиқ-овқат, биринчи навбатда нон билан таъминлаш қийинлашди. Тошкентликлар қийин аҳволда қолган бир шароитда, уларнинг илтимосига биноан ёрдамга етиб келган ўша вақтдаги Қўқон хони Алимқул шаҳарнинг ҳукмрон доиралари ва ҳимоячиларнинг йиғинида алангали нутқ сўзлаб, тошкентликларни мустақиллик, дин, эътиқод учун душманга қарши курашга чақиради¹. Бундан руҳланган тошкентликлар шаҳарни ҳимоя қилиш учун бутун имкониятларини ишга солиб, жангга киришдилар. Жангда Алимқулнинг оғир ярадор бўлиб ҳалок бўлиши шаҳар ҳимоясига катта зарба бўлди. Ҳимоячилар орасида бошбошдоқлик, қочоқлик, сотқинлик ҳоллари юз бера бошлади. Тошкентликларнинг ёрдам сўраб Бухоро амири Музаффарга қилган мурожаати ҳам натижасиз қолди. Ташқаридан ҳеч қандай ёрдам ололмаган, узоқ давом этган қамал туфайли қийин аҳволда қолган тошкентликларнинг ҳар томонлама ўзларидан устун бўлган душманга таслим бўлишдан бошқа чоралари қолмади.

Ўз манфаатларини ўйлаб мустамлакачилар малайига айланган маҳаллий ҳукмрон доиралар вакилларининг хоинлик, сотқинлик йўлига ўтишлари туб аҳолининг уларга нисбатан нафратини қўзғади. Аҳоли ўз ҳукмдорларидан чет эл босқинчиларига қарши кураш чораларини кўришни қаттиқ туриб талаб қилди. Душманга қарши курашишда сусткашлик қилганликлари, мамлакатни ҳимоя қилиш учун зарур чораларни ўз вақтида кўрмаганликлари учун маҳаллий ҳукмдорларга қарши ҳалқ қўзғолон кўтарган ҳоллар ҳам бўлди. Бу қўзғолонларга ундовчилар, уларнинг раҳнамолари сифатида сўллар майдонга чиқдилар. Жумладан, чор қўшинлари Самарқандни ишғол қилгандан сўнг Бухоро амири Музаффархоннинг ўз давлатининг мустақиллигини сақлаб қолиш ўрнига чор ҳукуматига таслим бўлиш, ҳар қандай шартларга рози бўлиб, сулҳ тузишга мойиллигидан хабардор бўлган ҳалқ амирдан қандай бўлмасин урушни давом эттиришни талаб қилиб, қўзғолон кўтарди. Қўзғолондан саросимага тушган амир Музаффар беклар билан маслаҳатлашиш мақсадида кенгаш чақиради. Кенгашда сулҳ тузиш ёки босқинчиларга қарши урушни

¹ Қаранг: История народов Узбекистана. Т. 2. Тошкент, изд. АН УзССР, 1947, 213-бет.

давом эттириш масаласи мұхқокама қилинади. Лашкарбоши Усмонбекнинг "Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда коғирларга контрибуция (төвон) тұлғандан күра, бир томчи қон қолгунча курашиб афзалроқдир", деган таклифи кенгаш қатнашчилари томонидан бир оғиздан мақұлланди. Чор құшинлари билан урушни давом эттиришдан бошқа иложи қолмаган амир Музаффар үз сарбозларига мурожаат қиласы: "Содиқ мусулмон фуқаролари! Сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, ғалаба биз томонда бұлғай. Самарқанд ва Каттақұрғоннинг құлдан кетиши биз учун унчалик катта йүқотиш эмас. Биз темурийлар авлодимиз, биз үз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни күрсатиб құйымиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини коғирлар күз ўнгіда намоён этишингизга умид қиласам. Халқ биздан ғалаба күтәпти. У жангдан сұнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашған ва еримизни коғирлардан тозалаганлар деб айтишсін...".

Сұллар мустақиллік учун кураш ҳақидағи ғояларни илгари суриш ва уларни мақаллий халқлар орасыда тарғиб қилиш билән чегараланыб қолмасдан, бу ғояларни амалға ошириш учун үз имкониятлари доирасыда бир неча бор ҳаракат қылдилар. Бундай ҳаракатлардан бири 1873—1876 йилларда Құқон хонлиги мустақилліги учун олиб борилған кураш эди. Халқ құзғолони тусини олған мустақиллік учун курашувчиларнинг асосий мақсади — собиқ Құқон хонлиги бутун ҳудудида мустамлакачилик тартибларига барқам бериш, халқ оммасини чет әл босқинчилари зулмидан озод қилиш, чор құшинлари томонидан босиб олинған шаҳар ва қишлоқтарни хонлик таркибиға қайтариш, мустақил Құқон хонлигини тиклаш эди. 1873 йилда Құқонда бошланған құзғолон кейинчалик бутун Фарғона водийсига ёйилди. Мазкур құзғолоннинг сабаблари ва мақсадлари ҳақида унинг раҳнамоларидан бири Абдураҳмон офтобачи шундай деб ёзған эди: "Худонинг иродаси билан, ярамас руслар (чор құшинлари — Ж. Т.) мусулмон шаҳарларини әгаллаб олди. Тошкент, Үратепа, Самарқандда динимиз шульасини үчириб, эътиқодимизга пу-

¹ Күчирма олинди: Зиёев Ҳ. Чоризм истилоси. "Шарқ юлдوزи", 1990 йил., 8-сон, 188-бет.

тур етказдилар. Шу сабабли ҳам биз, барча мусулмон халқлари ўз хонимиздан муқаддас уруш бошлашни сўраймиз (Қўқон хони Худоёрхон назарда тутилаётир.— Ж. Т.). Лекин у ҳақ йўл қолиб, ноҳақ йўлдан кетмоқда. Руслар билан тил бириктирган кўринади. Кўплаб совғалар жўнатган ва рус подшосидан "муқаддас хон", деган ёрлиқ ҳам олган. Шу сабабли бизнинг илтимосимиз ва маслаҳатларимизга қулоқ солмаяпти. У ўз юзини мусулмонлардан тескари ўғирди ва биздан йироқлаши. Шундан сўнг биз барча руҳонийлар йигилишиб, ноқонуний ишларнинг барчасини биргалашиб йўқ қилдик, собиқ хонимизнинг катта ўғли Сайд Муҳаммад Насриддинбекни хон этиб тахтга ўтқазиб, уни ўзимизнинг олий ҳукмдоримиз деб тан олдик, ҳар нарсага қодир худо ва унинг улуғ пайғамбарлари ва муқаддас уруш учун белни маҳкам боғладик. Бизнинг тарафимизга икки ёки уч лак (100.000 — Ж. Т.) одам йигилади, биз ёшу қари диний урушни ўзимиз учун мажбурий деб биламиз, худонинг ёрдамига умид қилиб, худо хоҳласа коғир руслар билан бир киши қолгунгача урушамиз: ҳақиқат ноҳақлик устидан ғалаба қиласа, бу ажабланарли эмас".

Бухоро амирлиги ҳудудида чор ҳукуматининг мустамла-качилик зулмига барҳам бериш, амирликнинг мустақиллигини тиклашга қаратилган илк уринишлардан бири 1873 йилнинг ёзида юз берган эди. Ғузор, Шаҳрисабз, Қарши вилоятларининг ҳукмрон доираларидан мустақиллик тарафдори бўлганлари амир Музаффарнинг ўғли Абдумалик тўра атрофига тўпланиб, Қуръони каримни ўртага қўйиб "Тўранинг узангиси ёнида жиҳодга отланиб, жонимизни қурбон айлашга ҳозиру нозирмиз", деб ўзаро битим туздилар. Шундан сўнг улар Ҳисор қабилалари, Шеробод қўнғиротлари, Қарши ўзбеклари, эрсори (қабиласи) туркманларига мактублар ёзиб, жамики аҳли вилоятларни жиҳодга, тўранинг қўл остига чорладилар. Барча вилоятлардан, (турли) қабилалардан Ғузорга ғозийлар йигилиб, тўрага қасам ичдилар. Соңсаноқсиз одамлар этиб келиб, қисқа фурсатда бир неча тўп ясад, зарур жиҳозлар тайёр қилиб қўйилди...

¹ Галузо П. Г. Туркестан-колония. (Очерк истории колониальной политики русского царизма в Средней Азии.) Ташкент, 1935. 87-88-бетлар. Дело канцелярии Туркестанского генерала-губернатора. №174, 1875 г. III варақ.

Қурол-яроғ ҳозирланиб, бир кўп ғозийлар тўплангач, (тўра тарафдорлари) ўша (яъни ўрис) ларга қарши мубориз (кураш) бошлаш мақсадида Фузордан чиқиб, Шаҳрисабз орқали Самарқанд томон отландилар. Шаҳрисабз ҳокимлари тўрага пешвоз чиқиб, жамики лашкарлари-ю кенагаслардан иборат ғозийлар тўра лашкарларига қўшилдилар¹. Кейинчалик исёнчиларга хитой-қипчоқ, қорақалпоқ қабилалари ва Самарқанд тожиклари қўшилдилар. Мустақиллик тарафдорлари томонидан Самарқанд шаҳри қамал қилинди. Шаҳарни бутунлай қўлга олиш, бу ерда ўрнатилган мустамлакачилар ҳукмронлигига барҳам бериш имконияти туғилди. Бундан маҳаллий сотқинлар туфайли хабар топган Туркистон генерал-губернатори Кауфман Каттақўрғонда турган ҳарбий қўшинни мустақиллик тарафдорларига қарши урушга жалб қилди. Қуролланиш жиҳатидан устун бўлган рус қўшинининг жангда қўли баланд келди. Мустақиллик учун курашчилар Самарқандни ташлаб, Шаҳрисабз сари йўл олишга мажбур бўлдилар.

Кучлар нисбатини, чор қўшинларининг қуролланиш жиҳатидан устунлигини ҳисобга олиб, сўлларнинг айrim вакиллари босқинчиларга вақтинчалик қаршилик кўрсатишни тўхтатиб, улар билан сулҳ битимиши тузиш, кейинчалик куч тўплаб, яхшилаб қуролланиб, ўлкадаги барча мустақиллик тарафдорларини бирлаштириб, душманга қарши кураш ҳақидаги ғояни илгари сурдилар. Чунончи, Бухоро амирлигининг йирик мансабдорларидан бири — Раҳмонқўлбий — парвоначи бу ҳақда шундай деган эди: "Оре, ҳозир сулҳ — яраш-жанжалдан афзалроқдер, инчунун, ўзбек лашкари шу вақтга қадар қўшини зўр бундоқ душманга рўбарў бўлмоғондур. Ҳар ишнинг ўз йўриғи бордур. Ўзбекларда насоролардаги каби восита, ҳимоя, қуролу яроғ йўқ, шу боис алар бир кўп муҳорабаларда қочмоқдан бўлак илож тополмағондурлар. Турфа мағлубиятга дучор бўлишиб, нақд анжому қуролу яроғда мосуво бўлмишдурлар. Эндида насоролар ила уруш-жанжал (бизларға) мағлубияту қоч-қочдан бўлак самара бермағай. Тадбири аёнга исбот чикора! Насоролар ила, не бўлса-бўлсин, сулҳу яраш борасинда музокарот юритайлук,

¹ Мирза Абдулазим Сомий. Мангит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози ("Шарқ юлдузи", 1993. З-4-сонлар, 140-бет).

дўст бўлайлук ва айни чоғда воситаи қаршилиқ ҳам яроғи жанг ҳозирлаб, чала, сони кам лашкаримизни диловар йигитлар ила бут қилиб, ҳарбий ҳаракатларга ҳозирланайлуқ¹. Феодал-клерикал сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг сўл қаноти вакиллари чор ҳукуматининг Ўрта Осиёда олиб борган руслаштириш сиёсати билан боғлиқ ҳолда бу ерда ёйилаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, фоҳишабозлик, ароқхўрлик каби иллатларни кескин қораладилар. 1898 йилда бўлиб ўтган Андижон қўзғолонининг раҳнамоси Мұҳаммад Али (Дукчи) эшон ўзининг маҳаллий халқларни мустамлакачиларга қарши курашга чорловчи хатларидан бирида шундай деган эди: "...русларнинг таъсиридан соғ мусулмончилик бузилмоқда; ҳақиқий мусулмон кишига бойлик ва қулайлик керак эмас, унга энг аввало Қуръон ва шариатга сўзсиз бўйсуниш, риоя қилиш зарурдир". Тергов жараёнида ўзининг фикрларини янада аниқлаштириб, чор маъмурларининг "Нега халқни қўзғолонга чорладинг?" деган саволига у: "Россия империяси Туркистонни босиб олгандан сўнг, бу ерда ахлоқсизлик, фоҳишабозлик, ҳар хил ёмон ўйинлар, ароқхўрлик кенг авж олиб кетганлиги, умуман шариат қоидалари оёқ ости қилингандиги, ахлоқсизлик учига чиққан бу пайтда оқ подшо туркистонлик мусулмонларни ҳажга боришларини тақиқлагани сабабли халқ ўртасида маънавий инқизорзининг янада кучайганлиги, озод, ҳур Туркистоннинг озодлиги ҳар томонлама йўқ қилингандиги каби сабаблар халқни қўзғолонга олиб келди деб жавоб берган эди².

Қўзғолон қилишдан асосий мақсад, ўлкадаги чор ҳукумати ва унинг вакилларининг ҳукмронлигига барҳам бериш эди. Лекин Мадали эшон ва унинг издошлари ўзлари кўзлаган мақсадга осонлик билан эришиш мумкин эмаслиги, уларга қарши катта куч турганлигини тушунар эдилар. Улар бу ишда шошмашошарлик қилмасдан пухта тайёргарлик куриш, катта куч тўплаб, мустамлакачиларга қарши курашиш лозим деган фикрда эдилар. Уларнинг мақсади шаҳарнинг туб аҳолисини оммавий тарзда қўзғолонга жалб қилиш эди. 25 қирғиз йигити Мингтепага

¹ "Шарқ юлдузи", 1993 йил. 3-4-сонлар, 137-бет.

² А. Бердимуродов, Б. Матбобоев. Оқ подшонинг марҳамати ("ЭРК", 1992 йил, 13-19 май).

келиб, құзғолон күтаришга ундағанидан Мадали эшоннинг уларға қарата айтган сұzlари фикримизнинг далили бўла олади: "Ҳали вақти эмас, биродарлар. Андак фурсат бор. Таваққуф қилиб туриングлар. Мен ўзим бош бўлиб, ҳамма биродарларни, билъакс, тамом шаҳар ҳалқини ўзимизга ёр қилиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз. Ҳамма бирдан ҳужум қилиб, охири, бу Николай зулми остида қолмаймиз. Бир оз фурсат бор"¹. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш жоиздирки, Мадали эшон ва унинг тарафдорларининг фикрича, қўзғолоннинг тўла ғалаба билан тугаши, ўлкада мустамлакачилар ҳукмронлигига бутунлай барҳам берилиши учун фақат андижонликларнинг қўзғолонда иштирок этиши кифоя қилмайди. Улар қўзғолон бутун ўлкага ёйилиб, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларининг аҳолиси ҳам қўзғолонга қўшилади деган умидда эдилар. Андижон қўзғолони тарихига оид манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1898 йил 11 май куни Мингтепада Мадали эшон уйида бўлиб ўтган 200 кишилик кенгашда қўзғолонга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмаганлиги, уни бошлашга ҳали эрта эканлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Қўзғолон раҳнамоси ҳам шундай фикрда бўлган. Аммо муллалар, сўфилар ва қаландарларнинг зудлик билан қўзғолонни бошлаш ҳақидаги қистовлари туфайли етарлича тайёрланмаган ва зарур қурол-аслаҳага эга бўлмаган, қўзғолончилар Андижон шаҳрига қараб йўл олдилар. Шошмашошарлик билан бошланган қўзғолон мағлубиятга учради.

Мадали эшон бошчилигидаги Андижон қўзғолонининг ҳам ва бошқа қўзғолонларнинг ҳам иштирокчиларининг орзуси ўз Ватанларининг озодлиги, мустақиллигини қўлга киритиш, мустамлакачилар томонидан маҳаллий ҳалқларнинг поймол қилинган ҳақ-ҳуқуқларини, таҳқиrlанган урф-одатларини, расм-русларини, миллий, диний қадриятларини тиклаш, туркistonликларнинг ўз мамлакатларининг моддий ва маданий бойликларининг ҳақиқий эгасига айлантириш, сиёсий ҳокимиятни маҳаллий ҳалқлар вакиллари қўлига олиб бериш, бир неча асрлар давомида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келган шариат ва одат нормаларини тўла тиклаш, Туркiston ўлкасининг мустақил ривожланишига эришиш эди. Шу мақсад ва

¹ Ҳ. Содиқов. Туркистон: уч инқилоб даврида ("Фан ва турмуш", 1990 йил, 1-сон, 15-бет).

орзуларини амалга оширишнинг ягона түғри йўли сифатида Мадали эшон ва унинг тарафдорлари қуролли қўзғолонни танлаган эдилар. Қўзғолон муваффақият билан якунланган тақдирда улар давлатни бошқаришнинг монархия — хон ҳокимияти шаклини тиклаш ғоясини илгари сурган эдилар. Қўзғолончиларнинг фикрича, хон ҳокимияти туркистонликларнинг мустақил ривожланишини таъминлашга мос келадиган давлатни бошқаришнинг қулай шакли эди. Қўзғолончилар томонидан масаланинг бундай тарзда қўйилиши бежиз эмас. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Биринчидан, давлатни бошқаришнинг монархия, асосан мутлақ монархия, шакли бутун Шарқ халқлари тарихида давлатни бошқаришнинг кенг тарқалган шакли сифатида хизмат қилиб келган эди. Шунингдек, ҳокимиятнинг бир киши қўлида тұпланиши, унинг мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтиши каби монархия шаклидаги давлатларга хос хусусиятлар, анъаналар, урф-одатлар Туркистанда чуқур илдиз отган бўлиб, халқ оммаси онгига сингиб кетган эди. Иккинчидан, қўзғолон, сардори, раҳнамоси бўлган Мадали эшоннинг келажакда ўзи хон бўлиш ёки ўзига яқин бўлган кишини хон қилиб кўтариш нияти ҳам йўқ эмас эди. Учинчидан, ўша даврдаги Туркистан шароитида давлатни бошқаришнинг бошқа шакллари, жумладан, республика шаклини ўрнатиш ҳақидаги масалани қўйиш ўзини оқламас эди. Чунки бу ерда давлатни бошқаришнинг республика шаклини ўрнатиш учун етарли шарт-шароитлар ҳали пишиб стилмаган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг охириги чорагида Туркистан үлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган қўзғолонлар ислом байроғи остида олиб борилган эди. Шу муносабат билан коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган "қизил империя" даврида бу қўзғолонлар кўпчилик шўро олимлари томонидан салбий баҳоланиб, реакцион ҳаракатлар сифатида қораланиб келинди¹. Фақат масалага объектив, холисона ёндашган айрим муаллифларгина

¹ Сенг-Заде. К 30-летию Андижанского восстания 1898 года. Революция в Средней Азии. Сб. I, Ташкент, изд. Правда Востока, 1928, 50-бет; Раджабов З.Ш. О "Политическом Тракте" Ахмада Дениша. Душанбе, 1976, 107-бет, Иноятов Х. Против фальсификации истории победы Советской власти в Средней Азии и Казахстане, Ташкент, "Ўзбекистон", 1976, 134-бет.

"ғазавот" шиори остида бўлиб ўтган қўзғолонларни миллий-озодлик ҳаракати сифатида ёритишга, уларни ижобий баҳолашга ҳаракат қилдилар. Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракати тарихининг ilk тадқиқотчиларидан бири П. Галузо "Национально-освободительное движение в Средней Азии в эпоху завоевания русскими" номли мақоласида XIX асрнинг охирги чорагида "ғазавот" шиори остида ўтган халқ қўзғолонлари ҳақида шундай деб ёзган эди: "Миллий-озодлик курашининг бу босқичида мазкур шиор (ғазавот шиори—Ж. Т.) сўзсиз инқилобий шиор бўлиб, Ўрта Осиё халқлари олдида турган икки вазифани: ўзларини руслардан ҳимоя этишни ва тарқоқ хонликлардан (қирғизлар ва қозоқлар, ҳатто уруғлар учун) капиталистик йўлдан мустақил, мустамлакачиларга бўйсунмасдан ривожланадиган ягона кучли мусулмон давлатини ёки бир неча давлатларни ташкил қилишни акс эттиради.

Кучлар нисбатини олганда ҳеч ҳам teng эмас эди. Руслар ғалаба қилди. Жаҳон хўжалик тизимида Туркистоннинг ўз тараққиёт йўлини мустақил ҳолда эмас, балки рус мустамлакаси ҳукмронлиги остида босиб ўтишига тўғри келди. Бу миллий-озодлик учун янги курашни келтириб чиқарди".

XIX асрнинг охирги чорагига келиб, хонликлар ва уруғлар ўртасидаги кураш ўрнини маҳаллий халқларнинг умумий душмани — мустамлакачиларга қарши кураш эгаллади. Умуман, моҳияти жиҳатидан реакцион бўлган дин учун муқаддас уруш ўша даврдаги Ўрта Осиё шароитида ижобий ҳодиса сифатида баҳоланмоғи лозим. Чунки биринчидан, қўзғолончиларнинг асосий мақсади мустамлакачилик зулмига барҳам бериш, маҳаллий халқларни озодликка чиқариш, уларнинг давлат мустақиллигини таъминлаш эди. Иккинчидан, қўзғолон раҳнамолари ва уларнинг издошлиарининг диний нуқтаи назардан туриб мустамлакачилик асорати иллатларини фош қилиши, диний гоялар билан суғорилган миллий-озодлик ва мустақилликка ундовчи чақириқлари маҳаллий халқлар манфаатларига мос келар эди. Шунинг учун ҳам

¹ Галузо П. Национально-освободительное движение в Средней Азии в эпоху завоевания русскими (Революция в Средней Азии. Сб. 2, Ташкент. изд. Правда Востока, 1929, 117-бет).

миллий мустақиллик курашининг раҳнамолари халқ ом-
масининг маълум бир қисмини мустамлакачилик зулмиге
қарши қўзғолонларга жалб этишга муваффақ бўлдилар
Учинчидан, сиёсий-ҳуқуқий соҳада қўзғолончилар мус-
тамлакачилар томонидан ўрнатилган дунёвий ҳокимиятга
ва норматив ҳуқуқий актларга барҳам бериб, миллий
маънавий ҳокимиятни ўрнатиш ва шариат қонунларининг
ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўла амал қили-
шини таъминлаш тарафдори эдилар. Агар масалага XIX
асрнинг охирги чорагидаги Туркистон ўлкаси, Бухоро
амирлиги ва Хива хонлигига яшаган халқларнинг турмуш
шароити, тарзи, онги, ижтимоий ҳаётда диннинг тутган
ўрни, шариат қонунларининг муҳим соҳаларидаги ижти-
моий муносабатларни тартибга солганлигини ҳисобга ол-
ган ҳолда ёндашилса, қўзғолончилар томонидан
қўлланилган тактика тарихий нуқтаи назардан тўғри эди.
Чунки ўша шароитда ислом дини Ўрта Осиё халқлари-
нинг умумий душман — мустамлакачиларга қарши кураш-
га бирлаштирувчи муҳим омиллардан бири эди. У давр-
ларда диний эътиқод шахсий, табақавий, моддий манфа-
атлардан устун эди. Шунинг учун ҳам дин учун кураш
"ғазавот" — ҳаёт-мамот, келажак, озодлик, мустақиллик
учун кураш тусини олган эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, мустақиллик
учун олиб борилган қўзғолонларда раҳнамолик қилган
феодал-клерикал мафкуранинг сўл қаноти вакиллари
ўзларининг шахсий ва табақавий манфаатларини ҳам ёд-
дан чиқармаган эдилар. Улар мустақилликка эришгандан
сўнг мустамлакачилик тартиблари жорий қилингунгача
ўзлари эга бўлган ҳуқуқлари ва имтиёзларини тиклашни
мақсад қилиб қўйган эдилар. Чунки улар келажакда таш-
кил этиладиган мустақил давлат органлари ва ҳуқуқий
тизими ҳақида аниқ дастурга эга эмас эдилар. Бу ҳолат
сўлларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари чекланганлигидан
далолат беради. Лекин уларнинг қуролли қўзғолон йўли
 билан Ўрта Осиёда мустамлакачилик зулмига барҳам бе-
риш, маҳаллий халқларнинг давлат мустақиллиги учун
олиб борган ғоявий ва амалий кураши ижобий ва илфор
ҳаракат эди. Бу ҳаракат чор ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги
мустамлакачилик сиёсати асосларига катта зарба берди,
маҳаллий халқларнинг сиёсий онгининг ўсишига салмоқли
таъсир кўрсатди.

3. Демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкура

XIX асрнинг 70-йилларидан эътиборан Ўрта Осиёда маърифатпарварлик номи билан тарихий адабиётларга кирган сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг янги оқими шакллана бошлади. Бу оқимнинг кўзга кўринган вакиллари С. Абдулғаффоров, Муқимий, Фурқат, А. Дониш, Бердақ ва бошқаларнинг асарларида ўлка меҳнаткашлари — деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорларнинг сиёсий-ҳуқуқий талаблари, истаклари, орзу-умидлари ўз аксини топган эди. Маърифатпарварлар меҳнаткашлар оммасининг манфаатларидан келиб чиқиб, Ўрта Осиёда юз берган сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларга, ўрнатилган тартибларга, давлат органларининг фаолиятига, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий ҳолати са холисона баҳо беришга ҳаракат қиласидар. Улар мустамлакачилик зулмига, жамиятда тобора кучайт бораётган зўравонлик, ҳақсизлик, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишига кескин қарши чиқадилар ва ўз ватандошларини мустақилликка, озодликка олиб чиқиш йўлларини излайдилар.

XIX асрнинг 70-йилларидан эътиборан шакллана бошлаган маърифатпарварлик сиёсий-ҳуқуқий мафкураси ўз моҳияти ва мазмунига кўра демократик, яъни кенг ҳалқ оммасининг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи мафкура эди. Унинг шаклланиши ва ривожланишига ўзбек, тоҷик ва қорақалпоқ ҳалқларининг вакиллари катта ҳисса қўшдилар. Унда Ўрта Осиёда яшайдиган маҳаллий ҳалқларнинг армонлари, орзу-умидлари ўз аксини топган эди.

Қўйида ана шу оқим вакилларидан баъзиларининг фолияти билан танишиб чиқайлик:

Сатторхон Абдулғаффоров — XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек маърифатпарварлик ҳаракатида сеъзиларли из қолдирганлардан биридир. Сатторхон 1843 йилда Чимкентда имом оиласида туғилади. У дастлабки маълумотни бобосидан олади, 14 ёшида Тошкентдаги "Шукур-хон" мадрасасига ўқишига киради. Сатторхон 20 ёшида Чимкентда муфти лавозимида тайинланади. Кейинчалик у Чимкентда, Қўқонда қозилик қиласиди. Чимкент ва Тошкент шаҳарларида ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1883 йилдан бошлаб "Туркистон вилояти" газетасида таржимон, Туркистон ўқитувчилар семинариясида форс ва ўзбек тиллари бўйича репетитор-амалиётчи, Сирдарё вилояти бошқармаси қошидаги ер-солиқ комиссиясида таржимон бўлиб ишлайди. Сатторхон 1876 йилда Петербургда бўлиб ўтган III ҳалқаро

ориенталистлар қурултойида қатнашади ва маъруза қила-ди. Сатторхон ўзбек зиёлилари ичидаги биринчилардан бўлиб рус тилини мукаммал эгаллаган эди. У XII асрда ёзилган машҳур мусулмон ҳуқуқшунослиги рисоласи "Ал-ҳидоя" ни араб тилидан рус тилига таржима қилишда фаол иштирок этади. Сатторхон Абдулғаффоров 1902 йилда Чимкентда вафот этади.

Сатторхон Абдулғаффоровнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг "Қўқон хонлиги ички аҳволининг қисқача очерки", "Мусулмон эшонлари", "Билимни эгаллаш", "Туркестондаги эшонлар ва халқни ўз-узини бошқариши ҳақида мулоҳазалар", "Сатторхон мактублари" номли асарларида баён қилинган.

Сатторхон ўзининг "Қўқон хонлиги ички аҳволининг қисқача очерки" (1892) номли асарида Қўқон хонлигига ҳокимиятни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради. Унинг таъкидлашича, хонликда ҳокимиятни ташкил этишнинг муҳим хусусияти чекланмаган олий ҳокимиятнинг якка шахс — хон қўлида тўпланганлигидадир. Хон мамлакатининг мутлақ ҳокими бўлиб, халқнинг ҳаёти, мол-мулки, тақдирни, давлатни бошқариш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан бўшатиш унинг хоҳиш-истагига боғлиқ эди. Вилоятларда ҳокимият беклар қўлида бўлиб, уларнинг ҳокимияти вилоят доирасида чексиз, ҳеч қандай норматив ҳуқуқий акт билан қатъий белгиланмаган эди. Бек ҳокимиятининг кучли ёки кучсизлиги қайси вилоятни бошқариши ва хон билан бўлган муносабати билан белгиланарди. Беклар ўз лавозимларига хонга қариндошлиги муносабати билан ёки кўп йиллик хонга кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига эришарди.

Сатторхон Қўқон хонлиги давлат органлари тизимида авжига чиққан адолатсизлик, қонунсизлик, порахўрлик, бошбошдоқлик ва тартибсизлик, ахлоқий бузуқилик каби иллатларни фош қилиб ташлайди. Сатторхон Қўқон хонлигининг асосий ожиз томонларидан бири сифатида мустаҳкам, мамлакат мудофаасини таъмин эта оладиган ҳарбий қўшиннинг йўқлигини кўрсатади. Мавжуд қўшин ҳам, унинг ёзишича, маҳсус тайёргарликка эга эмас, жуда ҳам ёмон қуролланган, етарли кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланмаган эди. Бу оқибат натижада рус қўшинлари билан бўлган жангларда хонлик қўшинларининг мағлубиятга учрашига олиб келди.

Сатторхон Ўрта Осиё хонликлари ўртасида юз берган урушларни кескин қоралайди. Бу урушларнинг асосий

сабаби, унинг фикрича, хонларнинг шахсий манфаатлари ёки диний масалалар бўлиб, улар оқибат натижада мамлакатнинг вайронага айланиши, халқ аҳволининг янада оғирлашишига сабаб бўлар эди.

Сатторхон ўз даврининг мусулмон ҳуқуқи билимдонларидан бири бўлган. У шариат ва унинг шаклланиши ҳақида ўзининг мустақил фикрларини билдирган эди. Сатторхон ҳуқуқнинг икки шакли: ёзма қонунлар — шариат ва оғзаки қоидалар — одат ҳақида мулоҳаза юритади. Мутафаккирнинг ёзишича, маҳаллий одат қоидаларидан улар шариатга зид бўлмасагина ҳуқуқ манбай сифатида фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда судда ишни ҳал қилишда одат нормаларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Шариат, Сатторхоннинг фикрича, Қуръонни кенг шарҳлаш натижасида вужудга келган "мустақил қонунлар тўпламидир". Шариатнинг шаклланиши қарийб 500 йиллик даврни ўз ичига олади. Шариатнинг шаклланишига бағдодлик, ҳиндистонлик ва Ўрта Осиёлик ҳуқуқшуносларнинг хизмати каттадир.

Сатторхон асарларида одил судлов ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилган. Бу албатта бежиз эмас. Юқорида қайд қилинганидек, мусулмон ҳуқуқи асосларини мукаммал эгаллаган, бир неча йил муфти ва қози лавозимларида ишлаган Сатторхон бу соҳа билан яқиндан таниш эди. Мутафаккирнинг фикрича, одил судловни амалга ошириш давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Одил судловни тўғри йўлга қўймасдан, суд органларини давр талаби даражасида ташкил этмасдан туриб, мамлакатда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш мумкин эмас.

Суд органларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини амалга оширишнинг асосий қоидалари, Сатторхоннинг фикрича, давлат тузуми, бошқариш усули, халқнинг хулқатвори ва турмуш тарзи билан белгиланади. Сиёсий тузумнинг ва халқ турмуш тарзининг ўзгариши оқибат натижада суд тизимида ҳам ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Сатторхон Қўқон хонлиги ва Туркистон ўлкасининг суд тизимларига нисбатан ўз муносабатини билдиради. Унинг фикрича, Қўқон хонлигига ташкил этилган суд органлари ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш мавжуд давлат тузумига, давлатни бошқариш усулига ва аҳолининг турмуш тарзига мос келарди. Умуман олганда, хонликнинг суд тизимига нисбатан ижобий муносабат билдирган Сатторхон, унинг бир қатор камчиликларини ҳам кўрсатади. Бу камчиликлар мутафак-

кирнинг фикрича, жиноят ва фуқаролик ишларининг якка қози томонидан кўрилиб ҳал қилиниши, суд жараёнида ҳимоячи қатнашмаслиги, суд ишларида иш юритишнинг ёзма тартиби қатъий жорий этилмаганлиги, ҳукм ёки қарордан норози бўлган тарафнинг шикоят аризасини кўриб чиқишининг аниқ тартиби белгиланмаганлиги кабилар эди. Шунингдек, мутафаккир хонлик даврида кенг тарқалган жиноятчига нисбатан тан жазоси қўллашга, унинг айбини исботлаш учун қийнашга, адолатсиз жазо тайинлашга қарши фикр билдиради¹.

Сатторхон чор ҳукумати томонидан амалга оширилган босқинчилик, мустамлакачилик сиёсати оқибатида Туркистонда юз берган ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий ҳаётдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда суд органларини ташкил этиш, уларнинг чиқарган ҳукм ёки қарорларини қайта кўриб чиқиш тартиби, судьялар фаолиятини назорат қилиш соҳаларида ўзгаришлар қилиш лозим, деган фикрни ўртага ташлайди. Унинг таъкидлашича, ўлкада ташкил этилган суд органлари, уларда жорий қилинган иш тартиби ҳалқ манфаатларига мос келмайди. Мавжуд суд тизимида амалда бўлган тартиб ва қоидалар тўрачилик, порахўрлик, мансабни суиистеъмол қилиш каби иллатларнинг чуқур илдиз отишига шароит яратади. Бунинг натижасида судга мурожаат қилган кишиларнинг манфаатларига зарар етади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинади. Шунингдек, Сатторхон Туркистонда жорий қилинган қозиларни (ҳалқ судьяларини) сайлаш тартибига нисбатан ҳам ўзининг салбий муносабатини билдиради. Унинг фикрича, биринчидан, ерли аҳоли қозиларни сайлаш учун етарли даражада сиёсий-ҳуқуқий онгга эга эмас эди. Иккинчидан, қозиларни сайлаб қўйиш тартибини жорий қилиш гурӯҳбозликни, порахўрликни, қозиликка номзодлар ўртасидаги курашни кучайтиради. Учинчидан, бундай тартибни жорий қилиш суд органларининг айрим мулкдор ва амалдор кишиларга тобе бўлиб қолиши учун шароит яратади. Чунки сайловда кимнинг қозиликка сайланishi ана шу кишиларга боғлиқ. Қозилик лавозимига сайланган киши эса ўз мансабидан қолмаслик, яна шу мансабга қайта сайланиш учун уларнинг кўрсатмаларига биноан иш кўришга мажбур бўлади.

¹ Қаранг: Абдулгаффаров С. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими (Туркестанские ведомости. 1893 год 20 августа).

Қозиларни сайлаш тартибини аҳолиси сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етук бўлган ўлкалардагина жорий қилиш мумкин. Сатторхоннинг таъкидлашича: "Сиёсий болалик ҳолатидан чиқмаган халқ сайлов неъматларидан фойдаланишга қодир эмас".

Сатторхон Туркистон ўлкасида чор Россияси қонунлари асосида судлов ишларини амалга оширишни жорий қилишга ҳам қарши чиқади. Унинг ёзишича, ерли аҳоли бунга ҳали тайёр эмас эди: аҳоли давлат тили бўлган рус тилини билмас, Россия империясининг қонунлари, суд органлари тизими, судда иш кўриш тартиби, далиллар тўплаш ва уларни судга тақдим қилиш йўллари, юқори суд босқичларига мурожаат қилиш қоидалари билан таниш эмас эди. Россия империяси судлов тизимини Туркистонда жорий қилиш учун аввал маҳаллий аҳолини бунга тайёрлаш керак. Бу иш маълум бир вақтни, бир қатор тадбирий чораларни амалга оширишни талаб қиласди. Шунинг учун Сатторхоннинг фикрича, Туркистон ўлкасининг суд тизимида ўзгаришлар қилиш икки босқичда амалга оширилиши керак. Биринчи босқичда ўлканинг ижтимоий-сиёсий шароитидан ва халқларнинг турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда суд тизими ислоҳ қилиниши керак эди. Иккинчи босқичда суд тизимида сайлов тартибини жорий қилиш, Россия империяси қонунларига асосан ишларни кўриб ҳал қилишга ўтиш керак.

Биринчи босқичда, Сатторхоннинг ёзишича, Туркистон ўлкасининг суд тизимини ислоҳ қилиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим: 1) Қозиларни тайинлаш ва мансабдан четлатиш ваколати вилоятларнинг олий маъмурларига берилиши; 2) адолатсиз ҳукм ёки қарор чиқарган қози ҳарбий губернатор томонидан интизомий жазога тортилиши тартиби жорий қилиниши; 3) қози томонидан чиқарилган қарордан норози аризани кўриб чиқиш учун ерли аҳоли вакиллари ва форс тилини биладиган рус миллатига мансуб раисдан иборат маҳсус коллегиал орган ташкил қилиниши; 4) иккинчи босқичда (коллегиал органнинг) очиқдан-очиқ адолатсиз қарорини ўлка бошлиғи (генерал-губернатори) томонидан бекор қилиниши тартиби жорий этилиши; 5) қозилар томонидан белгиланадиган жазолар ҳақида маҳаллий халқ тилидаги устав ишлаб чиқилиши керак¹.

¹ Записка Саттархана (Юридическая летопись. Т. 1. 1892, 75-76-бетлар).

² Қаранг: Записка Саттархана, 84-бет.

Сатторхоннинг фикрича, агар Туркистон ўлкасида юқорида баён қилинган тарзда суд ислоҳоти ўтказилса, адолатнинг тантана қилишига, ўзбошимчаликка, қонунсизликка барҳам бериш учун шароит туғилади, чор маъмурлари маҳаллий халқ ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиласди. Бу Сатторхоннинг ширин орзуларидан бошқа нарса эмас эди. Ўша шароитда бу орзуларнинг амалга ошиши учун ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Зоро, чор маъмурларининг асосий мақсади ерли аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки уни талаш, хўрлаш, барча ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш, унинг меҳнати эвазига бойиш эди. Улар Сатторхон таклифларига биноан суд ислоҳотлари ўтказишда манфаатдор эмас эдилар.

Сатторхон Туркистонда чор ҳукуматининг ва унинг маъмурлари томонидан амалга оширилаётган мустамлакачилик сиёсатининг маҳаллий малайларига кескин қарши чиқади. Уларнинг ҳақиқий башарасини, ўз олдиларига қўйган, халқ манфаатларига зид мақсадларини фош қиласди. Жумладан, ўзининг "Мусулмон эшонлари" номли асарида Сатторхон маҳаллий руҳонийлар орасида салмоқли нуфузга эга бўлган эшонларни қаттиқ танқид остига олади. Маърифатпарварнинг ёзишича гаразгўйлик, халқни алдаш, фирибгарлик эшонлар фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қиласди. Улар турли алдовлар билан авом халқни талаш эвазига бойлик ортиради. Сатторхон эшонларнинг ахлоқий бузуқлигини, мунофиқлигини аниқ мисоллар билан исботлаб беради.

Сатторхоннинг кўрсатишича, Туркистоннинг кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаётида эшонлар салмоқли роль ўйнаганлар. Улар билан мансабдор шахслар, ҳатто хонлар, амирлар ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Эшонлар ўзларининг муридлари ёрдамида халқ оммаси орасида жамоатчилик фикрини туғдириш йули билан қозиларни, волость бошлиқлари ва бошқа маҳаллий маъмурларни сайлашга катта таъсир кўрсатганлар. Эшонлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеидан фойдаланиб, жиноятчиларни ўз паноҳларига олганлар. Бу билан улар жиноятчиликнинг янада кўпайишига йўл очиб берганлар. Булар оқибат натижада меҳнаткаш халқ оммаси елкасига катта юк бўлиб тушди, унинг аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди.

Сатторхон ўзининг бир қатор мақолаларида рус халқи, унинг маданияти ва рус тили ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён қиласди. Мутафаккир рус халқи ҳақида

шундай деб ёзади: "Биз рус халқи ёрдамида Оврупо халқлари билан алоқа ўрнатишими мумкин, бунинг натижасида умуминсоний ҳаёт ва илмий тараққиётнинг иштирокчиларига айланамиз"¹. Рус тилини мукаммал эгаллаган Сатторхон ўз халқини бу тилни ўрганишга даъват этади, рус халқи билан ўзбек халқи ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга чақиради.

Сатторхоннинг юқорида билдириган ижобий фикр-мулоҳазалари унинг чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлаганидан далолат бермайди, албатта. Тўғри, Сатторхон ўзининг айрим мақолаларида чор ҳукумати ва унинг баъзи маъмурлари ҳақида илиқ сўзлар ҳам айтган, аниқроғи айтишга мажбур бўлган. Чунки унинг хизмат вазифаси шуни тақозо этар эди. Аммо у ҳеч қачон мустамлакачилик зулмини оқламаган, аксинча, ҳар қандай жабр-зулмни, зўравонликни, ҳақсизлик, адолатсизликни қоралаган. Шуни айтиш керакки, Сатторхон ўзининг мақолаларини ўша даврда чор ҳукуматининг ва Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий матбуот органларида эълон қилган. Ўз-ӯзидан равшанки, Сатторхон бу органлар орқали очиқдан-очиқ мустамлакачилик сиёсатига қарши ўз фикрларини маълум қила олмаган, чунки Туркистонда бошқа матбуот органлари эса йўқ эди. Шунинг учун биз Сатторхон асарларининг умумий руҳидан келиб чиқиб, у чор ҳукуматининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатига қарши бўлган деган хуносага кела оламиз. Бу унинг маърифат, илм-фан ва уларнинг жамият тараққиётидаги роли ҳақида билдириган фикр-мулоҳазаларида ҳам яқол кўзга ташланади.

Сатторхон илм-фаннынг ижтимоий ҳаётдаги, иқтисоддаги, халқаро муносабатлардаги ролига алоҳида эътиборни жалб қиласди. Ўрта Осиёлик бошқа маърифатпарварлар каби Сатторхон ўлканинг иқтисодий қолоқлиги, жамиятда ҳукм сурәётган жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонликнинг асосий сабаби сифатида халқнинг саводсизлиги, илм-фanni ривожлантиришга етарли эътибор берилмаслигини кўрсатади. Унинг фикрича, илм-фан ижтимоий тараққиётни белгиловчи асосий омилдир. Сатторхон Қўқон хонлигига ўқиши ва ўқитиш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, бу борада ҳукуматнинг ҳеч қандай ғамхўрлик қилмаганлиги, мактаб ва мадрасаларда тарих,

¹ Воспоминания одного чимкентского жителя (Туркестанская туземная газета. 1890 г., 14 мая).

география каби фанларнинг ўқитилмаганлиги ҳақида ағусланиб ёзади. Маърифатпарвар Туркистонни қолоқликдан қутқариш ижтимоий ҳаётдаги иллатларга барҳам бериш учун, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган ишлардан бири аҳолини саводхон қилиш, илм-фанни ривожлантириш чораларини кўришdir деб комил ишонч билдиради.

Сатторхон илм-фанни ривожлантириш турли қабилалар, уруғлар ва ҳалқларни қайси динга сифинишидан қатъи назар, бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга кўмаклашади деган ғояни илгари суради.

Муқимий. Ўзбекистонда маърифатпарварлик ижтимоий-сиёсий фикрларининг шаклланиши ва ривожланишида салмоқли ҳисса қўшганлардан яна бири шоир, маърифатпарвар Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1850 йилда Қўқонда ҳунарманд оиласида туғилади. У бошланғич маълумотни мусулмон мактабида олади, кейин Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ўқиди. 1876 йилда Бухоро мадрасасини битириб, Қўқонга қайтади, бу ерда қурилиш маҳкамасида мирзалик вазифасида, кейинчалик Сирдарё ёқасидаги Оқжар паромида паттачи бўлиб ишлайди. XIX асрнинг 80—90-йилларида Муқимий ўзбек адабиётида янги сатира мактабини яратади. Фурқат, Завқий, Муҳайири, Нисбат, Нусрат, Зорий каби ижодкорлар шу мактабнинг фаол иштирокчилари эдилар. Муқимий 1903 йилда Қўқонда вафот этади.

Муқимий Туркистон ўлкасида биринчилардан бўлиб икки томонлама — миллий ва ижтимоий зулмга қарши сатира байроғини кўтарганлардан эди. Ўлкада Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши ободончиликка, фаровонликка, тараққиётга кенг йўл очди деб жар колаётган феодал-мафкура вакилларидан фарқли ўлароқ ҳолда Муқимий миллий ва ижтимоий зулмнинг оқибатларини ўз асарларида холисона атрофлича кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Унинг асарларида мустамлакачилар ва уларнинг маҳаллий малайлари зулми остида азоб чекаётган, инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган, ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, диний ва миллий ҳис-туйғулари қадриятлари поймол қилинган туб аҳоли меҳнаткашларининг аҳволи ҳаққоний ёритилган.

Муқимий маҳаллий меҳнаткашларнинг тобора қашшоқлашишининг асосий сабаби бўлган чор ҳукуматининг Туркистонда амалга оширилаётган солиқ сиёсатига кескин

қарши чиқади, бу сиёсатнинг бевосита ҳаётга татбиқ этувчилари бўлган мустамлакачи маъмурларни ва уларнинг ерлик малайларини шафқатсиз танқид остига олиб, уларнинг солиқ йигиш жараёнидаги кирдикорларини фош қилиб ташлайди, солиқ йигувчиларни ўзбошимчаликда, мансабни суиистеъмол қилишда, таъмагирликда айблайди.

Ўзининг "Сайлов" номли шеърида Муқимий маҳаллий бошқарув ва суд органларига ўтказиладиган сайловларнинг асл моҳиятини фош этиб, уларнинг туркистонликлар манфаатига бутунлай зид эканлигини, халқни алдашнинг бирдан-бир йўли эканлигидан бошқа нарса эмаслигини, сайловлар вақтида авжига чиқадиган таниш-билишчилик, гуруҳбозлик, тарафкашлик, порахўрлик каби иллатларнинг авж олиши оқибат натижада халқ оммаси елкасига катта юк бўлиб тушишини, бу сайловлардан мустамлакачи маъмурлар ва маҳаллий амалдорларгина манфаатдор эканлигини кўрсатади.

Муқимий асарларида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини ўлкада бекаму қўст амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган уезд бошлиқлари, волостнойлар, мингбошилар, юзбошилар, элликбошилар шафқатсиз танқид қилинади, уларнинг маҳаллий меҳнаткашлар оммаси манфаатларига қарши қаратилган фаолиятлари фош қилинади.

Муқимий ўзи яшаган жамиятнинг манфаатлари бир-бира га қарама-қарши гуруҳлар — бойлар ва камбағаллардан иборат эканлигини, ҳар қадамда камбағалларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишини, мавжуд сиёсий-ҳуқуқий институтларнинг мулкдорлар манфаатлари йўлида хизмат қилаётганлиги меҳнаткашларни турли йўллар билан талаш давлат органларидаги амалдорларнинг асосий машғулотига айланганлигини, барча муаммоларни ҳал қилишда пулнинг ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатиб беради.

Шунингдек, унинг бир қатор асарларида ўз ватандошлари ва диндошларини эзишда, талашда мустамлакачи маъмурлар билан ҳамкорлик қилаётган, ўзларининг ҳомийларини қўллаб-қувватлаётган мусулмон руҳонийлари танқид остига олинади, уларнинг икки юзламачилиги, сотқинлиги, фирибгарлиги, мусулмонлар манфаатларига қарши қаратилга фаолияти фош қилинади.

Ўрта Осиё маърифатпарварларидан биринчилар қаторида Муқимий ўлкага кириб келаётган капиталистик муносабатлар билан боғлиқ бўлган мулкий тенгсизликнинг тобора чуқурлашуви, майда ҳунармандларнинг синиши, ишсизлик каби иллатларнинг сабабларини очиб ташлашга ҳаракат қилган эди. Маърифатпарвар маҳаллий халқлар-

нинг тобора қашшоқлашуви, тараққиётдан орқада қолиши, мустамлакачи маъмурлар, капиталистлар ва маҳаллий бойлар зулмига маҳкум этилишининг асосий сабаби, мусулмонларнинг умумжаҳон илм-фан ва техника тараққиётидан четда қолганлигидир деган холосага келади.

Муқимийнинг фикрича, туркистанликларнинг қолоқликдан чиқиши жамиятдаги барча иллатларга, миллий ва ижтимоий зулмга барҳам бериши учун ягона тӯғри йўл — бу ўлкада маориф ишларини тӯғри йўлга қўйиш, саводсизликни тугатиш, илм-фан тараққиёти учун кенг йўл очиб беришдир. Шунинг билан бир қаторда Муқимий туркистанликларнинг рус тилини ўрганиши, рус халқининг илғор маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор беради. Маърифатпарвар туркистанликлар жаҳон халқлари томонидан яратилган илғор маданиятдан, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлмай туриб, озодликка чиқа олмайдилар, бахт-саодатга эриша олмайдилар, деган ғояни илгари суради.

Фурқат. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек ижтимоий-сиёсий фикрининг ривожланишига катта ҳисса қўшган демократик маърифатпарварлик йўналишининг йирик сиймоси Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир. У 1858 йилда Қўқон шаҳрида майда савдогар-косиб оиласида дунёга келди. Фурқат бошланғич маълумотни мусулмон мактабида олди, кейин у мадрасада ўқиди. Унинг дунёқарашининг шаклланишида Ҳофиз Шерозий, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий каби шоир, мутафаккирларнинг ижодлари муҳим роль ўйнади. Фурқат мадрасада ўқиши тугатиб, янги Марғилонда савдо ишлари билан шуғулланади, кейин Қўқонга қайтиб келади. Бу ерда у Муқимий, Завқий билан танишади, улар билан адабий ҳамкорлик қиласиди. Кейинчалик Фурқат Тошкент, Самарқанд шаҳарларида, Туркия, Юнонистон, Булғория, Миср, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлади. Фурқат 1909 йилда Ёркентда вафот этади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлган Фурқат уларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, маданияти, илм-фани, халқларининг турмуш тарзи, урф-одати, моддий аҳволини синчковлик билан кузатади. Бу кузатувлар оқибатида Фурқат жамият тараққиётини белгиловчи асосий омил маориф, илм-фандир деган холосага келади. Ҳақиқатан ҳам қайси мамлакатнинг ҳукмдорлари ўз халқининг савод-

хонлигини ошириш йўлида ғамхўрлик қилса, илм-фаннынг ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрса, бу мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётнинг юксак чўққилари сари илгари-лаб бораверади, халқи тинч ва осойишта, роҳат-фароғатда ҳаёт кечиради. Аксинча, қайси мамлакатнинг ҳукмдорлари маориф, илм-фаннынг ривож топиши учун ғамхўрлик қилмаса, бу мамлакат барча соҳаларда қолоқлик ботқогига ботади, унинг халқи қашшоқликка, миллий ва ижтимоий зулмга маҳкум этилади. Барча ижтимоий-сиёсий масалаларга юқорида баён қилинган нуқтаи назардан ёндашиш Фурқат ижодий фаолиятининг бош мезонига айланган эди. У мана шу нуқтаи назардан ўзбек халқининг ўтмишига, ҳозирги кунига баҳо беради, келажаги ҳақида ўз фикрларини билдиради.

Фурқат ўзбек халқининг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги, миллий ва ижтимоий зулм остида азоб чекаётганинг асосий сабаби мамлакат ҳукмдорларининг ўз вақтида маориф, илм-фан тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилмаганлигига деб билади: "бизни ўтган хонларимиз бу тариқа илм ва низомга қўшиш қилдирсалар эрди, то бу дам халқимиз кўп илмдан баҳраманд бўлур эрди". Ўзининг бу фикрини "Гимназия" шеърида янада кенгроқ ҳолда баён қиласиди:

"Эсизким, бизни ўтмиш хону беклар
Кечиб ишратда зойиъ субҳу шоми.
Кетурмай ёнига бир аҳли дониш.
Ўзига хос этиб неча авоми.
Чу илму фазл элини тутмадилар.
Қилибон тарбиятда эҳтироми.
Ҳалол етгач қачон давлатларига,
Қилур торож молин ўз гуломи.
Чу илм аҳлига парво қилса эрди.
Бўлур эрдимуди давлатга ҳоми.
Далили равшан ушбукурки, дермиз
Ҳукумат қушга ўхшар, илм доми".

Фурқат Туркистон халқларини миллий ва ижтимоий зулм сиртмоғида тутиб турган, уларни шафқатсиз эзаётган

¹ Бир хўқандлик толибул илмнинг хати (Туркистон вилоятининг газетаси. 1890 йил 11 апрель).

² *Фурқат*. Танланган асарлар. Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 195-196-бетлар.

маҳаллий бойлар, фабрикантлар, судхўрлар, муллалар, эшонларни, давлат идораларидағи турли мансабдорларни қаттиқ танқид остига олади, уларнинг ҳақиқий башарасини фош қиласи.

Фурқатнинг фикрича, Ўрта Осиё ҳалқларининг умум тараққиётидан орқада қолганлигининг муҳим сабабларидан бири маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги бир неча асрлар давом этиб келган ўзаро урушлардир. Фурқатнинг таъкидлашича, жаҳолат ва разолат ботқоғига ботган, қонхўр хонлар даврида ғаразгўйлик мақсадида олиб борилган урушлар натижасида ҳеч қандай айби бўлмаган кишилар ҳаётдан кўз юмдилар, тинч аҳоли шафқатсиз таланди, қанчадан-қанча гўдаклар етим, аёллар бева қолдилар, қизларнинг ор-номуси топталди, мамлакат вайронага айлантирилди, ҳалқ хўжалигида ишлаб чиқариш издан чиқди. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида бу ердаги ўзаро урушларга барҳам берилди. Мамлакатда тинчлик, осойишталиқ ўрнатилди.

Фурқат фақат ўзаро феодал урушларни қоралаш билан чегараланиб қолмайди. Умуман урушларни, шу жумладан, мустамлакачилик урушларини кескин қоралайди ва уларнинг меҳнаткашлар аҳволининг янада ёмонлашишига, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий таназзулга йўл тутишига сабаб бўлишини кўрсатади. Фурқат мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракатини табиий, қонуний ҳол деб баҳолайди. Бу ҳаракатнинг ғалаба билан тугаши тарафдори сифатида майдонга чиқади.

Фурқат турли ҳалқлар, миллатлар, диний гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, уруш-жанжалларни қоралайди, диний эътиқоди, урф-одати, тили турлича бўлишидан қатъи назар ҳалқлар, миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларнинг ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини ёқлаб чиқади. Фурқат туркистонликларни Оврупо маданияти ва тилларини, биринчи навбатда, рус тилини ўрганишга, рус ҳалқининг маданияти ва илм-фани ютуқларидан баҳраманд бўлишга чақиради: "...биз ҳалқға Русия ҳалқи билан бир ерда турмоқ ҳақ таоло иродаси бирлан бўлди. Анинг учун аларни расмларини яхши билмоқ бизларга зарур, чунки орамизда савдо ва бошқа тааллуқ

робиталар кўбдур"¹. "Анинг учун айтаманким одамизодға ҳар қандоғ илмни ўрганмоқ ўз фойдаси учун лозимдур. Ўз нафслари учун бўлмаса ҳам бошқа мусулмонларнинг ҳожати учун зарурдир. Агар бу хусусда Русия халқи хат ва лисон ўрганмоқقا бизнинг халқни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдур, балки умуман аҳли исломни ва ё маҳсусан тужжорларни низом ва қонун билиб, кундан-кунға ишлари ривожлик бўлуб, харид ва фурухтларидин соирилсон мустафид бўлмоқларини хоҳлайдур"².

Фурқат жамият тараққиётини белгилаб берувчи асосий омил — илм-фан ривожидир деган фикрни илгари суради:

Жаҳон равшан зиёйи илмдандур,
Кўнгул софи сафойи илмдандур.
Чироғ ўлса агар ҳар ким қўлида,
Хатар бўлмас қоронғуда йўлида³.

Фурқат асарларида Туркистон ўлкасида маориф ишларини замон талаби даражасига кўтариш, ўқиш-ўқитишнинг илфор услубларини жорий қилиш, жаҳон халқлари тилларини ўрганиш, табиий фанларни ўқитиш чораларини кўриш, илфор мамлакатларда илм-фан, техника соҳаларида эришилган ютуқлардан фойдаланиш ҳақидаги фикрлар ўртага ташланган. Маърифатпарвар Туркистоннинг келажаги маориф ва илм-фаннынг ривожланиши билан боғлиқ деган ғояни илгари суради. Шоир ўлқада маориф, илм-фаннынг ривожланишига кенг йўл очилса, замонавий мактаблар ва бошқа билим масканлари ташкил этилиб, уларда маҳаллий миллат вакиллари ўқитилса, туб аҳолидан турли соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланса, ишлаб чиқариш ривожланади, мўл-кўлчилик бўлади, мамлакат ривожланган мамлакатлар қаторига чиқади деб ишонч билдириди. Бу оқибат натижада миллий ва ижтимоий зулмга барҳам беришга замин тайёрлайди.

Дилшод. Ўзбек ва тожик халқларининг XIX асрдаги илфор ижтимоий-сиёсий фикрларининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган шоиралардан бири

¹ Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволияти, ўзи ёзгони (Туркистон вилоятининг газетаси, 1891 йил 15 июнь).

² Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг Истамбулдин ёзғон мактуби (Туркистон вилоятининг газетаси. 1892 йил 14 апрель).

³ Фурқат. Танланган асарлар, 200-бет.

Дилшод Барно отиндир. Дилшод тахминан 1800-1801 йилда Ўратепа (қадимги Истравшан) шаҳрида ўз даврининг илғор кишиси бўлган шоир оиласида туғилади. Ота-онасидан эрта жудо бўлган Дилшод бувиси қўлида тарбияланади. 1816 йилда Қўқон хони сарбозлари Дилшодни асира қилиб, хонлик пойтахтига олиб келадилар ва уни Умархонга тортиқ қиласидар. Лекин Дилшод тўғри сўзлиги учун саройдан ҳайдалади. Кейин Тошмуқум номли имомга турмушга чиқади. Дилшод дунёқарашибарининг шаклланишига ўз даврининг саводхони бўлган қайнонасининг таъсири кучли бўлган эди. Дилшод қайнонаси томонидан ташкил этилган қизлар мактаби фаолиятини давом эттиради. Бу ҳақда Дилшод шундай деб ёзади: "Ҳамдам ва ҳамсуҳбатларим зеҳнли, соҳибназм қизлар бўлиб, эллик бир йил мактабдорлик қилдим. Мактабда доимо йигирма-үттиз қиз таълим олар эдилар. Саккиз юз тўқсон бир қизни саводли қилиб чиқардим. Булардан яқин тўртдан бир қисми табъи, назми бор шоира ва оқила қизлар эди". Дилшод 1905 йилда Қўқонда вафот этади. Дилшоднинг асарлари инсонни улуғлаш, унинг ақл-заковатини, яратувчилик қобилиятини ва қудратини эътироф этиш руҳи билан суфорилган. Шоира ўз замонасида бутун оламнинг яратувчиси худо, бутун мавжудот, борлиқ унинг фаолиятининг маҳсулидир деган фикрга қарама-қарши ҳолда оламнинг яратувчиси инсон, тарих эса инсон фаолиятининг маҳсулидир деган ғояни илгари суради:

Одамлар бор учун яралди олам,
Оlamни ясатиб туар шу одам.
Аввали бу олам эрди кам одам
Одамлар тўлдириди ани дамо-дам.
Бир гуруҳ дарёдин қоздилар анҳор,
Қаҳратон ўрнига бўлди навбаҳор,
Одамдин нур олди ҳар лайлу наҳор,
Тарихни ҳисобин топғон ҳам одам².

Шоира "Ўзимиз" радифли ғазалида "Мавқумотдин мосиволик ном таратган ўзимиз, ақлу хуш меҳнат била дунё яратган ўзимиз", деб таъкидлайди³.

¹ Дилшод Барно ва мероси адабий ў. Душанбе, "Дониш", 1970, 44-бет.

² Зебунисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеъриятидан. Тошкент, 1981, 70-бет.

³ Ўша асар, 32-бет.

Дилшоднинг фикрича, жамият бойликлари, нозу нesъматлар худонинг муруватининг маҳсули эмас, балки инсон яратувчилик фаолиятининг маҳсулидир, инсон энг қудратли яратувчи куч, унинг ақл-заковати, меҳнати туфайли оламни ўзгартириш мумкин: "Ҳаётнинг кўрки ақлу тадбирдан инсон изланишлар олиб борди, бирор деҳқончилик қилди, бирор боғ парвариш этди, жамики ноз-неъмат шундай кам-кам, секин-аста бино бўлди. Бу қудратли башарнинг кучи, қўли билан дарёю денгиз бино бўлди"¹.

Яратувчи инсон, шоиранинг таъкидлашича, жамиятда энг олий иззат-хурматга лойиқ, унинг меҳнати қадраниши, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, эркин-озод турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилиши керак. Лекин шоира мавжуд ҳаётда меҳнаткаш инсоннинг жабрзулм, жаҳолат, зўравонлик, ҳақсизлик қурбони эканлигининг гувоҳи бўлган.

Дилшод ўзи яшаб ижод этган жамиятни ва унда ўрнатилган ижтимоий тартибларни қаттиқ танқид остига олиб, ўз даврида кенг тарқалган, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларига чуқур илдиз отиб кетган иллатларни фош қилиб ташлайди.

Дилшод асарларида ижтимоий тенгсизлик масаласи, унинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий оқибатларини холисона баён қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, мазкур муаммони тушунишда Дилшод ўзининг ўтмишдошлари ва кўпчилик замондошларига нисбатан фикрларини дадил илгари сурганлиги билан ажралиб туради. У асосан, феодал жамиятининг ижтимоий тузумини, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрнини тӯғри тушуниб етган эди. Дилшоднинг кўрсатишича, у яшаб ижод этган жамият аъзолари иккита йирик гуруҳга бўлинади: оч-яланғоч, муҳтожликда, жабр-зулм остида, ҳуқуқсизликда яшовчи ва кечаю-кундуз ишловчи меҳнаткашлар ва ўзгалар меҳнати эвазига роҳат-фароғатда ҳаёт кечиравчилар — бойлар, дин аҳллари, ҳокимият вакиллари.

Дилшод ўз асарларида жабр-зулм, ҳақсизлик, адолатсизликдан азоб чекаётган, оддий инсоний ҳуқуқлардан

¹ Қаранг: М. Қодирова. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдиди. Тошкент. "Фан", 1977, 74-бет.

маҳрум этилган меҳнаткашларнинг аянчли аҳволини атрофлича баён қиласи, уларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини изчиллик билан ҳимоя қиласи. Шоира меҳнаткаш халқ аҳволини қўйидагича баён қиласи:

Кекса озгин, буқчайган, бола-чақа ялангоч,
Қўл-оёқлар мисоли синчалак, ё қалдирғоч,
Уй ич ҳама меҳнатда, аммо ҳама қорни оч,
Барно буларга зид бўл, оғзинг тарафдин ўғ оч,
Куйдурсун ҳаммасини мисли худо ургудай¹.

Меҳнаткашларнинг бундай аянчли аҳволга тушишининг асосий сабабчилари, Дилшоднинг фикрича, бойлар, муллалар, эшонлар, шайхлар, амирлар, хонлар, беклар ва бошқа мансабдорлардир. Шунинг учун ҳам шоира ўз асарларида феодал жамиятининг ҳукмрон доираларини аёвсиз танқид остига олади, уларнинг кирдикорларини фош қилиб ташлайди, ҳукмдорларни адолатсизликда, зўравонликда, босқинчиликда, талончиликда айблайди.

Дилшод феодал давлатининг ғоявий таъсир кўрсатиш вазифасини амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйновчи дин арбобларининг ҳақиқий мақсадларини очиб ташлайди, уларнинг фикру зикри, бутун фаолияти бойлар, хонлар ва беклар ҳокимиятини мустаҳкамлашга, уларнинг меҳнаткашлар оммаси устидан ҳукмронлигини абадийлаштиришга қаратилганлигини кўрсатиб беради. Шоира дин пешволари ўзларининг гараз мақсадларига эришишда исломдан усталик билан фойдаланишини тушуниб етади. Буни биз шоиранинг қўйидаги сўзларида кўрамиз:

Дилда макру ҳйла, тилда дини ислом такбири,
Қўлда тасбеҳу амалда жумру исен тадбири,
Тушда кўриб, ўнгиде элга ситамлар таъбири,
Ҳўлда тўзон кўтариб горит ишини тазвири,
Ҳукмронлиқда разолат ҳукмига этгай амал².

Дилшод мусулмон ҳуқуқи, биринчи навбатда, унинг асосий манбаи бўлган Қуръоннинг эзувчи синфлар вакиллари томонидан меҳнаткаш халқни эзиш, алдаш, итоатда сақлаш, бўйсундириш воситаси сифатида фойдаланилаётганини алоҳида қайд қиласи. Шоиранинг таъкидлашича,

¹ Зебунисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеъриятидан, 68-бет.

² Зебунисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеъриятидан, 67-бет.

ҳуқуқ ва унга асосланиб чиқариладиган ҳукм мулкдорлар манфаатини кўзлаб меҳнаткашлар манфаатига қарши қаратилган. Бу ҳақда шоира қўйидагича ёзади:

Куръон сўзи, ислом кўзи фақат оғиздадур,
Бу замонда ризқу рўзи түқ оғиздадур,
Бойларни мақсадига ҳукм, тўлуқ оғиздадур¹.

Дилшод ижодида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу албатта бежиз эмас. Биринчидан, мазкур масалага алоҳида эътибор берилиши ўша даврда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, шоиранинг ўзи хотин-қизлар вакиласи сифатида уларга нисбатан амалга оширилаётган ҳақсизлик, хўрлашлар, камситишлар азобини чекканлигидадир. Дилшод хотин-қизлар озод, эркин, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси булиши керак деган фикрда бўлган. Бунга эришишда хотин-қизларнинг ўzlари биринчи навбатда фаоллик қўрсатиши, ўз озодлиги учун ўzlари курашмоғи лозим:

Пардани очинг, чиройингиз кўрунсан эл аро,
Шамъи руҳсорингиза куйсан кўруб парвоналар.
Куйлангиз озодлик мазмунида, сиз, беибо,
Тингласун Тошканд, Ҳуқанд, Ҳўжанд ҳам Фарғоналар².

Замонасининг ҳукмрон доираларини аёвсиз танқид қилиб, Дилшод зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизлик абадий эмас деган хulosага келади.

Дилшоднинг таъкидлашича, халқ тақдири, мамлакат ободончилиги тўғрисида ғамхўрлик қилмайдиган зўравонлик, талончилик, босқинчиликни ўзининг кундалик ишига айлантирган шоҳ ҳокимияти бадиий, мустаҳкам була олмайди. Кибру ҳаво, фисқу ғафлат, жабру жафо, зулм, қонхўрлик "мамлакатни ҳам, салтанатни ҳам хароб қилади".³

Жабр-зулм, зўравонлик ва адолатсизликка асосланган тузумга барҳам бериш йўллари тўғрисида Дилшод қатъий ва тўғри фикр билдиришдан узоқда. У бир жойда замонадан меҳр-шафқат кутса, иккинчи жойда эркинликка эри-

¹ Ўша асар, 65-бет.

² Ўша асар, 27-бет.

³ Дилшод. Танланган асарлар, Тошкент,Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972, 91-бет.

шишнинг йўли сифатида маърифатни, халқни саводхон қилишни кўрсатади. Шу билан бир қаторда шоиранинг айрим ғазалларида меҳнаткаш халқларни қўзғолонга ундашга қаратилган ғояларни учратиш ҳам мумкин. Лекин бу ғоялар ҳали пишиб-етилмаган, очиқдан-очиқ халқни инқилобга чақиришга қаратилган ғоялар эмас эди.

Ўзаро феодал урушларнинг гувоҳи бўлган ва уларнинг азоб-уқубатларини бошидан кечирган Дилшод урушга кескин қарши чиқади. Бу урушларнинг асосий айбдорлари — хон, амирларни аёвсиз танқид қиласди, уларнинг тубан ниятларини фош қилиб ташлайди. Шоира ўзаро феодал урушлари мамлакатнинг вайронага айланишига, жабрзулмнинг кучайишига, меҳнаткаш халқ аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келишини атрофлича кўрсатиб беради. У урушларга барҳам бериш, бутун ўлкада тинчлик ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари суради ва мамлакат равнақи, халқ фаровонлигига тинчлик орқалигини ёришиш мумкин деган хуносага келади.

Дилшод ҳар қандай ирқий ва миллий камситишларни, миллатлараро низомларни ва душманлик муносабатларни кескин қоралайди.

У элатлар, халқлар ва миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ғояларини илгари суради. Дилшод ижодида Россияга муносабат масаласига алоҳида аҳамият берилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Ўрта Осиё халқларининг кўпчилик илғор мутафаккирлари каби Дилшод ҳам Россияга нисбатан икки хил муносабатда бўлган. Бир томондан, шоира чор ҳукуматининг босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатига қарши ўз норозилигини билдиради. Дилшод ўз асарларида Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши, ўлкада мустамлакачилик тартибларининг ўрнатилиши натижасида маҳаллий халқлар меҳнаткашларининг аҳволи янада ёмонлашганини, уларнинг икки томонлама зулм остида азоб чекаётганлигини, мустамлака ҳокимият вакиллари томонидан маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари поймол қилинаётганлигини атрофлича баён қиласди. Шоира Россия императорини адолатли, халқпарвар, мусулмонларнинг ҳомийси сифатида кўрсатишига ҳаракат қилаётган мустамлакачиларнинг маҳаллий малайларига кескин қарши чиқади. Дилшоднинг таъкидлашича, маҳаллий халқ рус подшосидан адолат кутган эди, ҳаёт бунинг аксини кўрсатди, рус подшоси халқ манфаатини ҳимоя қилиш, одил судловни таркиб топтириш

ўрнига, ўлкада адолатсизлик уруғини сепди, халққа жабрзулм үтказиш йўлини тутди.

Иккинчи томондан, Дилшод чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ерда юз берган ижобий ўзгаришларга холисона баҳо беради. Шоиранинг ёзишича, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ижобий ўзгариш — бу ўзаро феодал урушларига барҳам берилганлигидир. Шунингдек Дилшод Туркистон ўлкасининг иқтисодий ва маданий ҳаётида мустамлакачиларнинг хоҳиши-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берган ўзгаришларни ижобий баҳолайди. Дилшод келажакка ишонч билан қарайди. Унинг фикрича, келажакда жабр-зулм, зўравонлик, инсонни таҳқирлашга барҳам берилади ва жамиятда озодлик, тенглик, осойишталик, эзгулик тантана қиласи. Бунга эришишнинг муҳим шартларидан бири халқ орасида зиё тарқатиш, ўқиши-ўқитиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, илм-фанни ривожлантиришдир, деб билади.

Аҳмад Дониш. Ўзбекистон ва Тожикистонда фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган мутафаккир Аҳмад Махдум ибн Носир Донишдир. Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухорода руҳоний оиласида таваллуд топади. Аҳмад бошланғич маълумотни мусулмонча мактабда олади, сўнг Бухородаги мадрасалардан бирида ўқишини давом эттиради. Мадрасада бериладиган билимлардан қониқмаган А. Дониш ўз устида мустақил ишлашга киришади. У айниқса, тарих, фалсафа, астрономия, математика, геометрия каби фанларни чуқур ўрганишга ҳаракат қиласи. А. Дониш мадрасада ўқиб юрган йилларида хаттотлик сирларини мукаммал ўзлаштиришга муваффақ бўлади. У Шарқ мутафаккилари, чунончи, Бедил асарларини кўчириш, шу йўл билан уларни халққа етказишга алоҳида эътибор беради. Кейинчалик А. Дониш Бухоро амири саройида хаттотлик, бош меъмор лавозимларида ишлайди. А. Дониш 1857, 1869, 1873-74 йилларда Бухоро амирлигининг элчилари қаторида Петербургда бўлади. А. Дониш бирмунча вақт қозилик, кутубхона мудири лавозимларида ишлайди, ҳаётининг сўнгги йилларида илмий иш билан шуғулланади. А. Дониш 1897 йилда Бухорода вафот этади.

А. Дониш ўз замонасининг энг илфор кишиларидан бири сифатида фаннинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилган. Адабиёт, тарих, фалсафа ва табиий фанларга бағишлиланган бир неча ўнлаб асарлар А. Дониш қаламига

мансубдир. Мутафаккирнинг илмий меросида сиёsat, давлат ва ҳуқуқ масаласи алоҳида ўрин тутади. А. Донишнинг сиёсий ҳуқуқий қарашлари "Фаромушхона ҳақидаги ҳикоя" (1873), "Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақидаги рисола" (1875), "Фарзандларга васият, касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида" (1877), "Бухоролик манғит амирлари нинг қисқача тарихи" (1895-97) номли асарларида баён қилинган.

А. Дониш Ўрта Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган маърифатпарварлик сиёсий-ҳуқуқий мафкурасининг асосчиларидан эди. А. Дониш Ўрта Осиё мутафаккирлари орасида биринчилардан бўлиб давлат ва ҳуқуққа инсон кўзи билан қараган мутафаккирдир. У янги давр Оврупо мутафаккирларига ўхшаб давлат қонун-қоидаларини илоҳият билан эмас, балки ақл билан боғлашга ҳаракат қилган. А. Донишнинг таъкидлашича: "Ақлу давлат бир-бираидан ажралмас"¹. Бошқа бир жойда мутафаккир шундай деб ёзади: "Қайси салтанат — давлатнинг қоида ва қонунлари ақл тадбирига мослаштириб қурилмаган бўлса, ундай давлатдан ҳеч вақт яхшилик кўра олмайдилар"².

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, А. Донишнинг дунёқараши у яшаб ижод этган давр каби мураккаб ва қарама-қаршиликлардан холи эмасдир. У материалист ҳам, даҳрий ҳам бўлмаган, шу билан бир вақтда идеалистик ва диний мавқеда ҳам қатъий турмаган. Унинг асарларида идеалистик ва диний фикрлар билан бир қаторда даҳрийлик ғоялари, тарихийлик ва рационализм элементларини ҳам учратамиз.

А. Дониш асарларида ўша даврда ҳукмрон мафкура бўлган ислом ақидаларига қарама-қарши бўлган ғояларни ҳам илгари суради. А. Дониш инсон оламни билишга қодир деган фикрни илгари суради. Шунингдек, мутафаккир исломнинг ҳар бир инсоннинг тақдиди олдиндан худо томонидан белгиланган, ҳар кимнинг насибасини худо беради каби ғояларига ҳам қарама-қарши бўлган фикрларни билдирган.

Лекин А. Дониш ҳукмрон мафкурага зид бўлган фикрларни билдирган бўлса-да, у дин доирасидан чиқиб кета олмаган, том маънодаги даҳрий бўлмаган.

¹ А. Дониш. Наводирул вақое. Тошкент, "Фан", 1964, 137-бет.

² Ўша асар, 125-бет.

Ўрта Осиё маърифатпарварларидан биринчи бўлиб А. Дониш давлатнинг вужудга келишини мулк билан боғлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, бир вақтларда давлат ва ҳуқуқ бўлмаган. Уларнинг пайдо бўлиши мулк ҳуқуқининг, биринчи навбатда, ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши билан боғлиқ. Дастлабки даврларда ерга нисбатан умумий эгалик қилинган. Кейинчалик айрим халқларнинг бошқа халқлар ерларини босиб олиши натижасида ерга нисбатан алоҳида шахсларнинг мулки вужудга келган. А. Донишнинг ёзишича "Ер устидаги барча халқлар бир-бирлари билан тенг ҳолда яшашлари, барча тенг бўлиб олиб, улардан бир текисда фойдаланишлари лозимдур. Одам ато ўлгандан сўнг унинг болалари бу ерларни мерос сифатида теппа-тенг бўлиб олиб, адолат билан улардан фойдаланганлар. Сўнгра замон ўтган сайин, халқлар ўзгарганлар; ўз қўлларида ерларга қаноат қилмай, бир-бирларининг ерларини босиб олишга киришганлар... Инсоф қилиб ақл юритганда, ҳар ким ўз ерига қаноат қилиши лозимдир. Кучлилар босиб олган ерларини ўз эгаларига қайтарсинглар. Ҳар ким бу ишдан бош тортар экан, одамгарчилик йўлида фарздорким, кучлилар ҳаммалари бир иттифоққа бирлашиб, унинг бурнини ерга ишқаб, кучлидан кучсизнинг ҳаққини олиб берсинглар. Шундай бўлганда, инсонлар ўртасида уруш-талашлар бутунлай йўқолади. Подшоҳлар ўрталаридан душманликлар кўтарилиб, қон тўкишлар тўхтайди. Бунинг натижасида барча халқлар тинчлик билан муросада яшайдилар".¹

Лекин бунга қандай йўл ва воситалар орқали эришиш мумкин, деган саволга А. Дониш аниқ жавоб беролмайди. Унинг қайд қилишича, ҳеч ким ўз мулкидан ихтиёрий равишда воз кечмайди, мулкларни кишилар ўртасида тенг гақсимлаш учун қон тўкишга тўғри келади. Аммо бу чора ҳам ўзини оқладими-йўқми маълум эмас.

А. Донишнинг фикрича, кишилар ўртасидаги мулкий тенгсизлик ўғирлик, талончилик ва босқинчилик каби иллатларни келтириб чиқаради. Кишилар ўз мулкларини ўғрилар, қароқчилар, талончилар ва босқинчилардан ҳимоя қилиш мақсадида шартнома тузиш йўли билан давлатни ташкил қилганлар. Бу шартномага биноан подшоҳ ўз ёрдамчилари билан биргаликда фуқароларнинг ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига оладилар.

¹ Наводирул вақое, 196-бет.

Фуқаролар эса, бундай хизмат эвазига ўз зиммалариға подшоҳга солиқ тўлаш мажбуриятини оладилар.

Шундай қилиб, А. Донишнинг фикрича, давлат жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида кишилар томонидан ташкил этилган, ҳокимият подшоҳга худо томонидан берилган эмас, балки кишилар томонидан берилган. Шуннинг учун ҳам давлатнинг асосий вазифаси ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бу ғамхўрлик заминида бир қатор вазифалар турадики, бу вазифалар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, суғориш иншоотлари, йўллар, кўприклар қуриш, ерларни суғориш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, маориф, фан ва техникикани ривожлантириш, мактаблар ва бошқа ўқув юртлари очиш кабилардан иборат.

А. Донишнинг давлат ҳокимияти ва унинг иқтисодий, ҳарбий қўшин ва халқ билан ўзаро алоқаси ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг таъкидлашича, ҳақиқий халқпарвар давлат ҳокимиятини ташкил қилиш учун вилоятларга бўлинган кишилар жамоалари бўлиши керак. Бундан ташқари, бундай ҳокимииятни ташкил этиш учун мамлакат ободонлашган бўлиши, маълум миқдордаги ҳарбий қўшинга эга бўлиши лозим. Чунки уларсиз давлатнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳеч бир ҳукмдор ҳарбий қўшинсиз ҳукмдор бўлиши мумкин эмас, қўшинни эса хазинасиз ташкил этиб бўлмайди. Агар мамлакат ободонлаштирилмаган бўлса, хазина тўплаш мумкин эмас. Мамлакатни ободонлаштириш тоғларнинг яқинлигига, сувнинг етарли даражада бўлишига боғлиқ. Давлат ҳокимияти А. Донишнинг қайд қилишича, таҳтда ўтирган кишига ўхшайди. Таҳтни қуриш эса қўйидаги беш нарса-сиз мумкин эмас. Бу — адолат, ҳарбий қўшин, халқ, сув, хазина. Булар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг биттаси бўлмаса, бошқалари ҳам бўлмайди. Хазинасиз ҳарбий қўшинни сақлаш мумкин эмас. Қўшинсиз мамлакатни душмандан ҳимоя қилиб бўлмайди, сувсиз керакли моддий неъматларни стиштириш амри маҳол, моддий неъматларни стиштирувчи эса халқдир. Халқ учун яхши турмуш шароитини фақат адолатли ҳукмдорлар раҳбарлигидагина яратиш мумкин.

Фуқаронинг тинчлиги ва осойишталиги, А. Донишнинг фикрича, давлат бошлиғи ва бошқа мансабдор шахсларнинг адолатлилигига боғлиқ. Умуман адолат давлатни бошқаришнинг асосий қоидаси бўлмоғи керак. Бундан ташқари, мутафаккир давлатни бошқаришда илм-фан ва

тажрибанинг катта аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор беради, илм-фанга, тажрибага таянган ва адолатга риоя қилган давлат бошлиғигина ўзига юклатилган вазифани бажара олади деб таъкидлайди: "Подшоҳ ёлғиз ўзининг инсофли ва адолатли бўлиши билан қаноат қилмасдан бутун давлат арбобларини, айниқса ўз атрофидаги хизматчиларни ҳақлика ва адолатликка ундин. Уларнинг ҳар қандай зулмларига сукут қилмасин. Амалдорлар ҳам подшоҳ қилган зулмга сукут қилган бўлсалар жавобгар бўладилар..." Адолатга асосланган ҳокимиятгина мустаҳкам бўлади. "Агар давлат тартибларидан, салтанат сиёсатидан ҳалқ норози бўлиб, ғалва кўтарар экан, подшоҳни ҳазина ҳам, лашкар ҳам сақлаб қололмайди. Агар ҳалқ ундан рози бўлар экан, аниқ билсинки, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар кўтарса, тор-мор бўлади"¹.

Кундалик ҳаётда адолатсизлик, жабр-зулм, талончилик, тартибсизликларнинг гувоҳи бўлган А. Дониш, Бухоро амирлигининг давлат тузумини ислоҳ қилиш йўли билан бу иллатларга барҳам бериш, меҳнаткаш ҳалқнинг аҳволини яхшилаш, мамлакат ободлигини таъмин этиш мумкин деган хulosага келади. Бухоро амирлигига ислоҳот ўтказиш ҳақидаги фикрларини маърифатпарвар ўзининг "Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида рисола" сида баён қиласди.

Рисолада Бухоро амирлигига таркиб топган давлат тузумидан кескин фарқ қилувчи, меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий институтларни ташкил қилиш таклиф этилади. Рисолада давлат органларини ташкил қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш, мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларни тайинлаш ва вазифасидан бушатиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Рисолада давлат бошлиғининг ҳуқуқ ва бурчларига катта ўрин берилган. А. Донишнинг таъкидлашича, давлат бошлиғи бўлиш ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли иш, чунки мамлакатнинг равнақи ва ҳалқнинг осойишталиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Давлат бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифани илм-фанга, тажрибага таяниб, адолатга ва қонун-қоидаларга риоя қилгандагина адо этиши

¹ Наводирул вақое, 45—80-бетлар.

мумкин. Амир ўз фаолиятини амалга оширишда ўнта шартга қатъий амал қилиши, чунончи, давлат бошлиғи фуқаро манфаати билан боғлиқ иш юзасидан ҳукм чиқаришда ўзини бир оддий киши деб ҳисоблаши, ўзини фуқаро ўрнида тасаввур қилиши, унга мурожаат қилиб келганиларни кўп зориқтирмаслиги; у емоқ-ичмоққа, кийиниша қаноатли бўлиши, бирорларнинг кўнглига қараб ғайриқонуний иш қилмаслиги, халқа муомала қилишда меҳрибонлик кўрсатиши, ҳар бир масалани ҳал қилишда уни катта-кичик демай инсоф ва адолат билан иш олиб бориши, олимлар билан маслаҳатлашиб иш тутиши, катта-кичик амалдорларнинг фаолиятини доим назорат қилиб туриши, такаббурчиликдан, бошқаларнинг менсимасликдан сақланиши керак.

А. Дониш ҳукмрон мафкура анъаналари ва Бухородаги давлат қурилиши тажрибаларига қарама-қарши ҳолда давлат бошлигининг ҳуқуқ ва бурчларини кўрсатиб ўтади. Давлат бошлиғига шикоят ва аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиб тегишли қарор чиқариш, одил судлов ва мансабдорлар фаолияти устидан назорат қилиш, фуқароларнинг мансабдорлар томонидан эзилиши ва таланишига йўл қўймаслик, халқа зулм ўтказувчи мансабдорларни мансабидан четлатиб ва уларни жазолаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мулкларини ҳимоя қилиш, камбағалларга ва етим-есирларга ғамхўрлик қилиш, мамлакатни ободонлаштириш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тадбирий чораларини кўриш, бошқа давлатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш, кўприклар, йўллар, суғориш иншоотлари қурилишига раҳбарлик қилиш каби вазифалар юклатилади.

Шунингдек, рисолада амирга берилган ҳуқуқлар, яъни кенгаш аъзоларини, бошқа мансабдор шахсларни, элчиларни тайинлаш ва мансабидан бўшатиш, қонунларнинг ижросини текшириш, кенгаш қарорларини тасдиқлаш, бошқа давлатнинг элчиларини қабул қилиш ҳуқуқлари ҳам келтирилган.

А. Донишнинг таъкидлашича, давлат ишлари халқ манфаати билан боғлиқ бўлгани учун давлат бошлиғи бошқалар билан маслаҳатлашмасдан, ўзбошимчалик билан якка ўзи ҳал этиши мукин эмас. Шунинг учун рисолада А. Дониш давлат бошлиғи қошида маслаҳат органи бўлган маҳсус кенгаш ташкил этишни таклиф этади. Бу кенгаш аъзолари мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар вакиларидан иборат бўлиб, амир томонидан тайинлаши ва

вазифасидан озод этилиши кўзда тутилган. Амир кенгашга илмли кишини бошлиқ қилиб тайинлади. Кенгаш аъзолари вақти-вақти билан йиғилишиб, мамлакатни ободонлаштириш, фуқаролар манфаати билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиласди, давлатнинг даромад ва харажатларини текширади ва муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қиласди. Агар давлат бошлиғи кенгашнинг қарорларига қўшилса, уни тасдиқлаши ва ҳаётга татбиқ қилиш чорасини кўриши керак.

Рисолада А. Дониш давлат бошқарув органлари фаолиятини қатъий тартибга солишга алоҳида эътибор беради. Мутафаккирнинг ёзишича, "Султон кўпчилик халқ ризолиги ва давлат уруғларининг маслаҳатлари билан ўзига икки вазири доно сайлаб олсин. Биримамлакат киrimi, иккинчиси эса мамлакат чиқимини ҳисоб қилсин"¹. Бундан ташқари, А. Дониш ҳарбий ишлар вазири, ўўллар вазири, ички ишлар вазири, канцелярия бошлиғи, бош сув тақсимловчи ва бошқа лавозимларни таъсис этишни таклиф қиласди.

Бирор кишини у ёки бу лавозимга тайинлашда, А. До-нишнинг таъкидлашича, давлат бошлиғи ўша кишининг билимини, иқтидорини ва характерини ҳисобга олиши керак. Шунингдек, мансабга тайинлашда қатъий изчилликка риоя қилинмоғи лозим. Ҳеч бир киши кичик лавозимларда синовдан ўтмасдан юқори мансабга тайинланмаслиги керак.

Рисолада кўрсатилишича, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқий ҳолати: ваколатлари ва бурчлари белгилаб қўйилиши, мансабдор шахснинг фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозим. Шунингдек, ҳар бир мансабдор ўз фаолияти юзасидан давлат бошлиғига ёзма шаклда вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши шарт. Барча мансабдор шахслар, шу жумладан давлат бошлиғи ҳам давлат хазинасидан белгиланган миқдорда маош билан таъминла-ниши зарур.

А. Дониш юқорида зикр этилган рисоласини Бухоро амири Музаффарга (1865—1885) тақдим қиласди ва амирлик давлат тузумини унда баён қилинган фикрлар асосида ислоҳ қилишни маслаҳат беради. Бунга жавобан амир А. Донишни саройдан қувғун қиласди ва таъқиб остига олади.

А. Дониш ўз ҳаётининг сунгги йилларида ёзилган "Бухоролик манғит амирларининг тарихи" номли асарида

¹ Наводирул вақое, 79-бет.

манғитлар сулоласи тарихини таҳлил қилиб, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий тузумининг барча иллатларини фош қилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, А. Донишнинг ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисаларга бағишиланган барча асарлари амирликнинг ижтимоий-сиёсий тузумига нисбатан танқидий руҳ билан сугорилган. "Бухоролик манғит амирларининг қисқача тарихи" асарининг мутафаккирнинг бошқа асарларидан фарқи шундаки, бу рисолада алоҳида мансабдор шахслар ёки ижтимоий-сиёсий тузумнинг алоҳида соҳаларигина эмас, балки амирликнинг бутун бошқариш тизими унинг ички ва ташқи сиёсати, расмий мағкураси танқид остига олинади. Рисолада кўрсатилишича жабр-зулм, зўравонлик, қонунсизлик, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, иззат-нафсини, эркинлигини поймол қилиш, талончилик, босқинчилик ва ахлоқсизлик, тўрачилик, сансалорлик, адолатсизлик, Бухоро амирлари ва уларнинг амалдорлари фаолиятининг мазмунини ташкил қилиб келган. Бу иллатлар йилдан-йилга, авлоддан-авлодга ўтиб янада чуқурлашди, авжга чиқди.

А. Дониш меҳнаткашларни эзиш ва талашнинг, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишнинг муҳим воситаси бўлган суд органларининг кирдикорларини ҳам фош қилади. Суд ишларини амалга оширувчилар ҳақида А. Дониш шундай ёзади: "Қалам аҳлларининг энг юқори мансаблари қозилик ва раисликдир. Замонга қаралса, бу икки ўринда ҳам адолат билан иш олиб бориш мумкин эмасдир. Чунки ҳар жойда қалам аҳли мансабларига сиёсий мансабдорлар ҳукмрондирлар. Шариат ишлари шуларнинг хоҳишлирига қараб юргизилгач, зулм ва хиёнатсиз бўлиш ҳеч мумкин эмасдир. Бундай мансабларда ўтирган қалам аҳли ҳукумат арбобларига, бойларга, чақимчи ва жосусларга хушомад қилмасалар, жон сақлай олмайдилар. Шариат ҳукмини юргизишида, фатво чиқаришда сultonнинг хотирига (хоҳишига — Ж. Т.) қараб иш қилмасликнинг иложи йўқдир. Демак, қози ва раислар биринчи қадамларидаёқ шариатни бузадилар, етимлар молига хиёнат қиладилар. Буларнинг бутун қилган ишлари ҳаром-хариждан ҳеч қачон холи бўлолмайди". А. Дониш асарларида феодал давлатининг меҳнаткашларга мағкуравий таъсир кўрсатиш вазифасини амалга оширувчи руҳонийларнинг халқ манфаатларига қарши қаратилган фаолияти ҳар томонлама

¹ Наводирул вақое, 361-бет.

очиб ташланади, руҳонийлар билан давлат ва унинг органдари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари фош қилинади. Руҳонийлар ҳақида шундай дейди: "Расуллиллоҳнинг ва унинг саҳобаларининг таржимаи ҳолларини текшириб қарасам, сўфилик суликлари уларга мувофиқ бўлиб чиқди. Шунда билдимки, замонамизнинг уламо ва машойихлари тўғри йўлда эмас эканлар. Чунки мен уларнинг қилган ишларига қарар эдим. Шунда шайхларнинг алдамчи, уламоларнинг порахўр эканликларини кўрар эдим"¹.

А. Дониш Бухоро амирлигининг сиёсий тузумини чуқур таҳлил қиласар экан, бу тузум ақлга ҳам, шариатга ҳам, инсон табиятига ҳам тўғри келмайди, шунинг учун уни ўзгартириш керак, деган холосага келади. Бунинг учун амир ҳокимиyatига барҳам бериш керак. Ўзининг бу ҳақдаги фикрини А. Дониш қўйидагича баён қиласади: "Бизнинг ҳукмдорлар — олий ҳазратлари деб аталмиш амир ва жаноби олийлари деб аталувчи вазир "адашган ҳайвонлар"дан бошқа нарса эмас, балки улардан ҳам баттардир. Шароитга биноан уларни ҳокимиyatдан четлатиш керак. Ҳеч ким уларга бўйсунмаслиги лозим"².

А. Дониш асарларида Россияга, рус халқи ва унинг маданиятига муносабат масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Бир томондан, А. Дониш ўзининг кўпчилик илфор замондошларига ўхшаб, рус халқи ва унинг маданияти ҳақида гапиради, ўз халқини рус халқи билан дўстлашишга чақиради.

Иккинчи томондан, А. Дониш чор ҳукуматининг босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини кескин танқид қиласади. Маърифатпарварнинг ёзишича, чор қўшинларининг Самарқандни босиб олиши ва унинг Россияга қўшиб олиниши натижасида меҳнаткаш халқнинг аҳволи янада ёмонлашди. Чор Россиясининг маъмурлари турли баҳоналар билан Бухорога тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Бу олдиндан кўзда тутилмаган харажатларга сабаб бўларди. Бухоро ҳукмдорлари чор маъмурларининг кўнглини олиш мақсадида янада кўпроқ, янги-янги солиқларни жорий қиласадилар. Буни кўрган мустамлакачилар янада фаоллашардилар, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб, амир ва унинг амалдорларини айблашга уринарди-

¹ Ўша асар, 359-бет.

² Дониш А. Путешествие из Бухари в Петербург, 258-259-бетлар.

лар. Бухоро ҳукмдорлари эса бечора халқа нисбатан ўз зулмини янада кучайтирадилар. Оқибат натижасида меҳнаткашлар чидаб бўлмас даражада қашшоқлашдилар, мамлакат вайронага айланди.

А. Донишнинг асарларида ҳуқуқ масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Мутафаккир ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақида ўша даврда Шарқда ҳукмрон бўлган таълимотга тубдан қарама-қарши бўлган фикрни илгари сурди. А. Донишнинг ёзишича, "инсон кўнглидаги раҳмоний қувватнинг амрини юзага чиқариш, шайтоний қувватнинг эса талабини тўсиш учун шариат қонунлари тузилгандир".¹ Бошқа жойда қайд қилинишича, "Қуръон оятларининг қоидалари арабларнинг кўпчилигини ташкил этган бадавий қабилаларнинг одат ва эътиқодларига кўра айтилган".² Шундай қилиб, А. Донишнинг фикрича, ҳуқуқ Оллоҳ фаолиятининг маҳсули эмас, балки инсон фаолиятининг маҳсули, ижтимоий муносабатлар ифодасидир.

А. Донишнинг ёзишича, Бухоро амирлигида авжига чиққан жабр-зулм, ўзбошимчалик ва зўравонликнинг асосий сабабларидан бири давлат ишларининг қонун билан қатъий тартибга солинмаганлигидир. "Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида рисола"сида А. Дониш мамлакатда, биринчи навбатда, давлат аппаратида мустаҳкам тартиб ўрнатмасидан туриб халқ турмушини яхшилаш ва жамият ривожланишини таъминлаш мумкин эмас, деб таъкидлайди.

Рисолада А. Дониш давлат, ҳокимият ва бошқарув органларини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солишини ёқлашиб чиқади. Мамлакатда мустаҳкам тартибни жорий қилиш учун энг аввало "салтанат тутиш ва давлат қуриш ҳақида бир низомнома тузилиши, албатта лозимдир. Ўша қонунга тўғри келмаган одамлар эса салтанат даргоҳига киритилмайди".

А. Донишнинг фикрича, таъсис этилган қонун-қоидалар ижроси таъминлангандагина, мамлакатда мустаҳкам тартиб ўрнатиш мумкин. Шунинг учун у қонунларнинг ижросини таъминлаш учун қатъий ва изчил назоратни жорий қилиш керак, деган фикрни илгари сурди. Бундай назоратни амалга ошириш давлат бошлиғи зиммасига юклатилиши лозим.

¹ Наводирул вақое. 328-бет.

² Ўша асар, 169-бет.

А. Дониш оила-никоҳ, жиноят, халқаро ҳуқуқ соҳаларида ўз даври учун илгор бўлган бир қатор фикрларни илгари суради. Жумладан, мутафаккир хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини ўрнатиш, тан жазосини бекор қилиш, давлатлараро тинчлик алоқаларини мустаҳкамлашни ўртага қўяди.

Шоҳин. XIX асрнинг иккинчи ярмида тожик маърифатпарварлик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган шоир — Шамсиддин Шоҳиндир. У 1859 йилда Бухоро шаҳрида ўртаҳол руҳоний оиласида туғилди. Шамсиддин дастлабки маълумотни хусусий мактабда олди, сўнг Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиди. Мадрасани тугатгандан сўнг Бухородаги масжидлардан бирида имом бўлиб ишлади. 1880 йилларнинг ўрталарида Шоҳин амир девонхонаси бошлигининг котиби лавозимига ишга қабул қилинади. Кейинчалик, у сарой шоирни сифатида амирнинг хизматкорига айланади. Шоҳин 1894 йилда Қарши шаҳрида вафот этади.

Шоҳиннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб ва зиддиятли вазиятда ўтди. Мутафаккирнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ривожланишини уч даврга бўлиш мумкин: биринчи даврда Шоҳин амیرга бағишлиб қасидалар ёзди, қасидаларда уни кўкларга кўтариб, энг қудратли адолатпарвар, халқпарвар давлат бошлиғи сифатида таърифлайди.

Иккинчи даврда Шоҳин донолик ва адолатпарварлик ғоялари билан суғорилган панд-насиҳатлар билан амیرга таъсир кўрсатиш йўли билан мамлакатдаги ижтимоий тартибларни, ўзаро муносабатларни ўзгартириш, меҳнаткаш халқнинг аҳволини яхшилашга ҳаракат қилади.

Шоҳиннинг фикрича, ҳокимиёт шоҳга худо томондан берилган. Ҳокимиётдан у халқни эзиш, талаш, жабр-зулм ўtkазиш воситаси сифатида эмас, балки адолат тантанасини таъминлаш ва халқни баҳт-саодатга эриштириш қуроли сифатида фойдаланиши мумкин.

Шоҳиннинг ким эканлигини белгиловчи асосий меъёр — унинг адолатлигидир. Подшоҳиннинг адолатли эканлигини унинг атрофидаги кишилар берган баҳога қараб эмас, балки халқ томонидан берилган баҳога қараб аниқлаш лозим. Фақат халқ томонидан адолатли деб тан олинган шоҳгина ҳақиқий ҳукмдор бўлиши мумкин¹.

¹ Қаранг: Шамсиддин Шоҳин, Избранные произведения. Душанбе, "Ирфон", 1987. 118-бет.

Шоҳиннинг фикрича, ҳокимиятни амалга ошириш до-
нолик, адолатлилик ва қонунийлик каби қоидаларга асос-
ланмоғи лозим. Бу қоидаларга тўла амал қилинмаётган
жойда ҳокимиятни амалга оширишдан худо томонидан
белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди. Айнан мана шун-
дай ҳол Бухоро амирининг салтанати учун хосдир. Амир
ҳокимияти зўрликка, адолатсизликка, қонунсизликка асос-
ланган ҳокимиятдир. Бу худога ҳам, бандага ҳам аёндир.

Дастлаб Шоҳин мамлакатдаги адолатсизлик, жабр-
зулм, зўравонлик, ҳалқнинг оғир аҳволининг сабаби, амир-
нинг шариат талабларига тўла риоя қилмаслиги ва худо
кўрсатмаларини аниқ бажармаслиги, давлат бошлиғи атро-
фига йиғилган мулозимларнинг жоҳиллиги, уларнинг ҳалқ
манфаатларидан ўз манфаатларини устун қўйиши деган
фикрга келади. Шунинг учун мутафаккир амирга панд-на-
сиҳатлар қилиш йўли билан уни тӯғри йўлга солиш мум-
кин деган умидда амирга шариат қонунларига оғишмай
амал қилиш, худо берган ҳокимиятдан адолат, яхшилик
тантанаси йўлида фойдаланиш, ўз атрофига билимдон ва
ҳалқпарвар кишиларни тўплаш, улар билан мас-
лаҳатлашиб, давлатни бошқариш лозимлиги ҳақидаги
ғояларни сингдиришга ҳаракат қилади. Бу уринишлар ал-
батта Шоҳинга жуда қимматга тушарди. Чунки амир ат-
рофидаги кишилар уни кўра олмас, шоирга қарши турли
бўхтонлар ёғдирап эдилар.

Шоҳин ўзининг адолат, яхшилик, ҳалқпарварлик
ғояларини амалга ошириш мақсадида ўз қарашларининг
учинчи даврига хос бўлган маърифатли монархия ҳақидаги
фикрни илгари суради. Мутафаккирнинг маърифатли мо-
нархия ҳақидаги ғояси Бухорода асрлар давомида ҳукм
суриб келган шарқона бошқариш усулига қарама-қарши
қўйилган давлатни бошқариш шакли эди.

Шоҳин ёмонлик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизлик
абадий эмаслигига, уларнинг ўрнини яхшилик, юксак ин-
соний ахлоқ-эзгулик, адолат, баҳт-саодат эгаллаши муқар-
рарлигига тўла ишонади ва бунинг бирдан-бир йўли мам-
лакатда давлатни бошқаришнинг маърифатли монархия
шаклини жорий қилишдир, деб қайд қилади. Фақат ақл ва
адолат билан сиёсат юритувчи шоҳгина ҳалқнинг баҳт-са-
одатини ва мамлакатнинг тинч ҳаёт кечириши учун шарт-
шароит яратишга қодир¹. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш

¹ Қаранг: Шамсиддин Шоҳин, 74-бет.

лозимки, бу мақсадга эришиш учун мутафаккирнинг фикрича, ягона шоҳнинг доно ваadolатли бўлиши етарли эмас. Бундай хислатлар барча мансабдор шахсларда мужассамлашган бўлиши лозим.

Маърифатли монарх ва унинг мулозимларининг асосий вазифалари: фуқарогаadolатли, инсоний муносабатда бўлиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик-осойишталик ўрнатиш, шаҳар ва қишлоқларни ободончилиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, аҳолининг маданий даражасини кўтариш учун зарур бўлган тадбирий чораларни амалга оширишdir.

Шоҳин шахснинг дахлсизлиги, эркинлиги биринчи навбатда сўз эркинлиги ва фикрлаш эркинлигини, инсон ҳуқуқларини — хотин-қизларнинг эркак билан teng ҳуқуқлиигини ҳимоя қилиб чиқади. Шоҳин кишилар жамиятда эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар, табиатан тенгdir, шунинг учун улар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалаларда ҳам teng бўлиши керак деган ғояни илгари суради.

Шоҳин феодал жамияти шароитида давлатни бошқаришнинг маърифатли монархия шаклини жорий қилиш мумкин эмаслигига ўз ҳаётининг сўнгги йилларидагина ишонч ҳосил қиласди ва бу даврда ёзилган асарларида амир ва унинг амалдорларини қаттиқ танқид остига олади, зўравонлик,adolatsizlik, қонунсизлик каби иллатларни кескин фош қилиб ташлайди. Ниҳоят, Шоҳин бу оламдаadolatli қонун йўқ,¹ бўлиши ҳам мумин эмас, деган қатъий хуносага келади.

Кунхўжа Иброҳим ўғли—Қорақалпоқ халқининг илгор ижтимоий-сиёсий фикрлари тарихида ўчмас из қолдирган шоир, мутафаккир. Кунхўжа (асл исми Жиемурот) 1799 йилда камбағал оиласда туғилади. У дастлабки маълумотни овул мактабида олади, сўнг Қорақум эшон мадрасасига кириб ўқиёди. Ҳукмрон доираларнинг таъқиби туфайли Кунхўжа мадрасадан ва ватанидан кетишга мажбур бўлади. Қувғунга учраган Кунхўжа чўпонлар билан Қизилқум яйловларини кезади, бутун Хоразм воҳасини пиёда айланиб чиқади. Бутун умри қувғунда кечган, Кунхўжа 1880 йилда вафот этади.

Умр бўйи қашшоқликда ҳаёт кечирган, ўзи каби қашшоқларнинг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган Кунхўжа ўз асарларида меҳнаткаш халқнинг оғир, аянчли ҳаётини

¹ Ўша асар, 39-бет.

аниқ-равшан баён қилишга, жабр-зулмнинг, адолатсизлик ва зўравонликнинг сабабларини очиб бериш, бу иллатларга барҳам бериш йўлларини қидиришга ҳаракат қиласди. Кунхўжа асарлари ўз замонасидан нолиш, ўзи яшаб ижод этган даврдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тартиблар ва уларни қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчиларга қарши норозилик, кескин танқид руҳи билан суғорилган.

Кунхўжа ўзининг "Ёронлар" номли асарида ўз даврининг иллатларини фош қилиб ташлайди, ўз замонасини тескари замон, фуқаро манфаатларига мос келмайдиган, унинг истиқболини таъмин эта олмайдиган замона деб таърифлайди:

Замона терс келди, асло ўнги йуқ,
Дард дилга санчилди бўлиб минг бир ўқ,
Фуқаро йўллари гов билан тўсиқ,
Бошга шум замона тушди ёронлар¹.

Кунхўжанинг таъкидлашича, бу замона шундай замонаки, бунда халқ очликдан, жабр-зулмдан, зўравонликдан зор қақшайди, у қувонч, шодлик, баҳт-саодат нима эканлигини билмайди, дарёларда сувлар оқмайди, ўлганларни тириклар эсламайди, меҳнаткаш ўз ҳаққи-ҳуқуқини ҳимоя қила олмайди, сотқинлик, ҳурматсизлик, адолатсизлик, алдамчилик авжига чиқди.

Кунхўжа ўзи яшаб ижод этган жамият аъзоларини икки иирик гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ: золимлар — хонлар, беклар, бойлар, муллалардан, иккинчи гуруҳ: фуқаролар — чўпонлар, ўроқчилардан иборат.

Шоир ўз асарларида биринчи гуруҳга мансуб бўлган кишиларни кескин танқид остига олади, уларнинг кирди-корларини фош қилиб ташлайди. Мутафаккирнинг қайд қилишича, хонлар, беклар ва бойларнинг роҳат-фароғатда ҳаёт кечириши, сон-саноқсиз мол-дунёни ўз қўлларида тўплаши, шоҳона қасрлар қуриши меҳнаткаш оммасини талаш, шафқатсиз эзиш эвазига амалга оширилади. Жафокаш халқнинг машаққатли меҳнатисиз давлат хазинасини тўлдиришни, бойлар, хонлар ва бекларнинг имтиёзли шод-ҳуррам ҳаётини тасаввур қилиш мумкин эмас:

¹ Кунхўжа. Шеърлар. Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 5-бет.

Хазиналар тұла олтин-ақнанынг,
Хөвли-жою ҳамда бояу-богчанинг,
Халқни сұраб турған хон ҳам подшонинг
Кайфу ишратлари гарип әл билан.
Марвариддан солған күркем жойларнинг,
Осмондаги ёруг, нурлы ойларнинг,
Моли күп, дунёда гамсиз бойларнинг
Шодликлари шүрлик, тутқун әл билан¹.

Зулм остида азоб чекаётган, таланған, ҳақ-хүкүқлари поймол қилинған, адолатсизлик, зұравонлик туфайли оху фифони чексиз, үз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум қилинған меҳнаткашлар оммасининг аяңчи ҳаётини ҳар томонлама күрсатиш масаласига Кунхұжа үз асарларida алоҳида аҳамият беради. Шоирнинг таъкидлашича, меҳнаткаш халқ кечаю кундуз мاشаққатли меҳнат қилишига қарамасдан оч-яланғоч, ҳүкүқсиз, қашшоқ ҳаёт кечиришга маҳкум этилған. Бу азобларга чидай олмаган халқ үзи туғилиб үсган юртидан бош олиб кетишга, қул булиб сотилишга мажбур. Меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволи, әрксиз турмуши шоирнинг "Кун қайда", "Ұроқчилар", "Оқ қамиш", "Чүпонлар" каби асарларida атрофлича баён қилинған:

"Кун қайда":

Ұроқ үрдик, ёрдик үтін, сой қаздик,
Машоқ тердик, бойға барин тутқаздик,
Гулдай сұлиб, ёш умрни үтқаздик,
Бу юришдан энді бизга кун қайда?
Ұроқ үриб, умр бүйи бүлдик қул,
Тер тұқсак ҳам тегмас бүлди чақа пул...²

"Ұроқчилар":

Құп ишлайди, оз олади,
Таңда жони қийналади
Ишіга ипсиз бойланади,
Азоб тортар ұроқчилар³.

¹ Қоракалпоқ поэзиясининг антологиясы. Тошкент, Үзбадибийнашр, 1958. 75-бет.

² Кунхұжа. Шеърлар, 22-бет.

³ Қоракалпоқ поэзиясининг антологиясы, 76-бет.

Кунхўжа жамиятдаги барча иллатларнинг асосий айбдорлари золимлар — хон, беклар, бойлар деган қатъий хулосага келади. Шоирнинг фикрича, аслида адолат, ҳақиқат, эзгулик, баҳт-саодат ҳимоячиси бўлиши лозим бўлган хон, беклар, ҳокимлар, оқсоқоллар жабр-зулм, адолатсизлик, зўравонликни қўллаб-қувватловчи ва амалга оширувчиларга айланганлар. Кунхўжанинг таъкидлашича, бу адолатсиз замонда золим хон ва бекларнинг зулми чидаб бўлмас даражада авжига чиқди: улар шоирлар қўлидан қаламини тортиб олмоқдалар, чаёнга ўхшаб ҳалққа заҳар солмоқдалар, фуқаронинг ҳимоясизлигидан фойдаланиб баттар эзмоқдалар. Шоирнинг фикрича, адолатсизлик, зўравонликка, жабр-зулмга асосланган тузум узоқ умр кечиришга ҳаққи йўқ, у тугатилиши керак:

Битсин бу терс дунё сарсон, хор этди,
Емакка, ичмакка элни зор этди,
Зулмкор шоҳларни ҳукмдор этди,
Шу сабаб дунёдан ўтдим армонда¹.

Кунхўжа бутун ҳокимиятни ўз қўлларида тўплаган хон ва бекларни кескин танқид қиласди, уларнинг реакцион сиёсатини фош қилиб ташлайди. Шоир хонни адолатсиз, золим ва ҳалқ душмани деб атайди ва бундай давлат бошлиғи ҳалқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор эмас, унга хизмат қилмаслик лозим, деган фикрни илгари суради:

Бўлмади бечора ҳалққа ҳеч ҳурмат,
Подшоҳ эл-юрга этмади ҳиммат,
Арзимас золимга қилмоқлик хизмат
Ҳайф деган сўзлар ҳақ келди ёронлар².

Мутафаккирнинг фикрича, ҳалқ манфаатларини кўзламайдиган, адолатсиз, меҳнаткашни талайдиган мансабдорларнинг келажаги ҳам йўқ:

Сақламасдан виждон, орин,
Талайверса ҳалқнинг борин,

¹ Кунхўжа. Шеърлар, 16-бет.

² Кунхўжа. Шеърлар, 6-бет.

Тингламаса оху зорин,
Оқсоқоллар нега керак!
Икки ёқни тенг билмаса
Элга одиллик құлмаса,
Халқ билан үйнаб-кулмаса,
Хоким тұра нега керак.

Шуни алоқида қайд қилиш лозимки, Кунхұжа үзининг күпчилик үтмишдошлари ва замондошларидан фарқли ұлароқ ҳолда ұукмдорларни инсофга, адолатта чақирмайды, халқни озодликка чиқариш вазифасини маърифатли шоҳға юкламайды. Зұрлікка асосланған хон ҳокимииятига яқдиллик билан фаол ҳаракат құлувчи халқ оммасигина барҳам бериши лозим деб үйлайды:

Сұзларим фаҳм этинг, эй қадрдонлар,
Әчоғат ёвдан ҳақ олинг бу онлар.
Жаннатдай ҳәётни кутган инсонлар¹,
Құлға құл берингиз, юринг ёронлар².

Шоирнинг фикрича бирлашиб, қатъият билан қилинган халқ ҳаракати озодликка олиб чиқадиган ягона түғри йўлдир:

Мен айтган йўл ҳақли, асло туц³ эмас,
Қагъият мададкор бўлур ёронлар.

Ажиниёз. Ўз даврининг илғор кишиси, шоир сифатида қорақалпоқ халқининг ижтимоий-сиёсий фикрлари тарихида үзининг муносиб үрнига эга бўлганлардан бири Ажиниёз Қусибой ўғлидир. У 1824 йилда ўртаҳол оиласда дунёга келди. Ажиниёз бошланғич маълумотни овул мактабида олди. Сўнг у Хивадаги Шерғози-хон мадрасасига кириб ўқиди. Мадрасани муваффақиятли тутатган Ажиниёз Охун унвонига сазовор бўлади. Шоир Фарбий Қозогистонда, Оренбургда, Ёйиқ (Урол)да бўлиб, у ерлардаги қозоқ, рус, бошқирд ва татар халқларининг турмуш тарзи, маданияти билан яқиндан танишади. Ўз ҳаётининг кўп қисмини дарбадарликда, қашшоқликда ўтказган Ажиниёз 1878 йилда вафот этади.

¹ Қорақалпоқ поэзиясининг антологияси, 79-бет.

² Кунхұжа. Шеърлар, 5-бет.

³ Ўша жойда.

Ажиниёз асарлари инсонпарварлик, демократизм, ваттапарварлик руҳи, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартибларга нисбатан танқидий муносабат билдирилган ғоялар билан суғорилган. Шоирнинг фикрича, инсон бутун мавжудотлар орасида энг улуғидир. Шунинг учун ҳам инсон эъзозга, шод-хуррам, тинч, фаровон ҳаёт кечиришга лойиқ. Барча ижтимоий-сиёсий қоидалар инсон баҳт-саодати йўлида хизмат қилиши керак.

Ўз замонасининг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳалқ оммасининг турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлган шоир кундалик турмушда кишиларнинг жабр-зулм, зўравонлик, талончилик, хор-зорлик, очлик-яланғочликда азоб чекаётганликларининг гувоҳи бўлади. Ажиниёз ўз асарларида ўз замонасига, феодал жамиятининг ҳукмрон доираларига, ижтимоий-сиёсий тартибларига қарши ўз норозилигини билдиради, меҳнаткаш ҳалқнинг оғир аҳволини, жамиядаги иллатларни, адолатсизликни акс эттиради.

Ажиниёзнинг бир қатор асарларида шоир яшаб ижод этган даврдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар акс эттирилган. Жумладан, унинг "Бузатов" номли асарларида 1858—1859 йилларда бўлиб ўтган Бўзорол қўзғолонининг ҳукмрон доиралар томонидан ваҳшийларча бостирилиши натижасида меҳнаткаш ҳалқ бошига тушган кулфатлар, кишиларнинг таъқиб остига олиниши, болалар ва қизларнинг қулликка сотилиши, хунрезликлар туфайли қўзғолон иштирокчиларининг ўз она юртларидан кетишга мажбур бўлганликларини чуқур қайғу-алам билан баён қиласди.

Шоирнинг фикрича, жамият аъзолари маълум бир шахслар — бошлиқлар томонидан бошқарилиши керак. Мутафаккир бошқарувчиларни (шоҳ, ҳонларни) икки групга бўлади: золимлар ва одиллар.

Ажиниёз золим давлат бошлиқларини қоралайди, уларни ҳалқ душмани сифатида таърифлайди. Шоирнинг таъқидлашиба, давлат бошлигининг таянчи ҳалқидир, ўз ҳалқига зулм ўтказувчи султон (давлат бошлиғи) узи эгаллаб турган лавозимига мос келмайди: "Тахт устида турган жоҳил султонлар, бир бегча йўқ сўрар эли бўлмаса..."².

¹ Қаранг: Қорақалпоқ поэзиясининг антологияси, 80—81-бетлар.

² Ажиниёз Қусибояй ўғли. Танланган шеърлар, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1962, 43-бет.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Ажиниёз ўз давридаги золим шоҳларнинг мавжудлигини тақдир тақозоси деб билади ва ўзининг тақдиридан норози эканлигини изҳор қиласи. Шунинг билан бирга шоир золим шоҳлар ҳукмронлиги абадий булиши мумкин эмас, ўз халқи манфаати, баҳт-саодати, келажаги йўлида хизмат қилмайдиган ҳокимият албатта инқирозга йўл тутади, унинг бошлиғи эса ўз бошидан жудо бўлади, деган фикрни илгари суради¹.

Ажиниёз келажакка ишонч билан қарайди, тинчлик, осойишталик, тенглик, шодлик, дўстлик, ғоялари тантана қилган жамият хақида орзу қиласи. Шоирнинг фикрича, бу жамият бошбошдоқликка асосланган жамият эмас. балки ўзаро ҳурмат-иззат, ҳамкорлик, қардошлиқ, дўстлик, инсонийлик, адолат, тартиб, интизом ғоялари тантана қилган жамият бўлади. Бундай жамият меҳнаткаш халқ яйраб яшайдиган жамият бўлиб, уни бошқариш одил, саховатли бошлиққа ишониб топширилмоғи лозим. Фақат шундай кишигина жамиятда осойишталик, ҳамжиҳатлик, бирликни таъмин этиши мумкин: "Одил одам бош бўлмаса юрт бўлмас, ҳар кимнинг хайри саховати бўлмас..."

Бердақ. Қорақалпоқ халқининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги илғор ижтимоий-сиёсий фикрлари қорақалпоқ адабиётининг асосчиси, демократ шоир-мутафаккир Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ ижодида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди. Бердақ 1872 йилда Орол денгизи соҳилидаги Мўйноқча яқин бўлган овуллардан бирида камбағал балиқчи оиласида туғилади. У ўн ёшида онасидан, кейинроқ отасидан айрилади. Бердақ дастлабки маълумотни овул мактабида олади. Ота-онасидан эрта жудо бўлган Бердимурод овул подасини боқиб ҳаёт кечиради. Кейинчалик Хивадаги Қорақум мадрасасига кириб ўқиди. Лекин у мадрасани тугаллашга муваффақ бўлмади. Бунга, бир томондан, моддий стишмовчилик, иккинчи томондан, танқидий руҳда ёзилган шеърлари

¹ Қаранг: Антология каракалпакской поэзии. Тошкент. изд. Худож. лит. 1968. 202-бет.

² Ажиниёз Қусибай ўғли. Танланган шеърлар. 44-бет.

учун уни таъқиб остига олиниши сабаб бўлди. Бердақ Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули ва Кунхўжаларнинг асарларини қунт билан ўрганди, уларнинг илғор ғояларидан илҳомланди. Шоир ўзининг бутун онгли ҳаётини меҳнаткаш халқ орасида қашшоқликда ўтказди, қўлига дўмбира олиб, ўз шеърларини эл орасида куйлади. Бердақ 1900 йилда вафот этади.

Бердақ асарларида қорақалпоқ халқининг аянчли аҳволи, азобу уқубатлари, ғаму изтироблари, орзу-умидлари, асррий тилаклари ўз ифодасини топди. Шоир асарлари тенглик, озодлик, тинчлик, инсонпарварлик, адолат ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. У ижтимоий-сиёсий муносабатларга, тартибларга, тарихий, сиёсий воқеаларга, давлат ва унинг амалга ошираётган сиёсатига баҳо беришда ана шу умуминсоний гоялар нуқтаи назаридан ёндашади, ана шу мезонлардан келиб чиқиб мавжуд тузум, ижтимоий-сиёсий қонунларини кескин танқид остига олади, уларни ўзгартириш, меҳнаткашлар ўз озодлиги йўлида фаол ҳаракат қилиши лозим деган фикрни илгари суради.

Бердақ ижодий меросининг асосини меҳнаткаш халқининг аянчли ҳаётини холисона ёритиш ташкил қиласди. Мана шу муносабат билан ўзи яшаб ижод этган замонани кескин қоралайди ва бу замона золимлик, талончилик, зўравонлик, босқинчилик, жабр-зулм, очликяланғочлик, қайғу-ҳасрат, ҳақсизлик-адолатсизлик, жаҳолат, ғам-алам авжига чиққан замонадир, дейди.

Ўзининг бир қатор асарларида шоир замонанинг бу иллатлари меҳнаткаш халқ бошига тушган мусибат, баҳтсизлик, кулфат бўлса, жамиятнинг ҳукмрон доиралари учун эса бойиш, тўкин-сочинликда, роҳат-фароғатда ҳаёт кечириш манбаидир деган гояни илгари суради.

Ўз халқининг тарихини ўрганган, ўзи яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий муносабатларни зийраклик билан кузатган Бердақ: "Қорақалпоқ халқ бўлгандан, бир халқ атоғин олгандан, ҳақ таоло йўл солгандан сира тенглик олган эмас". "Тенглик топмай хўрлик билан, кунлар кўриб торлик билан, халқ ҳайдовда юрган экан"¹ деган хуносага келади.

¹ Бердақ. Сайланима. Шеърлар ва достон. Тошкент. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 9. 108-бетлар.

Бизнинг фикримизча, Бердақ фақат иқтисодий маънодаги тенгсизликни назарда тутмасдан, уни кенг маънода — ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, халқаро маънода тушунган... Буни унинг жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, турли табақалар, хон ва бекларнинг амалга ошираётган сиёсати ҳақидаги қарашларини акс эттирувчи "Бўлган эмас", "Бу замон", "Солиқ" каби асарларида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, Шарқ халқлари, айниқса мусулмон халқлар ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихида хотин-қизларга бўлган муносабат масаласи алоҳида аҳамиятга молик масаладир. Бу албатта фавқулодда ҳол эмас. Бунинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва ғоявий асослари бор. Булар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокининг чекланганлиги, ҳуқуқсизлиги, дин пешволарининг уларга муносабати (албатта салбий муносабати). Ўз даврининг илфор кишиси бўлган Бердақ хотин-қизларга муносабат, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолати масаласига алоҳида эътибор беради. Шоир ўзининг "Бу замон", "Келин", "Ахмоқ пошшо" каби асарларида хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигини, ор-номусининг ваҳшийларча поймол қилинишини қаттиқ қоралаш билан бирга, бу ноҳақликлар ва ёвузликларининг асосий сабабчилари — хон, беклар, шариат қонунлари ва уларнинг ҳомийларига қарши ўзининг кескин норозилигини баён қиласди: "Қизлар-жувонлар тенги билан юролмас, кулиб-яйраб, ёшлиқ даврини суролмас, қоронғу қоплаган қайғу бу замон"¹.

Бердақ хотин-қизларни мол қатори қалин эвазига сотиш, кўп хотинлилик каби иллатларни фош қиласди. Айниқса, хотин-қизларнинг эрки ва ор-номусларини ёвузларча топтовчи хонларни қаттиқ қоралайди, уларнинг ахлоқий бузуқлигини кенг халқ оммаси кўзи олдида фош қилиб ташлайди: "Ёш эди ҳамма олгани, олиб қафасга соггани, зўрликда никоҳ қилгани, кўпи азобда ўлган экан"².

Бердақ ўз ўтмишдошлари ва замондошлари каби синфлар, синфий кураш ва унинг моҳиятини тушуниб етишдан анча узоқ эди. Бу билан Бердақ жамиятда манфаатлари

¹ Бердақ. Сайланма, 23-бет.

² Ўша асар, 113-бет.

бир-бирларига қарши бўлган гуруҳларнинг бор эканлигини умуман англаб етмаган, деган фикрга келмаслик керак. Зоро, шоир асарларида ҳам жамият аъзоларининг иккита йирик гуруҳга бўлингандилиги, уларнинг манфаатлари бир-бирларига зид эканлиги, улар ўртасида иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фарқлар, қарама-қаршиликлар мавжуд эканлиги ҳақидаги фикрлар яққол кўзга ташланади. Бердақнинг кўрсатишича, биринчи гуруҳ — бу золимлардир. Булар қаторига шоир хон, беклар, оталиқлар, боёнлар, бойлар, эшонлар, ўнбошилар, элликбошиларни киритади. Иккинчи гуруҳ — меҳнаткашлар-дэҳқонлар, чўпонлар ва бошқа очяланғоч, ўз меҳнати ҳузурини кўришдан маҳрум этилган кишилар. Мутафаккирнинг фикрича, меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволининг асосий айбдорлари бутун бойликни, ҳокимиятни ўз қўлларида тўплаган хон, беклар ва бойлардир. Бердақ уларни кескин қоралайди, зўравонликда, адолатсизликда, талончиликда, меҳнаткашларни эзишда, халқнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилишда айблайди.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, ҳукмрон доиралар халқ, жамият манфаатларини эмас, фақат ўз манфаатларини ўйлаб иш тутадилар, уларни меҳнаткашларнинг аянчли турмуш шароити, оҳу зори, талаб ва истаклари, ариза ва шикоятлари заррача ҳам қизиқтиргмайди, халқни талаш эвазига орттирилган бойликлар ҳузурини фақат ўзлари кўради: "Золимлар тингламас фақирнинг зорин, улар ўйлар ўз фойдасин, ўз корин, ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин эп кўрмаслар бор бўлса-да, халқ учун"¹.

Бердақ феодал ҳукмдорларининг ички сиёсатини, айниқса унинг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсатини қаттиқ танқид остига олади. Шоир бу сиёсатнинг асл моҳиятини тўла тушуниб етган эди. Унинг фикрича, солиқ меҳнаткаш халқни талашнинг асосий воситаларидан бири бўлибгина қолмай, хон ва беклар ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг моддий манбаи ҳамдир. Бердақ феодал жамиятида амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг адолатсиз, меҳнаткаш манфаатига очиқдан-очиқ қарши қаратилганини фош қилиб ташлайди:

Қандай-қандай бўлди замон,

¹ Бердақ. Сайланма, 35-бет.

Бултургидан баттар ёмон.
Фарыб-гасар қолмай омон,
Үн тилладан келди солиқ.
Буни солди Нуримбет жон,
Буюрди, деб оталиқ хон.
Халқ бұлсин деб хонавайрон,
Үн тилладан келди солиқ .

Бердақ асарлари феодал ҳукмдорларининг ташқи сиёсатини, биринчи навбатда, улар олиб борган босқинчилик урушларини кескин қоралаш, ўз халқини, ватанни ҳимоя қилишга чорлаш руҳи билан суғорилган. Талончилик, босқинчилик урушларининг хонавайронликка, меңнаткашлар ақволини янада оғирлашишига олиб келишини чуқур ачиниш билан ҳис этган Бердақ бундай урушларга кескин қарши чиқади, уларнинг асосий айборлари бұлмиш хон, шоҳлар бошчилигидаги ҳукмрон доираларнинг гарразгүйлик ниятларини фош қилиб ташлайди: "Хевахон қасд этиб, юрт босиб олди, молсиз ақволига күп солиқ солди"².

Маълумки, Шарқнинг күпчилик илфор мутафаккирлари золим, жоҳил феодал ҳукмдорларини кескин танқид қилиб, одил шоҳлар томонидан бошқариладиган жамият ва давлат ҳақидаги ғояларни илгари сурғанлар. Аммо Бердақ ўз ўтмишдошлари ва замондошларидан фарқли равишда одил шоҳ бошчилигидаги давлат халқни озодликка эриштиради деган ғояга құшилмайди. Шоирнинг фикрича, ҳозир ҳам, ўтмишда ҳам одил шоҳ бұлған эмас, келажакда ҳам шоҳларнинг одил бўлишига кафолат бериб бўлмайди: "Бу дунё — бўлгали, подшоҳ одил бўлған эмас". "Адолат бўлмас ҳеч хонда бари бирдай бўлар экан..."³.

Хива хонини ва унинг мулоғимларини энг одил, халқпарвар қилиб кўрсатишга уринаётган ҳукмрон мағкуранинг вакилларига қарама-қарши ҳолда Бердақ ўз халқининг турмуши, ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ғамхўрлик қилмаётган, мамлакатнинг мўл-кўлчилигини, ободончилигини ўйламаётган, ҳақиқат тантанасини таъмин этмаётган

¹ Бердақ. Сайлланма, 62-бет.

² Ўша асар, 44-бет.

³ Ўша асар. 9, 131-бетлар.

давлат бошлигини одил подшо деб бўлмайди, у бундай номга лойиқ эмас, деган ғояни илгари суради. Худди шунингдек, ҳақни ноҳақдан фарқламайдиган, адолатли ҳукм чиқармайдиган қози, ғарибга назар солмайдиган, фақирга нафи тегмайдиган боён, халқа ёрдам бермайдиган, жабрланганни ҳимоя қилмайдиган султон ҳам эгаллаб турган мансабига лойиқ эмас.

Бердақ халқа меҳр-шафқат қилмайдиган, золим хон, оталиқ бекларни заҳарли илон, чаёнлар билан тенглаштиради, меҳнаткашларни қуруқ ваъдалар, алдаш йўли билан талаётган, қонларини сўраётган бекларни йиртқич ҳайвонларга ўхшатади ва уларни ҳокимият тепасидан асло қолдириш мумкин эмас, халқ қўзғолони орқали уларни ҳокимиятдан ағдариб ташламоқ лозим, дейди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, Бердақнинг фикрича, халқ қўзғолони фавқулодда юз берадиган ҳодиса эмас, беҳад жабр-зулм, адолатсизлик, талончилик ва зўравонликнинг маҳсули сифатида бунёд булади. Бу иллатлар қаерда авжига чиқса, у ерда эзилувчиларнинг золимларга қарши бош кўтариши муқаррар. Зулм, истибдод, жаҳолат абадий эмас. Халқ ўз озодлиги учун курашиб, қулликка барҳам бериши турган гап. Тун ўрнини кундуз олганидек, қуллик ўз ўрнини озодликка бўшатиб бермоғи керак, бунинг учун халқнинг биргаликдаги дадил ҳаракати зарур:

Азаматлар, дадил-дадил довон ош,
Дадилроқ бўлмасанг, кўздан оқар ёш,
Бўлмайин десанглар қайгуга йўлдош...
Ситамгарлик этса бешафқат, баттол.
Баланд бўлур қўлинг, бирлашсанг дарҳол...
Мен ўлмасман, ўлсам сўзим қолгуси,
Ғарib халқим мудом ёшига олгуси.
Золимларнинг бошига кун соглуси,
Тундан кейин, кундуз келар ҳар замон¹.

Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари учун хос бўлган муҳим хусусиятларидан бири унинг келажакка ишонч билан қаршиидир.

Шоирнинг келажак, жамият ва уни бошқариш ҳақидаги фикрлари умумий тарзда баён қилинган. Келажак жамият, Бердақнинг фикрича, зўрликка, адолатсизликка, жабр-

¹ Бердақ. Сайланма, 21-23-бетлар.

зулмга асосланган қоронғи дунёдан кескин фарқ қилиб тенглик, адолат, инсонпарварлик, бирлик қоидаларига асосланган "Кун нурлари яшнаган", "жамоат жамулжам" бўлган, меҳнаткашлар ўз меҳнатининг роҳатини кўрадиган дунёдир. Бу жамиятнинг бошқарувчилари эса халқ оммаси орасидан етишиб чиқсан, халқ манфаати йўлида хизмат қилувчи, мамлакат ободонлигини ва осойишталигини таъминловчи эл ғамхўрларидир: "Соясин соглан фақирга, сувлар оқизган тақирга, йўл кўрсатган ҳар сўқирга, эл ғамхўри керак менга. Белини маҳкам бойлаган, ўзни жангга шайлаган, элу юртин ўйлаган — эл ғамхўри керак менга".¹

Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг яна бир муҳим хусусияти — унинг ҳурфикрлилигидир. Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, шоир худони, динни умуман инкор этмайди. Аксинча, айрим ҳолларда Бердақ худога илтижо билан мурожаат қиласи, ундан мурувват кутади, уни меҳнаткашларнинг ҳимоячиси, золимларнинг жазоловчиси сифатида кўрсатишга уринади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида шоирнинг "Паноҳ бер" номли шеърини кўрсатиш мумкин. Шунинг билан бир қаторда Бердақ исломнинг барча ақидаларини ва унинг ҳомийларини қўллаб-қувватламайди, уларга қарши ўзининг норозилигини билдиради, уларнинг меҳнаткашлар оммасининг манфатларига қарши қаратилган фаолиятини аёвсиз фош қиласи. Шоир асарларида исломни ниқоб қилиб олган мусулмон руҳонийларининг жоҳиллиги, очкўзлиги, хасислиги, ғаразгўйлиги, мунофиқлиги, иккюзламачилигини очиб ташлайди, уларни меҳнаткашларни алдашда, талаш ва ахлоқсизликда айблайди:

Бу сўзимни эшиг Нормурод охун,
Саллангда кўп эрур ўрам ва тугун.
Меҳнаткашни алдаб кўп ейсан ҳақин,
Сендан ола қарға яхшироқ.
Үримбет, Нуримбет, Жамол, Сулаймон,
Сафар, Мирза, Орзу, Эримбет — чаён.
Халқнинг қонин сурған сурбет, бевиждон
Ҳаммангдан биздай бир гадо яхшироқ.

¹ Бердақ. Сайланма, 102-бет.

² Ўша асар, 45-бет.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Ўзбекистон халқларининг демократик сиёсий-ҳуқуқий фикри вакилларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларига умумий якун ясар эканмиз, уларнинг асарларида XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган мутафаккирларнинг илфорғоялари янада ривожлантирилганлигига, бойитилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу даврдаги мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари учун хос бўлган умумий хусусиятлар инсонни улуғлаш, унинг қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, давлат ва ҳуқуқни халқ манфатлари йўлида хизмат қилдириш йўлларини излаш, мамлакатда адолатсизлик, ҳақсизлик, зўравонликка барҳам бериш воситаларини қидириш, озодлик, тенглик, халқлар уртасида дўстлик ғояларини тарғиб қилиш, келажакка ишонч билан қарашдан иборат эди. Уларнинг келажак авлод олдида қилган хизматларидан бири шу бўлдики, улар мамлакатда миллий ва ижтимоий зулм авжига чиққан, зўравонлик ҳеч қандай чегара билмаган бир шароитда мавжуд тузумга, сиёсий-ҳуқуқий қонунларга очиқдан-очиқ қарши чиқдилар, ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, адолатсизликка, жабр-зулмга, инсон ҳуқуқларининг топталишига дадиллик билан қарши курашдилар, амалдаги тартибларни турли йўллар билан ўзгартириш ҳақидаги ғояларни илгари сурдилар ва жамиятни ўзгартириш, унинг тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили сифатида маорифни, илм-фанни ривожлантириш масаласини қўйдилар, келажакда илм-фанни ривожлантириш эвазига адолатли жамиятни ташкил қилиш ҳақидаги ғояни илгари сурдилар. Уларнинг айримлари адолатсизлик, зўравонликка асосланган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга халқ қўзғолони йўли билан барҳам бериш мумкин, деган фикрни ёқлаб чиқдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илфор мутафаккирлар томонидан ўша давр учун долзарб бўлган бир қатор сиёсий-ҳуқуқий муаммолар кун тартибига қўйилган бўлиб, уларнинг ечими ҳали ниҳоясига етказилмаган эди. Аммо бу муаммоларни ўша шароитда кўтариб чиқишининг ўзи ҳеч муболагасиз қаҳрамонлик эди. Шунингдек уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари давр билан боғлиқ бўлган, ўша шароит таъсири

маҳсули сифатида намоён бўлган камчиликлар, қарама-қаршиликлар, ноизчилликлар, тушунмовчиликлар (чор ҳукуматини маърифат, илм-фан тараққиёти ғамхўри, айрим чор маъмурларини адолатли, мусулмонларнинг маданий, маърифат тараққиёти тарафдори сифатида таърифлашлардан ва бошқалар) дан ҳам холи эмас эди. Бу камчиликлар ва қарама-қаршиликлардан қатъи назар, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган илгор мутафаккирлар Ўрта Осиё ҳалқларининг сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихида муҳим бир бурилиш ясай олдилар. Улар томонидан илгари сурилган демократик мазмундаги ғоялар миллий ва ижтимоий зулмнинг мустамлакачилик сиёсати ва тартибларининг илдизига катта зарба берди, мутаассиб феодал-клерикал мафкурага рахна солди, унинг вакилларининг асл мақсадларини ҳалқ оммаси тушуниб етишига туртки берди, энг муҳими маҳаллий меҳнаткашларни ўз инсоний ҳуқуқларини талаб қилишга, ўзларини таниб олишга, дўст-душманни ажратишга, маърифат, илм-фанни эгаллашга, озодликка, мустақилликка унади. Бу билан улар икки томонлама зулм остида азоб чекаётган ватандошларининг сиёсий онгининг ўсишига, ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракатининг фаоллашувига катта таъсир кўрсатдилар.

МУНДАРИЖА

Мустақил Ўзбекистон давлати ривожланишининг маънавий-хуқуқий илдизлари	3
<i>I боб. XVII—XVIII асрларда Ўзбекистондаги сиёсий-хуқуқий фикрлар</i>	6
1. Ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура	6
2. Илғор демократик сиёсий-хуқуқий фикрлар...	12
<i>II боб. XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистондаги сиёсий-хуқуқий фикрлар</i>	26
1. Ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура	26
2. Илғор демократик сиёсий-хуқуқий мафкура	29
<i>III боб. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондаги сиёсий-хуқуқий фикрлар</i>	42
1. Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва унинг оқибатлари	42
2. Феодал-клерикал сиёсий-хуқуқий мафкура	57
3. Демократик сиёсий-хуқуқий мафкура	82

*Иншайлашадиган мактабни
Оғизларни ташлантиришадиган мактабни*

*Мактабни ташлантиришадиган мактабни
Оғизларни иншайлашадиган мактабни
Мактабни ташлантиришадиган мактабни*

*Мактабни ташлантиришадиган мактабни
Оғизларни иншайлашадиган мактабни
Оғизларни ташлантиришадиган мактабни
Мактабни ташлантиришадиган мактабни
Оғизларни иншайлашадиган мактабни*

*Оғизларни иншайлашадиган мактабни
Оғизларни ташлантиришадиган мактабни*

*Мактабни ташлантиришадиган мактабни
Оғизларни иншайлашадиган мактабни
Оғизларни ташлантиришадиган мактабни
Мактабни ташлантиришадиган мактабни
Оғизларни иншайлашадиган мактабни*

Джурабай Ташкулов

**ПОЛИТИЧЕСКИЕ ЮРИДИЧЕСКИЕ МЫСЛИ НАРОДОВ
УЗБЕКИСТАНА (XVII—XIX ВЕКОВ)**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1996,
700129, Тошкент, Навои, 30

Мусаввир *Б. Большаков*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Техник муҳаррир *А. Горшкова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*

Теришга берилди. 28.02.95. Босишга рухсат этилди 26.10.96
Қоғоз 84x108¹/32. "Таймс" гарнитурада оғсет босма усулида
босилди. Шартли бос.т. 6,72 Нашр. т. 6,67. Тиражи 2000.
Буюртма № 4560 Баҳоси шартнома асосида

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр. 145-94.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамиияти техни-
кавий ва программавий воситалар базасида тайёрланиб
Тошкент, "АгроХарита" институтининг Ўздаверлоииза картфабри-
касида босилди. 700096, Тошкент, Муқимий кӯчаси, 182

